

Ж.Х.АТАНИЯЗОВ, С.А.АБДУВАЛИЕВ, С.Р.ҚУДРАТОВ

**МОЛИЯ-САНОАТ  
ГУРУҲЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ:  
НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАР  
ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

Ж.Х.АТАНИЯЗОВ,  
С.А.АБДУВАЛИЕВ,  
С.Р.ҚУДРАТОВ

# МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Тошкент  
«Akademnashr»  
2012



УДК: 336(575.1) (072)

ББК 65.292

A50

A50

Атаниязов, Ж.Х.

Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш: назарий-амалий жиҳатлар ва истиқболлар / Ж.Х.Атаниязов, С.А.Абдувалиев, С.Р.Кудратов; Н.Х.Жумаевнинг таҳрири остида. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 208 б.

I. Абдувалиев, С.А.

II. Қудратов, С.Р.

ISBN 978-9943-397-98-9

УДК: 336(575.1) (072)

ББК 65.292

*Иқтисод фанлари доктори, профессор Жумаев Нодир  
Хосиятович таҳрири остида*

**Тақризчилар:** Б.А.Бегалов, иқтисод фанлари доктори, проф.,  
М.И.Алмардонов, иқтисод фанлари доктори, проф.

*Монографияда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг назарий асослари ёритилган, Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари ҳамда жаҳонда молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг замонавий тенденциялари тадқиқ этилган. Хорижий мамлакатларда молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг қиёсий таҳлили амалга оширилган, Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг зарур шарт-шароитлари аниқланган, молия-саноат гуруҳларини ривожлантириш моделларидан республикамизда фойдаланиш имкониятлари ёритиб берилган. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.*

*Монография барча иқтисодий йўналиш ва мутахассисликларда таълим олаётган талабалар, тадқиқотчилар ва мутахассис-амалиётчиларга тавсия этилади.*

Монография Тошкент давлат иқтисодийёт университети Илмий кенгашининг 2011 йил 26 декабрдаги қарори билан нашрга тавсия этилган.

824787

© Ж.Х.Атаниязов, С.А.Абдувалиев, С.Р.Кудратов  
«Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш:  
назарий-амалий жиҳатлар ва истиқболлар».

© «Akademnashr» нашриёти, 2012 йил.

ISBN 978-9943-397-98-9

китобхонаси

ЕБО

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи, ушбу хўжалик юритишнинг янги тизимини жорий қилиш борасида бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги уларни ҳал этишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўлларини ишлаб чиқишни кун тартибига қўяди.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига кириб бориши ҳудудий ва глобал даражадаги рақобатбардошлиги, молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки халқаро меҳнат тақсимотининг кучайиши хўжалик иштирокчиларидан юқори даражадаги рақобатбардошликни талаб этади. Шу сабабли Ўзбекистон ўз иқтисодий сиёсатида банк-молия ва саноат тармоқлари интеграциясини ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов: «Табиийки, иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкилотларининг аҳамияти жуда катта. Банкларсиз саноат бўлмаслигини, банкларсиз экспорт бўлмаслигини биз жуда яхши биламиз»<sup>1</sup>, – деб бежиз таъкидламаганди. Бу йўналишда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш асосий вазифалар қаторига киради.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, молия-саноат гуруҳлари, трансмиллий корпорациялар, трансмиллий банклар, халқаро молиявий марказлар фаолияти доирасининг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б.131.

кенгайиб бориши давлатлар иқтисодий ривожланишида сезиларли роль ўйнайди.

Юртбошимиз 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида: «Банклар молия-саноат гуруҳлари ташкил этишнинг ташаббускори ва фаол иштирокчиси бўлиши даркор»<sup>2</sup>, – деб таъкидлайди.

Тижорат банкларининг инвестицион жараёнларда фаол қатнашиши иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда мамлакат саноат потенциали мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутди. Бу борада Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида фикр билдиради: «Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди. Бу ўринда биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалар манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғлик фаол қатнашаётганини ҳам кўзда тутамиз. Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор».<sup>3</sup> Тижорат банкларининг йирик инвестиция институт-

---

<sup>2</sup> Қаримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15 – Ўзбекистон, 2007. – 205 Б.

<sup>3</sup> Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент И.А.Қаримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналиш-



ларига айланиши молия ва саноат капиталининг ўзаро бирлашишига қулай замин яратади.

Республикаимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш, юқори илмий сифмли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш йирик ҳажмда инвестицияларни талаб этади. Мазкур масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш лозим. Молия-саноат гуруҳларида молия капитали билан саноат капитали бирлашиб, нафақат инвестиция жараёнларининг фаоллашишига, балки иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга қўмаклашади.

Молия-саноат гуруҳлари Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришда, иқтисодиётимизнинг аграр секторида замонавий хўжалик тизимини яратишда, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини янада тараққий эттиришда, мамлакатимиз фуқаролари турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнайдиган молиявий тузилма бўлади деб ҳисоблаймиз.

Монографиянинг биринчи бобида молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг назарий асослари, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида уларнинг мақсад ва вазифалари, Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари ҳамда жаҳонда молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг замонавий тенденциялари ёритилган.

Иккинчи бобда эса хорижий мамлакатларда молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг қиёсий таҳлили, Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг зарур шарт-шароитлари, уларни ривожлантириш моделларидан республикаимизда фойдаланиш имкониятлари ёритиб берилган.

---

ларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь. №21.

Учинчи бобда Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги муаммоларнинг моҳияти ўрганилган, юртимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.

## I БОБ.

### МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ, ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

#### 1.1. Молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг назарий асослари

Хорижда молия ва саноат капиталининг бирлашиш жараёни XIX аср охири – XX аср бошида бошланган. Аммо молия-саноат гуруҳлари атамаси нисбатан илгари юзага келиб, илмий муомалага биринчи марта хорижий мутахассислар томонидан киритилган. Иқтисодий адабиётларда йирик бирлашган тузилмаларни ўрганишда ТМК (трансмиллий корпорация) атамаси ҳам қўлланилади. Шунинг учун уларнинг таърифини аниқлашни мақсадга мувофиқ санаймиз.

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти томонидан тайёрланган маълумотда хорижий олимлар, давлат арбоблари ва етакчи тадбиркорлар томонидан таклиф қилинган халқаро компаниянинг турли хил таърифлари умумлаштирилган. Ушбу маълумотда трансмиллий компания қуйидагича таърифланган: «Бир ёки бир нечта филиал ва бўлинмаларга эга исталган корпорация сўзи кенг маънода мультимиллий таърифта мос келиши мумкин. Очигини айтганда, мультимиллий корпорацияни аниқлаш учун шартлар сифатида аниқ фаолият тури (масалан, ишлаб чиқариш), филиалларнинг минимал сони (масалан, олтита) ёки хорижий операция-



ларнинг минимал улуши (масалан, активлар ёки савдо ҳажмининг 25%) кабиларни қайд этиш мумкин».<sup>4</sup>

Замонавий ТМК ўзида молия-кредит ташкилотлари (банклар, молия, инвестицион ва суғурта компаниялари, пенсия фондлари) билан савдо қилувчи ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик корхоналарнинг (саноат, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги) бирлашиши натижа-сида ҳосил бўлган кўп тармоқли банк – саноат – савдо мажмуаларини намоён этади. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш негизида банк капиталининг келажак-да марказлашуви ва жамланиши, банклар ролининг аста-секин ўзгариб бориши ҳамда ишлаб чиқаришнинг бир ерга тўпланиши жараёнлари туради.

Трансмиллий корпорация капитал таркиби бўйича мил-лий, фаолият соҳаси бўйича халқарога айланган йирик монополиялардир. Улар миллий иқтисодиётда устун ту-риши билан биргаликда жаҳон хўжалигида ҳам ҳал қилув-чи ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда молия-саноат гуруҳлари моҳияти маса-ласини ўрганишда иккита асосий жиҳатни ажратиб кўрса-тиш мумкин: иқтисодий ва ҳуқуқий. Моҳиятни аниқлаш-даги бундай фарқланиш бутунлай мантиқий, шу сабабли мазкур ёндашувлар турли мақсадларни кўзлайди. Молия-саноат гуруҳларининг ҳуқуқий тушунчаси ўзига хос ҳуқуқий-меъёрий асосни шакллантириш учун зарур, иқтисодий таърифи эса хўжалик юритиш субъектлари мазкур тури-нинг фаолият юритиш тамойиллари ва моҳиятини, таш-кил топиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Масалан, Россия Федерациясининг «Молия-саноат гу-руҳлари тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасида молия-саноат гуруҳларининг ҳуқуқий тушунчаси қуйидагича қайд этилган: «Молия-саноат гуруҳи – янги иш ўринларини

---

<sup>4</sup> Multinational corporations in World Development. – N.Y.: U.N., 1973. – P.118 – 121.

яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматлар бозорларини кенгайтириш ва рақобатбардошлилигини оширишга йўналтирилган, инвестицион ва бошқа лойиҳа ҳамда дастурларни амалга ошириш учун иқтисодий ва технологик интеграция мақсадларида гуруҳларни ташкил этиш тўғрисидаги шартнома асосида ўзларининг моддий ва номоддий активларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган асосий ва шўъба жамиятлари сифатида қатнашувчи юридик шахслар мажмуаси».<sup>5</sup>

Замонавий иқтисодий луғатда молия-саноат гуруҳларига қуйидагича аниқлик киритилган<sup>6</sup>: мамлакатнинг молия-саноат гуруҳлари ва уларни ташкил этишни тартибга солиш тўғрисидаги қонуний ҳужжатларидаги шартлар асосида капитал ва моддий ресурсларини бирлаштирган, молиявий ва инвестицион институтлар ҳамда юридик мустақил корхоналарнинг давлат даражасида рўйхатдан ўтган гуруҳидир. Бундай таъриф фақат юридик асосга мурожаат этади, фикримизча, у баъзи ноаниқликларга эга, чунки инвестиция институти молиявий институтнинг бир тури ҳисобланади.

Мазкур атаманинг қонуний изоҳланиши ҳам жуда тор. Қонуний таърифлаш фақатгина рўйхатга кирувчи молия-саноат гуруҳларига тегишли, бундай бирлашманинг ичида юз берадиган иқтисодий ва молиявий жараёнларнинг расмий ҳақ-ҳуқуқлар мавжудлигига таъсири кўринмайди. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан англаш мумкинки, қонуний равишда йўлга қўйилган молия-саноат гуруҳлари фаолият юритаётган гуруҳларнинг кам қисмини ташкил этади.

Молия-саноат гуруҳлари тушунчаси моҳиятига ёнда-

---

<sup>5</sup> Статья 2 Федерального Закона «О финансово-промышленных группах». №190. фз от 30.11.1995.

<sup>6</sup> Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 2-е изд., испр. – М.: ИНФРА-М, 1999. – 479 с.

шувлар таҳлили кўрсатадики, хорижий иқтисодчилар кўпинча бундай бирлашмаларнинг иқтисодий хусусиятини тўлиқ намоён этмайдиган таърифни қўллайдилар. Масалан, И.Стародубров фикрича, молия-саноат гуруҳлари деганда, одатда, иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришнинг муҳим масалаларини ҳал этиш ва мувофиқлаштирилган хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун молиявий институтлар ҳамда саноат корхоналарини бирлаштириш доирасида содир бўлган давлат раҳбарлигида ташкил этилган ташкилот тушунилади.<sup>7</sup> Бироқ мазкур таърифда моддий, номоддий ва молиявий активларнинг бирлаштирилиши қамраб олинмаган.

И.Ю.Беляев молия-саноат гуруҳларини бирлашган капиталнинг ҳаракати натижаси сифатида таърифлайди, у юридик тузилмаларнинг бирлашишига ва бундан кўзлаган мақсадларига эътибор бермасдан, фақатгина капитал нуқтаи назаридан ёндашган.<sup>8</sup>

А.Е.Дворецк молия-саноат гуруҳларини барча гуруҳ иштирокчиларининг умумий фойдасини ошириш ва саноатга инвестицияларни йўналтириш мақсадида молиявий ресурсларни тўплашга имкон берувчи тузилма сифатида таърифлаб, ишлаб чиқаришни ҳисобга олманган ҳолда фақатгина молиявий жиҳатига эътибор қаратади.<sup>9</sup>

А.Г.Мовсесян эса молия-саноат гуруҳларини банк, савдо, саноат фаолиятининг аввалги алоҳида шакллари ягона чекланган яхлитликда бирлашиши доирасида банк ва саноат капитали интеграцияси жараёнининг ни-

---

<sup>7</sup> Стародубровская И. Финансово-промышленные группы: иллюзии и реальность // Вопросы экономики. 1995. №5. – С.135 – 146.

<sup>8</sup> Беляева И.Ю., Эскиндаров М.Л. Капитал финансово-промышленных корпоративных структур. – М., 1998. – 298 с.

<sup>9</sup> Дворецкая А.Е., Никольский Ю.Б. ФПГ: менеджмент + финансы. – М.: Принтлайн, 1995. – 384 с.

хоятда давомийлиги ҳамда қўшилиши натижаси деб ҳисоблайди.<sup>10</sup>

Фикримизча, бу таъриф анча мукамал. Бироқ унда бирлашманинг ҳуқуқий асоси ва якуний мақсадлари тўлиқ очиб берилмаган.

Г.Г.Чибриковнинг таърифлашича, бозор иқтисодиётида молия-саноат гуруҳлари деганда, турли хилдаги номга эга, ўз ичига маълум бир ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги саноат-молия ва молия гуруҳларини, йирик трансмиллий ва миллий компанияларни (масалан, IBM, Samsung ва ҳ.к.) ҳамда кўпинча камроқ аниқ шаклга эга, лекин ўзида бир қанча тизимли негиз ҳосил қилган ва албатта иқтисодий, ҳаттоки сиёсий кучни ифодаловчи (масалан, Швециядаги Валленберглар «империяси», АҚШдаги Калифорния гуруҳи ва ҳ.к.) етарлича кенг доирада бирлашган тузилмалар тушунилади.<sup>11</sup> Бу анчайин бир томонлама қараш, бирлашманинг фақатгина ташкилий-ҳуқуқий шаклини англатади.

В.А.Цветковнинг таърифлашича, молия-саноат гуруҳлари деганда, хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун меҳнатни тақсимлаш ва уни мувофиқлаштириш, улар ўртасида ўзаро боғлиқликдаги иқтисодий ва молиявий муносабатларни ўрнатиш асосида молиявий ташкилотлар билан саноат корхоналарини бирлаштириш доирасида содир бўлган молия-саноат мажмуалари тушунилади.<sup>12</sup>

Фикримизча, ушбу таъриф ҳаммасидан кўра тўлиқроқ. Бироқ у ҳам етарли даражада аниқмас, молия-саноат гу-

---

<sup>10</sup> ФПГ: зарубежный опыт и реалии России / Под ред. А.Г.Мовсеяна, Б.М.Смитиенко. – М., 1996. – 152 с.

<sup>11</sup> Чибриков Г.Г. О финансово-промышленных группах // Российский экономический журнал. 1994. №2.

<sup>12</sup> Цветков В.А. ФПГ в системе рычагов стабилизации экономики России. Дис... канд. эк. Наук. Институт проблем рынка (РАН), 1997.

руҳлари фаолиятининг мақсади таърифланиб, моддий, номоддий ва молиявий активларнинг бирлаштирилиши, ўзаро боғлиқликдаги иқтисодий ва молиявий муносабатларга алмаштирилган. Бу мутлақо турлича тушунчалар. Қолаверса, мазкур таърифда савдо бўғини кўшилмаганди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.Б.Хамидулиннинг таърифлашича, молия-саноат гуруҳи самарали ишлаб чиқариш, молия-хўжалик фаолиятини таъминлаш мақсадида ўзининг номоддий, молиявий, ишлаб чиқариш ресурсларини тўлиқ ва қисман бирлаштирган ишлаб чиқариш, савдо-тижорат корхоналари, молия-кредит институтларини ўз ичига олган хўжалик юритувчи субъектлар мажмуини намоён этади.<sup>13</sup> Мазкур таъриф молия-саноат гуруҳлари фаолиятини намоён этувчи етарлича тушунчаларни қамраб олган, фақатгина бошқарув тизимига эътибор қаратилмаган.

Иқтисодий адабиётларни чуқур ўрганиш молия-саноат гуруҳлари таърифининг муҳим элементларини аниқлашга ёрдам берди, улар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётдаги турли хил хўжалик субъектларининг бирлашиши (юридик шахслар мажмуаси);
- моддий ва номоддий активларнинг бирлашиши;
- инвестицион ва бошқа лойиҳа ҳамда дастурларни амалга ошириш учун молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг аниқ мақсадли характерга эгалиги.

Фақат юқоридаги учта элементни қамраган таъриф молия-саноат гуруҳлари моҳиятини тўлароқ очиб беради.

*Демак, молия-саноат гуруҳлари деганда, ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида марказлашган бошқарувга эга ва ўз ресурсларини (ишлаб чиқариш, молия-*

---

<sup>13</sup> Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления: Автореф. дис... докт. эконом. наук. – Ташкент, 2008.

вий, меҳнат, номоддий ва ҳ.к.) бирлаштирган, ишлаб чиқариш, савдо корхоналари ва молия-кредит институтларини қамраган мустақил юридик шахслар интеграцияси шакли тушунилади.

Молия-саноат гуруҳлари тушунчасини таърифлаш билан биргаликда унинг асосий функциялари ва иқтисодиётдаги ролини аниқлаш зарур.

Маълумки, объектнинг функцияси уни моҳияти намоён бўлишининг кўриниши ёки тушунчаси бўлиб ҳисобланади. Молия-саноат гуруҳларининг функциялари юқоридаги айтиб ўтилган учта жиҳатда унинг моҳиятини очиб беради.

Функциялардан биринчи гуруҳи молия-саноат гуруҳларининг иқтисодий тузилмаларнинг бирлашиши сифатидаги хусусияти билан боғлиқ:

1. Корхоналар ўртасидаги алоқадорликни мустаҳкамлаш, молия-саноат гуруҳлари ичида ҳамкорлик шакллари кенгайтириш. Бошқа мамлакатлар ва минтақалардан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотишни кенгайтиришнинг янги имкониятларини излаш. Мамлакат саноатини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштиришни барқарорлаштириш мақсадида янги молия-саноат алоқаларини ташкил этиш.

2. Ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулотлар, хизматлар ҳажмини ошириш, қўшимча маҳсулот олиш учун технологик чиқиндиларни қўллаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳамда технологик тизимни кенгайтириш.

3. Тўғридан-тўғри молиялаштириш ва ўзаро ҳисоб-китоблар каби қўшма молиялаштириш механизмлари асосида моддий-техник таъминот узлуксизлигини ташкил этиш (шу тарзда таъминотчилар билан бузилган алоқалар туфайли янги алоқалар ўрнатиш тезлашади). Технологик узилишларга барҳам бериш, оддий технологияларни тугатиш.

4. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш. Харажат сиёсатини қайтадан кўриб чиқиш, ички ўтказма нархларини жорий этиш, контрагентларни алмаштириш, хомашё ва эҳтиёт қисмлар етказиб



бериш нархларини кўриб чиқиш. Мажмуа корхоналари томонидан ишлаб чиқарилувчи маҳсулотга талабнинг самарадорлигини кучайтириш (биринчи навбатда, ички талабни ошириш ҳисобига).

Функцияларнинг иккинчи гуруҳи молия-саноат гуруҳлари моҳиятини капиталнинг интеграцияси шакли (моддий ва номоддий активларнинг бирлашиши) сифатида очиб беради:

А. Янги корхоналарни қўшиш ва бирлаштириш, корпоратив тузилмаларни доимий такомиллаштириш. Трансмиллий тузилмаларга ўтиш.

Б. Ўзининг савдо фирмалари ва фирма дўконларини яратиш йўли билан маҳсулот сотишни ташкил қилиш. Савдо белгиларини ишлаб чиқиш.

В. Банк билан ички алоқаларни мустаҳкамлаш. Ягона молиявий менежмент тизимини тузиш. Янги ҳамкорлик шакллари ва молиявий механизмларни қидириш. Молиявий менежментнинг янада такомиллашиши.

Г. Инвестицияларнинг ички манбаларини оптималлаштириш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш учун хорижий ва ички инвестицияларни жалб этиш, инвестицион жараён кўламини ошириш. Хорижий ва ички инвесторлар учун юқори ишонч ва жозибадорлик яратиш мақсадида корпоратив тузилмани модернизациялаш.

Функцияларнинг учинчи гуруҳи қуйидагилардан ташкил топган:

1. Молия-саноат гуруҳлари фаолиятини барқарорлаштириш. Бутун гуруҳлар ва алоҳида корхоналар даромадлари ошишини таъминлаш.

2. Қарздор корхоналардаги ишлаб чиқаришни соғломлаштириш. Ишчиларга иш ҳақини доимий тўлаб бориш ва қарздорликка барҳам бериш, тўхтаб қолган ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш орқали фойдани вужудга келтириш. Банкдаги ҳисоб-китоб рақамларида айланма маблағларни юзага келтириш.

3. Корхоналарнинг ўзаро қарздорлигини камайитириш. Мустаҳкам тўлов айланмасини ўрнатиш.

4. Ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этиш, реклама тадбирларини ташкиллаштириш, бозорни кенгайтириш ишларини амалга ошириш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш. Истеъмол сифатини такомиллаштириш бўйича доимий чора-тадбирларни кўриш.

5. Маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш.

6. Рискларни бошқариш.

Замонавий бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ва илмий-техник сиёсатнинг устувор йўналишларини амалга ошириш имкониятига эга тузилмаларни шакллантиришда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг бутун жараёни ўз мақсадларига эга бўлиши керак. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни мамлакатда саноатни тараққий эттиришга, бозор муносабатларини ривожлантиришга ҳамда жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнининг кучайишига, қолаверса, қуйидаги муҳим макро ва микроиқтисодий масалалаларни ҳал этишга ёрдам беради:

1. Ички рақобатлашув муҳитини шакллантириш ва хўжалик алоқаларининг янги тизимини ўрнатиш асосида мамлакат иқтисодиётида барқарорлашиш жараёнларини кучайтириш, ишлаб чиқариш пасайишига таъсир кўрсатиш.

2. Мамлакатнинг жаҳон бозорида мустақкам ўрин эгаллаши ва юқори рақобатбардошлик даражасига эришишини таъминлаш.

3. Нархлар барқарорлигини кучайтириш, жумладан, молия-саноат гуруҳларига тегишли банк асосида уларнинг умумий молиявий базасини тузиш, технологик алоқадор корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китоблари ёрдами билан нотўловлар даражасини камайтириш, харажатлар қиймати ошиши жараёнини барқарорлаштириш.

4. Давлат эгалигидаги ишлаб чиқариш мажмуалари ва корхоналарнинг давлат акция пакетларини самарали бошқариш ва ҳ.к.

Молия-саноат гуруҳларини маълум белгиларга кўра

таснифлаш замонавий ташкилий тузилмалар молия-саноат гуруҳлари функцияларини таъминлаш заруратига жавоб беришини, иқтисодий ривожланишни кучайтирувчи ролини ўйнашини таҳлил этиш имконини беради. Шунингдек, у фаолиятнинг турли хил жиҳатларида молия-саноат гуруҳларини муҳокама қилиш имконини беради, ҳамда молия-саноат гуруҳлари моҳияти унинг функциялари билан алоқадорлигини изоҳлашни енгиллаштиради.

Тузилишининг кўп вариантлилиги молия-саноат гуруҳлари функцияларининг кўп маънолилиги ва турли-туманлиги ҳақида тасаввур уйғонади. Ҳар бир гуруҳ ўз тузилиши тўғрисидаги масалани шарт-шароит ва имкониятларига қараб мустақил ҳал этади.

Фикримизча, фаолиятнинг турли томонлари ва жиҳатларидан келиб чиқиб молия-саноат гуруҳларини бир неча йўналиш бўйича таснифлаш мумкин.

Жаҳон амалиётидан келиб чиқиб молия-саноат гуруҳларини айрим белгиларга кўра таснифлаш мумкин (1-иловага қаранг).


Таснифий белгиларга ажратиб таҳлил қилиш асосида молия-саноат гуруҳларининг иқтисодий стратегиясини амалга оширишнинг кўп учрайдиган йўллари кўриб чиқамиз.

### **Ҳудудий белгисига кўра:**

1. Ҳудудий гуруҳлар маълум бир ҳудуд доирасида фаолият юритади. Ҳудудий гуруҳлар асосан ҳудудий белгисига кўра қўшни корхоналарнинг келишуви натижасида тузилади. Бундай молия-саноат гуруҳлари иқтисодий ва технологик муносабатлари алоқадор бўлмаган корхоналарни ҳамда технологик занжири ўзаро боғланган корхоналарни қамраши мумкин.

Ҳудудий молия-саноат гуруҳларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун маҳаллий маъмурият қуйидаги чора-тадбирлар тизимини амалга оширади:

- мол-мулк солиғидан тўлиқ ёки қисман озод этиш;
- маҳаллий ҳокимият эгалигидаги мулкдан вақтинчалик бепул фойдаланиш ёки имтиёзли ижарага бериш;



**1-расм. Ҳудудий молия-саноат гуруҳларининг шартли ташкилий тузилиши<sup>14</sup>**

– гуруҳнинг асосий фаолияти билан технологик алоқадор, лекин унинг таркибига кирмайдиган корхоналарнинг акция пакетларини бошқаришга ваколат бериш.

Ҳудудий молия-саноат гуруҳларини ривожлантириш, бир томондан, марказ билан муносабатларда ҳудудларнинг ўрнини мустаҳкамлаш усули сифатида, бошқа томондан, ҳудудий иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ечишга ёрдам берувчи восита деб қаралади. Маҳаллий маъмуриятлар молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ёрдамида экологик муаммоларни ҳал этиш ва аҳоли бандлигини сақлаш каби устувор масалаларни ҳисобга олган

<sup>14</sup> Ленский Е.В., Цветков В.А., Финансово-промышленные группы: история создания, международный опыт, российская модель. – М., 1997. – С.86.

ҳолда ўзаро технологик боғлиқ корхоналарни тузилмавий жиҳатдан қайта қуришни таъминловчи йирик дастурларни амалга оширадилар.

2. Худудлараро молия-саноат гуруҳларига гуруҳларнинг иккита тоифаси тегишли:

– ишлаб чиқариш кооперацияси орқали ўзаро алоқадор бўлган турли худудлардаги корхоналарнинг бирга фаолият кўрсатиши доирасидаги гуруҳлар;

– иқтисодиётни ривожлантиришнинг давлат томонидан белгиланган устувор йўналишларига жавоб берувчи, фаолият йўналиши бўйича маълум иқтисодий худудларнинг маҳаллий маъмурияти билан келишилган, узоқ муддатли инвестицион дастурларни амалга ошириш учун корхона ва ташкилотлар фаолиятини бирлаштириш мақсадида иштирокчиларнинг ташаббускорлигига кўра ташкил этилган гуруҳлар.

Жаҳон амалиётида кўпчилик худудлараро молия-саноат гуруҳлари худудий бир-бирига ўзаро боғлиқликка эга бир нечта саноат тармоқлари бўйича инвестицион ресурсларни тақсимлашнинг стратегик режасига асосан ташкил этилган.

Худудлараро молия-саноат гуруҳлари таркибига, одатда, саноат корхоналари учун зарур маблағларни жалб этишга қодир йирик тижорат банки киради.

3. Ҳозирги кунда трансмиллий молия-саноат гуруҳлари кенг тарқалмаган. Трансмиллий молия-саноат гуруҳлари алоҳида ҳуқуқий мақомга эга. Бир қатор мамлакатлар (Белоруссия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон) Россия билан биргаликда «МДХ доирасида бирлашган иқтисодий тузилмаларни ривожлантиришга ёрдамлашиш тўғрисида»ги ҳукуматлараро битимни, трансмиллий молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга бевосита тегишли битимни ишлаб чиқдилар ва имзоладилар.

Трансмиллий молия-саноат гуруҳларини ривожлантириш МДХ мамлакатлари қонунчилигидаги фарқлар туфайли аста-секинлик билан кечмоқда. Бунга солиқларнинг

юқори даражадалиги ҳам тўсқинлик қилмоқда, жумладан, ҚҚСнинг юқори ставкаси МДХ давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик учун жиддий тўсиқ. Қўшимчасига, МДХ давлатлари ўртасида ҚҚСни ҳисоблашнинг ягона тизими тўғрисида битим имзоланмаганини қайд этиш мумкин.

### **Ташаббускорнинг ташкил топишига кўра:**

1. Банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари кўпчилик ҳолларда пул маблағларини ишончли ва етарлича фойдали жойга сарфлашдан, уларнинг диверсификацияси ва бунинг натижасида саноатга эътибор қаратишдан манфаатдор банклар ташаббусига кўра ташкил этилади. Чунки бозорнинг ўзгарувчан конъюнктураси шароитида капитал қўйилмалар диверсификацияси натижасида банкларнинг ишончлилиги ортади. Бундай банклар бир қадар йирик саноат корхоналарини бошқаришга қодир ва анчагина эркин капиталга эга бўладилар.

Молия-саноат гуруҳларининг мазкур тури унга кирувчи ишлаб чиқариш корхоналарининг турли-туманлиги (баъзан ишлаб чиқариш кооперациялари алоқадор бўлмаслиги ҳам мумкин) билан бошқаларидан ажралиб туради.

Банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳларининг маркази молия-кредит ташкилоти ҳисобланади. Одатда, йирик тижорат банки бошчилигидаги банк холдинг бирлашмасидан иборат бўлади. Улар аниқ бир мақсадни кўзда тутган ҳолда гуруҳ марказида турадилар ҳамда саноат, савдо, транспорт корхоналари акцияларини тўплайдилар. Бундай молия-саноат гуруҳларини ривожлантириш стратегияси ва жорий менежментини ишлаб чиқиш банк томонидан амалга оширилади (2-иловага қаранг).

2. Саноат молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг асосий мақсади ишлаб чиқариш дастурларига инвестицияларни жалб этишни кучайтиришга қулай шароитлар яратиш, янги технологияларни ўзлаштириш ва муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида умумий мақсадларга эга бўлиш, илмий-текшириш ташки-



лотлари ва гуруҳ корхоналарининг ишлаб чиқариш-техник ривожланишини таъминлаш зарурати ҳисобланади. Саноат молия-саноат гуруҳлари ичида битта қудратли саноат корхонаси атрофида унинг устун вазиятини сақлаш учун ташкил этилган гуруҳлар ҳам учраши мумкин.


Мазкур молия-саноат гуруҳлари горизонтал ёки вертикал бирлашган (интеграллашган), лекин кучли диверсификациялашмаган. Бу молия-саноат гуруҳларининг стратегик йўналишлари устунлик қилувчи компания томонидан аниқ белгиланади. Барча гуруҳлар бошқарувини амалга оширувчи компания ташкил этилади. Молия-саноат гуруҳларида молиявий ташкилотлар унчалик муҳим роль ўйнамайди, бош компания томонидан ташкил этилган банклар сифатида кўзга ташланади.

3. Савдо-тижорат гуруҳлари кўпгина маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг нафақат ишлаб чиқариш, балки тақсимлаш даврида ҳам назорат орқали бозорга самарали таъсир кўрсатишга имкон берадиган йирик ва ихтисослашган савдо корхоналари билан кооперация ўрнатиш заруратини англаб етиши натижасида вужудга келган.

**Ишлаб чиқариш алоқалари хусусиятига ва технологик белгисига кўра:**

1. Вертикал молия-саноат гуруҳлари қазиб олишдан, хомашёни қайта ишлашдан ишлаб чиқаришгача, тайёр маҳсулотни сотиш, уни шахсий таъминот ва транспорт тармоғи орқали истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган ягона технологик даврда бирлашган ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг турли босқичларини амалга оширувчи иштирокчи корхоналар бирлашишидир. Вертикал бирлашган гуруҳларни тузишнинг мақсади битта марказдан ишлаб чиқариш, тақсимлаш даврини назорат қилиш орқали бозорга самарали таъсир кўрсатишга интилиш саналади.

Молия-саноат гуруҳи иштирокчилари маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича узоқ муддатли ишлаб чиқариш алоқаларига эга бўладилар. Гуруҳнинг негизини йирик ишлаб чиқариш-технологик мажмуалар ташкил этади.



**2-расм. Битта етакчи корхона бошчилигидаги вертикал интеграллашган молия-саноат гуруҳлари<sup>15</sup>**

Бу гуруҳлар турли саноат тармоқларидаги корхоналарни, савдо, транспорт ва молиявий ташкилотларни ифодаловчи бирлашмалардир. Мазкур гуруҳларда ишлаб чиқариш бир неча босқичда кечади. Марказий компания фақатгина қонун талабини бажариш мақсадида тузилган. Агарда олигархия компанияларидан бирортаси устунлик қилувчи сифатида шаклланса, марказий компания гуруҳларнинг устунлик қилувчи компанияларини назорат этувчи холдинг компанияси бўлиши мумкин.

Молия-саноат гуруҳларининг ушбу ташкилий тузилмаси экспортга йўналтирилгани ҳамда унга кирувчи банкнинг хизмат кўрсатиш даражасининг юқорилиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Бундай банклар ўзининг молия-саноат гуруҳларига тўлиқ қарашли бўлган ҳолда

<sup>15</sup> Дворецкая А.Е., Никольский Ю.Б. Финансово-промышленные группы: менеджмент и финансы. – М.: Принтлайн, 2002. – 154 с.

кўп миқдордаги мижозларни жалб этиб бошқа банклар орасида муҳим ўрин эгаллайди.

2. Горизонтал молия-саноат гуруҳлари бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқаришнинг бир хил босқичларини амалга оширувчи иштирокчи корхоналарни бирлаштиради.



**3-расм. Ташкилотлар бирлашишининг уюшма шакли (бирлашишнинг горизонтал тури)<sup>16</sup>**

Горизонтал молия-саноат гуруҳларининг ташкилий тузилмаси ўзида иштирокчиларни бирлаштиришнинг уюшма шаклини ифодалайди. Унинг асосига корхоналар ўртасида нарх сиёсатини ҳал этиш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар таъминотида бозорни ажратиш, ягона умумгуруҳ стратегиясини, саноат ва молия сиёсатини ишлаб чиқиш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, уларнинг техник қайта қуrollанишини жадаллаштириш, рақобатбардош ва юқори технологияли маҳсулотлар тайёрлашни ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини оширишни мувофиқлаштириш қўйилган.

3. Юқори диверсификациялашган молия-саноат гуруҳ-

---

<sup>16</sup> Ленский Е.В., Цветков В.А., Финансово-промышленные группы: история создания, международный опыт, российская модель. – М., 1997. – С.91.

лари (конгломератлар) таркибига бир нечта бевосита алоқадор бўлмаган ишлаб чиқаришларни олган гуруҳларни ифодалайди. Одатда, бундай гуруҳлар ҳудудлараро бўлади. Кўпинча мудофаа саноати, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш каби тармоқларга ихтисослаштирилади. Таснифлашнинг мазкур кўринишида юқори диверсификациялашган молия-саноат гуруҳлари жуда кўп сонли гуруҳ ҳисобланади. Бу уларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади. Банклар иштирокидаги ёки вертикал молия-саноат гуруҳларини тузиш корхоналарга назоратнинг қайтадан тақсимланишини англатади, мазкур, ҳолат, албатта, қийинчилик туғдиради. Конгломерат молия-саноат гуруҳлари бирлашмаси эса бундай қийинчиликларни бартараф этишга ёрдамлашади.

Бундай молия-саноат гуруҳлари қонунда кўрсатилган имтиёزلардан фойдаланиш, айти пайтда, мустақил бўлиш учун бирлашишни истаган кўплаб саноат компаниялари томонидан тузилган. Юқорида келтириб ўтилган сабаблар туфайли кўпинча стратегик йўналишлар ноаниқ бўлади. Шунингдек, уларнинг молиявий менежмент соҳаси ҳам юқори даражада такомиллашмаган бўлади. Агарда гуруҳ молиявий ташкилот ташаббусига кўра ташкил этилмаса, гуруҳ фаолиятида молиявий ташкилот унчалик аҳамиятга эгамас. Марказий компания эса қонун талабларини бажариш учун ёки аниқ масалаларни (инвестиция, инновация, бизнесни ривожлантириш ва ҳ.к.) бажаришнинг махсус инструменти сифатида ташкил этилади.

Молия-саноат гуруҳлари иқтисодий ва молиявий муносабатларда бозорнинг бошқа субъектларига қараганда бир қатор афзалликларга эга:

– хомашё қазиб олишдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган технологик занжирнинг мустаҳкамланиши юз беради ва ишлаб чиқаришнинг бир бутунликда бирлашиши кучаяди;

– фаолият диверсификацияси гуруҳ корхоналарига юқори барқарорлик яратади ва маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ошади;

– қўйилган молиявий ва ишлаб чиқариш мақсадларига эришиш учун йирик капитални тўплаш истиқболлари пайдо бўлади;

– гуруҳнинг стратегик йўналишига мувофиқ молия-саноат гуруҳининг турли бўлимлари ўртасида капиталнинг қайта тақсимланиши кечади;

– молия-саноат гуруҳлари технологик ва кооперацион алоқадор корхоналарнинг бирлашиши учун қулай шароит яратади, натижада ишлаб чиқариш барқарорлашади;

– молия-саноат гуруҳлари банк ва саноат капитали интеграциясини кучайтиради, бу инвестицион муҳитнинг яхшиланишига замин яратади;

– молия-саноат гуруҳлари иқтисодиётнинг устувор йўналишларига тармоқлараро ва тармоқлар ичида ресурсларни қайта тақсимлаш механизми ривожланишига ёрдам беради.

Йирик молия-саноат бирлашмалари афзалликлар билан бирга қатор камчиликларга ҳам эга: қўшилиш ва бирлашиш жараёнида монополиянинг юзага келиш хавфи; гуруҳ корхоналари ўртасида фондларни қайта тақсимлаш устидан назорат ўрнатишнинг қийинлиги; паст рентабелли корхоналарни юқори рентабелли корхоналар ҳисобига сунъий қўллаб-қувватлаш имконияти ва ҳ.к. Албатта, ушбу камчиликларнинг олдини олишга мамлакат ҳукумати томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар кўмаклашади.

Молия-саноат гуруҳлари тузилишига эътибор қаратсак, тарихан банклар ҳар доим ҳам молия-саноат гуруҳлари тузувчилари сифатида чиқмаганлар. Сабаби молия-саноат гуруҳлари тузиш маҳаллий қонунчиликка асосан амалга оширилган ва ушбу қонунчиликлар нобанк тузилмаларига баъзи бир банк операцияларини амалга оширишни тақиқлаган.

Бирлашма таркибига кирган банклар молия-саноат гуруҳларида қуйидаги функцияларни бажаришлари лозим:

– гуруҳ иштирокчилари бўлган саноат корхоналарига касса-ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш;

- депозитар хизматлар;
- молия-саноат гуруҳлари томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар эмиссиясини кафолатлаш ва уларни сотиш бўйича дилерлик функцияларини амалга ошириш;
- молия консалтинги, ташқи иқтисодий шартномаларни амалга оширишни таъминлаш, молиявий лойиҳалаштириш, траст операциялари;
- гуруҳ қатнашчилари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган лизинг операциялари;
- бўш маблағларни молия бозорининг энг рентабелли сегментларига жойлаштириш ва уларни бошқариш;
- молия-саноат гуруҳлари мақсадли дастурлари учун инвестициялар излаш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- алоҳида дастурларни кредитлаш, харажатларни минималлаштиришга йўналтирилган молиявий режаларни ишлаб чиқиш.

Молия-саноат гуруҳларидан фойдаланиш қуйидагиларни амалга оширишга ёрдам беради:

- саноат билан узилган алоқаларни тиклаш ва чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- инновациялаш ва маҳсулот сифатини оширишга ёрдам берувчи янги илмий ишланмаларни жорий қилиш;
- олинадиган молиявий маблағларни фақат молия-саноат гуруҳларига қарашли банкларда тўплаш, уларнинг бошқа кредит ташкилотлари томонидан ишлатилишининг олдини олиш, шу билан уларнинг мақсадли дастурлар учун ишлашини таъминлаш;
- ички нархлар механизмидан фойдаланиш, бир неча маротаба солиққа тортилишига йўл қўймаслик;
- хорижий инвестициялар ва йирик кредитларни олиш имконини берувчи йиғма (жамлама) балансга эга бўлиш;
- бозорда мустақил компания сифатида ва молия-саноат гуруҳлари сифатидаги иккита ролни ижро этиш, ушбу роллар буюртмаларни олиш ва маҳсулотни сотиш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Молия-саноат гуруҳларига кириш банк муассасасига ликвид таъминотга, катта ҳажмдаги капиталга, бир ерга



жамланган кучли балансга эга ишончли мижозлар билан ишлаш ва йирик ҳажмдаги активларни жойлаштириш имконини беради. Қолаверса, у ёки бу молия-саноат гуруҳлари муваффақиятлари ёрдамида банкнинг ҳам обрўси ошиб боради.

Молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда яна бир усулдан ҳам фойдаланилади. Ушбу усул гуруҳ таркибида банклардан ташқари суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари, инвестиция компаниялари ва жамғармалари, брокерлик компаниялари, биргалиқда суғурталаш жамғармалари ва маблағларининг бир қисмини молия-саноат гуруҳлари лойиҳаларини молиялашга йўналтириши мумкин бўлган бошқа органлар кирган «молия бас-сейни» тузишдан иборат. Қолаверса, гуруҳ кучлари томонидан ёки гуруҳнинг таркибида фаолият кўрсатаётган, фойданинг катта нормасига эга тижорат, савдо ва экспортга йўналтирилган хомашё компанияларини қўшиш, уларнинг даромадларидан маълум қисмини молия-саноат гуруҳлари лойиҳасини ривожлантиришга «йўналтириш» имконини беради.

Молия-саноат гуруҳларининг шакллантирилиши ва фаолият юритиши орқали, биринчидан, банк капиталини саноатга йўналтириш муаммоси ҳал этилади; иккинчидан, бутун банк тизимига ишонч ортади ва унинг тузилмаси такомиллашади; учинчидан, молия-саноат гуруҳлари ўртасида янги йирик ташкилотларни жалб этиш учун, банклар ўртасида эса гуруҳнинг энг фойдали иштирокчиларига хизмат кўрсатиш бўйича рақобатлашув жараёни кучаяди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, молия-саноат гуруҳлари хўжалик юритишнинг замонавий тузилмасидир, унинг ижобий жиҳати сифатида молиявий маблағларнинг самарали бошқарилиши, рақобатбардошликнинг оширилиши ҳамда бошқарувнинг оқилона йўлга қўйилишини кўриш мумкин.

## 1.2. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш ҳамда молиявий институтларни ривожлантириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Замонавий бозор иқтисодиётини яратишга замин ҳозирловчи бундай институтлар сифатида молия-саноат гуруҳларининг шаклланиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига ҳамда жаҳон хўжалиги талабларига мос келади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ўзаро боғлиқ йирик ташкилий-хўжалик тузилмаларига асосланади, уларнинг атрофида ўрта ва кичик бизнес корхоналари тармоғи жойлашади.

Молия-саноат гуруҳлари деганда, ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида марказлашган бошқарувга эга ва ўз ресурсларини (ишлаб чиқариш, молиявий, меҳнат, номоддий ва ҳ.к.) бирлаштирган, ишлаб чиқариш, савдо корхоналари ва молия-кредит институтларини қамраган мустақил юридик шахслар интеграцияси шакли тушунилади.

Жаҳонда тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш кенг тарқалган. Мамлакатимизда ҳам тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳларини тузишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиздаги етакчи тижорат банкларининг иқтисодиётни саноат тармоғига кредит қўйилмалари улуши йил сайин ўсиш тенденциясига эга, бунда асосан «ТИФ Миллий банки», «Агробанк», «Қишлоққурилишбанк», «Асакабанк» ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк» каби банкларнинг салмоғи юқори кўрсаткични ташкил этади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамиздаги етакчи банкларнинг ўз атрофида саноат корхоналарини бирлаштириши бевосита тижорат банклари ўртасидаги монополлашув даражаси кучайишига олиб келиши мумкин. Айни

пайтда, мазкур ҳолат мамлакатимиз тижорат банкларининг жаҳон банклари билан рақобатлашув даражасини оширади, миллий иқтисодиётга инвестициялар жалб этишга қулай замин ҳозирланади.

Банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал секторидаги тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг ресурс базасини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ижобий натижа бермоқда: сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали қарийб 2 баробар кўпайиб, 2011 йил 1 январь ҳолатига 4 трлн сўмга етди. Аммо бу ҳолат тижорат банкларининг sanoat корхоналарини бирлаштирган ҳолда молия-sanoat гуруҳларини ташкил этиши учун етарлимас. Тижорат банкларининг йирик sanoat корхоналаридаги акциялари улуши ҳам талаб даражасидамас, бу тижорат банкларининг sanoat корхоналарини назорат қилиш имкониятини чегаралаб қўйиши мумкин. Шу боис мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш лозим. Натижада уларнинг инвестицион фаоллиги кучаяди. Аммо тижорат банклари билан sanoat корхоналарининг бир-бирига инвестиция қилиб капиталлашув даражасини сунъий равишда оширишига йўл қўймаслик даркор. Молия-sanoat гуруҳи таркибига кирувчи тижорат банклари қарорлар қабул қилишда тўла ҳуқуқ билан қатнашиши учун қарор қабул қилишга имкон берадиган миқдордаги акцияларни уларнинг ихтиёрига топшириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида республикамиз тижорат банкларининг капитали етарлилигига қўйиладиган талаблар ҳам ошириб борилмоқда. Буни 1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш, тижорат банклари капиталлашув даражасини ўстириш, уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда ички манбалар ҳисобидан иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модер-

**Тижорат банклари устав капиталининг минимал  
миқдориغا қўйилган талаблар<sup>17</sup>**

Йиллар	Тижорат банклари учун	Хусусий банклар учун
1998 йил 1 январь	1,5 млн АҚШ дол. экв.	0,3 млн АҚШ дол. экв.
1999 йил 1 январь	2,0	0,3
2000 йил 1 январь	2,5	0,3
2002 йил 1 январь	2,5	1,25
2005 йил 1 январь	5,0	2,5
2008 йил 1 январь	5,0 млн евро экв.	2,5 млн евро экв.
2011 йил 1 январдан	10,0 млн евро экв.	5,0 млн евро экв.

низациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтириладиган кредитлар ҳажмларини кўлайтириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этиш йўлидан борилмоқда. Шу мақсадда 2010 йил 6 апрелда Президентимизнинг «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1317-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида 2011 йил 1 январдан янгидан ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдори тижорат банклари учун сўм эквивалентида 10 млн еврога, хусусий банклар учун эса сўм эквивалентида 5 млн еврога этиб белгиланган.

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Тижорат банклари фаолияти молиявий барқарорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири банкнинг устав капитали ҳисобланади. Тижорат банкларини капиталлаштириш 2008 йилга қадар банклар устав сармоясининг энг кам миқдорини шакллантиришга қўйилган талаблар АҚШ долларига сўмнинг эквиваленти шаклида белгиланганди. Халқаро молиявий муносабатларда етакчи валюталардан бири ҳисобланган евронинг роли ҳам, бошқа валюталарга нисбатан қиймати ҳам ортиб бораётгани сабабли банкларимиз сармоясининг энг кам миқдорига қўйилган талаблар ошди. 2008 йил 1 январдан янги ташкил этилаётган банклар учун сармоянинг энг кам миқдорини еврога ўзгартириш банкларнинг сўм эквивалентидаги сармоясини ошириш имконини берди. Бу банкларнинг молиявий барқарорлигини ҳамда инвестицион фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг чуқурлашуви шароитида ҳукуватимиз томонидан 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши ижобий самара бермоқда. Банк тизимининг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, ресурс базасини яхшилаш орқали банк-кредит тизими барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларидаги иштирокини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига, тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига кредитлар ажратиш, инвестициялаш ҳажмларини ошириш, банклар томонидан уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва замонавий банк хизматларини жорий этиш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Юқоридаги каби ижобий кўрсаткичлар мамлакатимизда молия ва саноат капитали интеграцияси учун қулай замин ҳозирлайди. Республикамизда молия-сано-

ат гуруҳларининг шакллантирилиши тижорат банкларининг инвестицион фаолияти ошишига ҳамда саноат корхоналари барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада банклар йирик инвестиция институтларига айланиши учун шароит юзага келади. Тижорат банкларининг йирик инвестиция институтларига айланиши молия ва саноат капиталининг ўзаро бирлашишига қулай замин ҳозирлайди.


Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳи иштирокчилари сифатида молия-саноат гуруҳлари ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзолаган юридик шахслар (тижорат ва нотижорат ташкилотлари) қатнашиши мумкин. Гуруҳ таркибида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар, молия-кредит ташкилоти бўлиши шарт. Молия-саноат гуруҳига гуруҳда инвестицион жараёни таъминлашда ижобий роль ўйнашга лаёқатли инвестицион институтлар, нодавлат фондлар, суғурта ташкилотлари кириши мумкин.

Давлат ва маҳаллий корхоналарнинг молия-саноат гуруҳида қатнашиши уларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг белгиланган тартиб ва шарт-шароитидан келиб чиқади.

Молия-саноат гуруҳлари бошқарувининг олий органи унинг барча қатнашчилари вакиллари кирувчи молия-саноат гуруҳи бошқарувчилар кенгаши ҳисобланади. Мазкур кенгаш молия-саноат гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномада белгиланган ваколатлар доирасида фаолият юритади.

Бундай шартноманинг барча қатнашчилари биргаликда молия-саноат гуруҳларининг расмий вакили – марказий компанияни тузадилар. Марказий компания юридик шахс ҳисобланиб, одатда, инвестицион институт сифатида фаолият олиб боради. Молия-саноат гуруҳининг марказий компанияси хўжалик жамияти, ассоциация ёки бирлашма шаклида тузилган бўлиши мумкин.

Молия-саноат гуруҳининг марказий компанияси 4-расмда акс эттирилган вазифаларни амалга оширади.



**4-расм. Молия-саноат гуруҳи марказий компаниясининг асосий вазифалари<sup>18</sup>**

Молия-саноат гуруҳи марказий компаниясининг молия-саноат гуруҳининг ишларини юритиш бўйича олиб борадиган бошқа фаолиятлари унинг устави ёки молия-саноат гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартномага асосан белгиланади.

Молия-саноат гуруҳлари ихтиёрий равишда ва акциядорлик турдаги қўшма компанияни ташкил этиш йўли билан иқтисодиётда асосий, лекин турли хил функцияларни бажарувчи хўжалик юритувчи субъектларни бирлаштиради.

<sup>18</sup> Хорижий давлатларнинг «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини ўрганиш асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Ўзига хос шарт-шароитларда бундай тузилмаларни ташкил этиш асосий мақсад – жаҳон хўжалиги миқёсида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдан ташқари, қуйидагиларни ҳам кўзда тутади:

– молиялаштиришнинг нобюджет манбаларини иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш орқали мамлакатнинг саноат салоҳиятини ошириш йўли билан инвестицион жараёнларни фаоллаштириш;

– тузилмавий ислохотларнинг бошланиши ҳамда мамлакатнинг илмий-техник салоҳиятини юксалтириш;

– мамлакатимиз ва МДХ минтақасида иқтисодий салоҳиятнинг мустаҳкамланиши;

– маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг кўпайиши ҳамда фаолият самарадорлигининг ошиши;

– кичик бизнес соҳаси ва давлат ўртасидаги ўзига хос «ўрта бўғин» бўлиб чиқувчи асосий хўжалик тузилмаларининг шакллантирилиши асосида иқтисодий ривожланиш жараёнларида бошқарувнинг кучайиши;

– кооперацион алоқалар самарадорлигини кенгайтириш ҳисобига иқтисодий ривожланиш жараёнларини хориждаги фаолият кўламини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда йирик хорижий корпорациялар билан муваффақиятли рақобат қилиш.

Молия-саноат гуруҳлари иштироки билан саноат корхоналарини, молия-кредит ва суғурта ташкилотларини, инвестицион компанияларни, савдо, транспорт ва бошқа ташкилотларни бирлаштиришга интилиш юқорида қайд этилган мақсадларга эришишга қулай замин яратади, улар горизонтал ва вертикал хўжалик алоқаларини таъминловчи инструмент ролида намоён бўладилар.

Бундай интеграциянинг асосида бир қатор сабаблар туради, биринчидан, молиявий ресурсларни жалб этмасдан ва бир жойга тўпламасдан унумдорликни олдинга жадаллаштиришнинг имконсизлиги; иккинчидан, ишлаб чиқаришни доимий равишда ихтисослаштириш ва диверсификациялаш.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро алоқадор тех-



нология ва кооперацияни ўз ичига олган, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда умумий манфаатларга эга корхоналарда иш жараёнини мувофиқлаштирмай биргаликда фаолият юритиш имкони йўқ.

Маблағларни бир жойга тўплаш йўли билан корхоналар ривожланишини бошқариш, рискларни камайтириш ва биргаликдаги қимматли қоғозлар портфелини оқилона юритиш имконияти юзага келтирилади, самарали лойиҳаларни амалга оширишда инвестицион ресурсларнинг бир жойга тўпланиши эса молия-саноат гуруҳига кирувчи ҳар бир ташкилот ва корхона учун қўшимча барқарорлик яратади.

Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва фаолият юритишининг хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– ягона ҳуқуқий-меъёрий негиз асосида ҳар бир гуруҳни ташкил этиш лойиҳасининг ўзига хос хусусиятга эга бўлиши;

– асосий молиявий ва маҳсулот оқимларини белгилловчи гуруҳлар етакчисининг мавжудлиги. Бунда саноат корхонаси, молия-кредит ташкилоти ҳам етакчи сифатида чиқиши мумкин;

– марказий компания томонидан молия-саноат гуруҳлари аъзолари бошқарувини таъминлашнинг муҳим омиллари акциядорлик назорати ва шартномада белгиланган муносабатлар ҳисобланади;

– ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни, давлат эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқаришга лаёқатли корхоналарнинг вертикал ёки горизонтал кооперациясида гуруҳларнинг вужудга келиши;

– гуруҳлар амалга оширадиган лойиҳаларни инвестициялаш учун етарлича ўз капиталига эга молия-кредит ташкилотларини танлаб олиш;

– таркибига гуруҳнинг фаолият юритишидан кутилаётган самарадорликни баҳолашнинг комплекслиги ва ишончлилигини, биргаликдаги фаолият юритиш механиз-

мини олган молия-саноат гуруҳлари лойиҳасининг пухта асосланганининг экспертиза орқали тасдиқланиши;

– молия-саноат гуруҳларини ташкил этишга ва фаолият юритишига давлат томонидан ёрдам беришнинг турли хил шакллари мавжудлиги.

Қайд этиб ўтилган тамойилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган бундай тузилмалар ҳақиқатан ҳам ривожланиб борувчи асосий хўжалик юритиш шакли сифатида шаклланиб, ишлаб чиқариш, савдо ва молия капиталининг эркин муомалада бўлишини, жамғарилишини ва иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтирилишини таъминлайди, такрор ишлаб чиқаришни самарали амалга оширишга имкон яратади.

Молия-саноат гуруҳлари турли йўллар билан ташкил этилади:

– ихтиёрий тартибдаги қатнашчилар ёки гуруҳнинг бир қатнашчисига тегишли акция пакетларини бошқа қатнашчиларникига бирлаштириш орқали;

– ҳукумат қарорлари бўйича;

– ҳукуматлараро битимлар асосида.

Молия-саноат гуруҳлари қуйидаги мезонлар бўйича таснифланиши мумкин:

– бош (марказий) иштирокчининг ҳақ-ҳуқуқлари ва роли бўйича атрофида бошқа ташкилотларни (тижорат банки, илмий-текшириш ёки муҳандислик ташкилоти, савдо фирмаси) бирлаштиради;

– ишлаб чиқариш интеграцияси шаклларига кўра (вертикал, горизонтал, конгломерат);

– тармоқ хусусияти бўйича (тармоқли, тармоқлараро);

– диверсификация даражасига кўра (бир ихтисосли, кўп ихтисосли);

– фаолият кўлами бўйича (халқаро, республика, минтақавий).

Ўзаро бирлашган рақобатбардош молия-саноат тузилмаларини ташкил этишда асосий масалалардан бири иқтисодий субъектларни узоқ муддатли биргаликдаги фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратиш ва молия-са-

ноат гуруҳининг барча қатнашчилари талаблари доирасида ҳимояни таъминловчи механизмларни шакллантириш ҳисобланади. Қолаверса, молия-саноат гуруҳларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари мослашувини, бошқарув тузилмаси таркиби ва қатнашчиларининг ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий-иқтисодий муҳит омилларини ўзгартиришга муносабатини осонлаштирувчи шароитларни яратиш зарур.

Молия-саноат гуруҳларининг ташкилий тузилиши турлича бўлиши мумкин. Жумладан, гуруҳларнинг «ядриси» ифодаланишига қараб асосий молия-саноат бирлашмаларини қуйидагича ажратиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш холдинги бошчилигидаги молия-саноат гуруҳлари, бунда марказий компания нафақат акциялар эгаси, балки маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳам ҳисобланади.

2. Молия-кредит ташкилоти (банк холдинги) бошчилигидаги молия-саноат гуруҳлари. Бу ҳолатда марказий компания ролида банк намоён бўлади.

3. Соф холдинг бошчилигидаги молия-саноат гуруҳлари, бунда марказий компания ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмайди, лекин бир қатор корхоналарнинг акциялари назорат пакетида эгаллик қилади.

4. Марказий компанияси тузилмаган молия-саноат гуруҳлари, бунда акцияларга бир неча томондан эгаллик қилиш асосида бирлашма қатнашчиларининг ўзаро муносабати талаб этилади.

Энг аҳамиятлиси молия-саноат гуруҳларини шакллантириш иқтисодий мақсадга мувофиқлигининг дастлабки таҳлилидир. Асосий масала гуруҳларнинг энг муҳим концепцияларини ишлаб чиқиш ҳисобланади (шакллантиришнинг концептуал жиҳатлари). Ҳақиқатан ҳам, молия-саноат гуруҳлари сифатида фаолият юритиш шаклининг ўзи бирдан-бир мақсадмас. Энг муҳими, истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун самарали восита бўлиши керак.

Мамлакатда шакллантириладиган молия-саноат гуруҳ-

лари ўз корхоналарининг даромадли фаолиятини ва харажатларини ўзи қоплашини таъминлай олиши керак. Молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини дастлабки таҳлил қилиш босқичида қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш лозим<sup>19</sup>:

1. Гуруҳларнинг асосий ғоясини пухта тузиш ва саноат фаолиятининг айна шу соҳасида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш имконияти ва заруратини аниқлаш.

2. Бундай соҳаларни аниқлашда хўжалик фаолиятини диверсификациялаш имкониятини ҳисобга олиш керак. Молия-саноат гуруҳларининг асосий ғояси энг замонавий технологияларни ва юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳамда доимий равишда ишлаб чиқариш фаолиятини такомиллаштириб боришга қаратилиши лозим.

3. Шакллантирилаётган гуруҳ иштирокчиларидан барча керакли маълумотлар олингандан кейин уларнинг иқтисодий салоҳиятини кооперациянинг кутилиши мумкин бўлган даражаларида пухта экспертизадан ўтказиш зарур. Лекин мазкур босқичга қадар молия-саноат гуруҳи иштирокчилари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг тузилиши ва сифати ўзгаришларини ҳисобга олиш лозим. Бу ишлаб чиқарилаётган ва келажақда ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулотларга ихтисослаштириш йўналишларини дастлабки мувофиқлаштириш учун шароит яратади.

4. Келажақда гуруҳ фаолият юритиши режалаштирилган бозорни таҳлил этиш муҳим шартлардан ҳисобланади.

5. Олдинги босқичларда бажарилган ишлардан келиб чиқиб молия-саноат гуруҳининг иқтисодий самарадорлиги, унинг омилларига имкон борича тўлиқ ва ҳар томонлама баҳо берилади.

---

<sup>19</sup> Мовсесян А.Г., Смитиенко Б.М. Финансово-промышленные группы: зарубежный опыт и реалии России. – М., 1996. – С.59 – 60.

6. Молия-саноат гуруҳини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқишда биргаликдаги мажбуриятларни ҳамда молия-саноат гуруҳи бошқарувини таъминлаш масалалари ҳал этилган бўлиши лозим. Бунда асосий масалалардан бири гуруҳ доирасида банк, саноат ва бошқа тузилмалар манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқишдир. Натижада молия-саноат гуруҳи доирасида хўжалик юритишнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш шаклланади (гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги молиявий келишув алоҳида аҳамиятга эга).

Амалда барча шакллантирилаётган молия-саноат гуруҳлари учун муайян иштирокчиларни аниқлашга ёндашиш тамойили муҳим. Амалиётда молия-саноат гуруҳини ташкил этишда иштирокчиларни танлаб олишнинг учта варианты бўлиши мумкин:

– очиқ (агар молия-саноат гуруҳини ташкил этиш, ташкил этилаётган гуруҳ, унинг мақсадлари, эҳтимолий иштирокчилари, фаолият механизми ҳақида кенг ахборотлар асосида юз берса);

– ёпиқ (агар молия-саноат гуруҳига олдиндан маълум иштирокчиларнинг чекланган доираси кирса);

– қўшма ёки биргаликдаги (асосий иштирокчилари олдиндан маълум бўлади, лекин гуруҳга иштирокчиликка бошқа, жумладан, хорижий корхона ва ташкилотлар таклиф этилади).

Юқоридаги кўрсатилган вариантлардан ташқари, молия-саноат гуруҳига иштирокчиларни танлаб олиш аниқ тарзда амалга оширилиши, ҳар бир иштирокчининг мақсад ва вазифалари белгилаб олиниши лозим.

Барча қайд этилган шароитларни ҳисобга олиб таъкидлаш жоизки, молия-саноат гуруҳини шакллантириш жараёнида гуруҳ иштирокчиларини иқтисодий таҳлил (экспертиза) қилиш бир қатор меъёрларга асосланиш даркор. Жумладан:

– молия-саноат гуруҳи доирасидаги биргаликдаги фаолият натижасида кутилиши мумкин бўлган самарадорлик;

- бош компаниянинг устав капиталига қўшилган улуш миқдори;
- нақд пул маблағлари;
- корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари;
- ўз маблағларининг миқдори;
- бюджет олдидаги муддати ўтган қарзлар миқдори;
- асосий воситалар ҳолати (бошланғич ва қолдиқ қиймати).

Дастлабки иқтисодий таҳлилнинг ушбу барча элементларини ҳисобга олиш гуруҳ иштирокчилари таркибини шакллантиришга ва молия-саноат гуруҳи лойиҳасини ишлаб чиқишга имкон беради.

Алоҳида таъкидлаш керакки, молия-саноат гуруҳлари фаолияти давлат учун ҳам фойдали. Улар орқали, биринчидан, банк капиталини саноатга йўналтириш муаммоси ҳал қилинади; иккинчидан, банк тизими такомиллашади, тизимга нисбатан ишонч мустаҳкамланади; учинчидан, турли молия-саноат гуруҳлари ичидаги банклар ўртасида кўп фойда келтирувчи иштирокчиларга хизмат кўрсатиш, йирик ташкилотларни жалб қилиш борасида рақобат кучаяди.

Ўзбекистон Республикасида янги молия-саноат гуруҳларини иккита йўналишда – товар ва тармоқ йўналишида шакллантириш мумкин. Биринчи йўналишда маълум бир товарни ишлаб чиқариш учун бирлашиш тушунилса, иккинчи йўналишда диверсификациялашган тармоқ тушунилади.

Биринчи турда бирлашув сўзсиз салбий жиҳатга эга. Чунки унинг муваффақияти маълум товарга бўлган талабдан келиб чиқади. Иккинчи турдаги бирлашув барқарор ва истиқболли, бироқ бунда ресурслар тақчиллиги туфайли ўзига хос қўшимча қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйишда, биринчи навбатда, ҳуқуқий-меъёрий асосларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш лозим.

Мамлакатимизда молия-саноат гуруҳлари фаолияти

аввал Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 сентябрдаги 354-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида Низом»га биноан тартибга солинган, бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида»ги 347-сонли қарори қабул қилиниши билан юқорида қайд этилган қарор ўз кучини йўқотди.

Бошқа ҳолатларда молия-саноат гуруҳлари фаолиятини тартиблаштирувчи махсус меъёрлар қонунчиликда назарда тутилмаган.

Бугунги кунда молия-саноат гуруҳларининг муқобил шаклларида бири – холдинглар фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сонли қарори билан тасдиқланган «Холдинглар тўғрисидаги Низом» ҳисобланади.

Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 февралдаги 59-сонли фармойишига кўра, кун тартибига молия-саноат гуруҳларини тузиш ва фаолият юритишида тижорат банкларининг кенг ва фаол иштирокини таъминлаш мақсадида молия-саноат гуруҳларини ривожлантириш концепцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаларини ишлаб чиқиш масаласи қўйилди.

Молия-саноат гуруҳлари ташкил этилган ва фаолият юритиб келаётган барча мамлакатлар, хусусан, Япония, Германия, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Молдавияда ушбу ҳужалик юритиш тузилмаси фаолиятини тартибга солувчи ягона ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат, яъни «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги Қонун мавжуд. Ҳозирги кунда мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш билан боғлиқ асосий масалалардан бири «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган

тамойиллардан бири давлатнинг бош ислохотчи эканидир. Шунинг учун мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда ва улар фаолиятини такомиллаштиришда давлат бош ислохотчи бўлиши, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим. Хорижий мамлакатларнинг молия-саноат гуруҳлари тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини ўрганиш натижасида уларнинг иқтисодиётимизга мос томонларини умумлаштирган ҳолда молия-саноат гуруҳлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари сифатида қуйидагиларни мамлакатимизнинг «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига киритишни тавсия этамиз:

– акциялари инвестиция танловларида (савдоларида) сотиладиган молия-саноат гуруҳи иштирокчисининг қарзларини ҳисобга олиш, инвестиция танловлари (савдолари) шартларида назарда тутилган ҳажмларда;

– молия-саноат гуруҳи иштирокчиларига асбоб-ускуналарнинг амортизация муддатларини мустақил аниқлаш ва олинган маблағларни молия-саноат гуруҳи фаолиятига йўналтириш билан амортизация ажратмаларини тўплаш ҳуқуқини бериш;

– молия-саноат гуруҳининг марказий компаниясига ушбу молия-саноат гуруҳи иштирокчиларининг давлатга вақтинчалик бириктириб қўйилган акция пакетларини ишончли бошқарувга ўтказиш;

– хорижий инвестицияларни жалб этиш учун давлат кафолатларини бериш;

– молия-саноат гуруҳи дастурларини ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицион кредитлар ажратиш ва бошқа молиявий ёрдамлар кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ўз ваколатлари доирасида молия-саноат гуруҳларига қўшимча қўллаб-қувватлаш чораларини ва имтиёзларни кўрсатиши мумкин.

Мамлакатимизда тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш имкониятининг



юқорилигини инobatга олган ҳолда шуни қайд этиш жoзки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молия-саноат гуруҳи иштирокчиси бўлган банкларга инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун мажбурий захиралар меъёрини пасайтиришни ҳамда уларнинг инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида бошқа меъёрларни ўзгартиришни назарда тутувчи имтиёзлар бериши керак.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигида, молия-саноат гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартномада белгиланган тартиблар ва ҳолатларда товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган молия-саноат гуруҳлари иштирокчилари солиқ тўловчиларнинг бирлашган (консолидациялашган) гуруҳи деб тан олиниши, молия-саноат гуруҳини йиғма (консолидациялашган) ҳисоби, ҳисоботи ва балансини юритиши мумкин.

Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда амалдаги халқаро қонунчиликларга таянган ҳолда молия-саноат гуруҳларининг иштирокчилари молия-саноат гуруҳини тузиш бўйича шартномани имзолаган юридик шахс, улар томонидан таъсис этилган молия-саноат гуруҳининг марказий компанияси ёки молия-саноат гуруҳини ташкил этувчи асосий ёки шўъба жамиятлар ҳисобланади. Молия-саноат гуруҳи таркибига тижорат ва но-тижорат ташкилотлар, жумладан, жамоат ва диний ташкилотлардан ташқари, хорижий ташкилотлар ҳам кириши мумкин.

Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчилик, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Корхоналар тўғрисида»ги Қонунлари, соҳага доир бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш керак. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида қуйидагилар кўзда тутилиши лозим, яъни банклар ва но-

банк молия-кредит ташкилотлари молия-саноат гуруҳлари шаклидаги бирлашмаларни ушбу гуруҳлар тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган шартларга мувофиқ ташкил этишлари мумкин.

Мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш учун иқтисодий жиҳатдан бир қатор шарт-шароитлар мавжуд. Аммо ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун ягона ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатнинг мавжудмаслиги бу борада қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва улар фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ягона меъёрий ҳужжатни қабул қилиш лозим.

### 1.3. Жаҳонда молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг замонавий тенденциялари

Аксарият мамлакатлар XX асрнинг 90-йилларига келиб йирик молия-саноат гуруҳларини шакллантирдилар. Ҳозирги кунда улар ўзида турли соҳалардаги саноат корхоналарини, масалан, металлургия, кимё, машинасозлик, энергетика ва ҳ.к.ни бирлаштирган мураккаб тузилмаларни ифодалайди. Молия-саноат гуруҳлари катта миқдордаги капитални тўплаган ҳолда фаолиятини янада диверсификациялашга имкон берувчи истиқболли ривожланиш йўналишларини излайди.

Ҳозирги вақтда кўпгина дунё мамлакатлари ташқи иқтисодий муҳит билан чекланган даражадаги алоқа йўли орқали ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларга эга барқарор фаолият кўрсатувчи ҳамда ривожланувчи иқтисодий тизимни ташкил этиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек, молия-саноат гуруҳлари иштирокчиларнинг ҳақиқий имкониятлари ва манфаатлар умумийлиги асосида ташкил этилиши керак.

Молия-саноат гуруҳлари таркибига кирувчи корхоналарни танлаш параметрларини аниқлашда уларнинг молиявий, иқтисодий, техник, ташкилий таҳлилини амалга ошириш, асосий мақсад ва вазифаларини, молиявий менежмент йўллариини белгилаш муҳим масалалардан.

Замонавий молия-саноат тузилмалари, шубҳасиз, мамлакатда ва жаҳонда йирик иқтисодий ва молиявий марказга айланиши мумкин. Уларнинг миллий ва жаҳон иқтисодиётига қўшадиган ҳиссаси янги иқтисодий ҳудуд ташкил топишида, миллий ва жаҳон молия бозорлари ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Йирик молия-саноат гуруҳларининг савдо айланмаси дунёнинг кўплаб мамлакатлари ЯИМ ҳажмидан ошиб кетади. Дунёдаги икки юзта йирик трансмиллий компаниянинг умумий савдо айланмаси АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, ХХР, Бразилия, Канада, Испаниядан ташқари барча мамлакатларнинг ЯИМ ҳажмидан ортиқ-

дир. Сўнги 25 йилда ушбу кўрсаткич, мазкур тузилмалардаги ишчилар сони 14,4%га ошгани ҳолда, деярли 4 марта кўпайган.<sup>20</sup>

Молия-саноат гуруҳларининг миллий ва жаҳон иқтисодиёти учун муҳимлиги шаклланиши ва фаолият юртиши жараёнларининг тегишли илмий таҳлилини талаб этади. Капитал ва ишлаб чиқаришнинг кенг кўламда бир жойга тўпланиши асосида юзага келувчи бирлашган корпоратив тузилмалар бугунги кунда миллий ва жаҳон иқтисодиётининг муҳим субъектлари ҳисобланади. Бироқ уларнинг миллий ва жаҳон иқтисодиётига кўрсатадиган таъсири ижобий ҳамда салбий бўлиши мумкин.

Молия-саноат гуруҳларининг йирик капиталнинг афзалликлари билан боғлиқ ижобий томонлари иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилган.

Бунда йирик капиталнинг ижобий таъсири қуйидагиларда кўзга ташланади:

– аҳоли ва саноат учун кенг кўламда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имконияти;

– иқтисодиётнинг турли тармоқларида барқарор ривожланишни таъминлаш;

– мамлакат минтақаларида иқтисодий ривожланишни таъминлаш;

– янги иш ўринлари яратиш;

– ресурслардан самарали фойдаланиш;

– инвестицион фаолликни ошириш;

– йирик лойиҳаларни молиялаштириш имконияти ва ҳ.к.

Корпоратив тузилмаларнинг мамлакатлар иқтисодиётига кўрсатадиган салбий таъсири афзалликларининг давоми бўлиб, жуда йирик ҳажмдаги молиявий ресурсларни тўплаш уларга бутун тармоқларни ва алоҳида мин-

---

<sup>20</sup> Федорович В.О. Крупные корпоративные образования: концентрация факторов производства и экономический рост // Аваль. Сибирская финансовая школа. 2005. №1. – С.87.

тақаларни назорат қилиш имконини бериши, иқтисодий ривожланиш суъратларига таъсир этиши билан боғлиқ.

Рақобат курашида ўз ўрнини сақлаши учун ҳар бир корпоратив тузилма доимий равишда назоратидаги капитал ҳажмини ва фаолият кўламини оширган ҳолда ривожланиб боради, муайян босқичда унинг фаолияти мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсата бошлайди, чунки давлат манфаатлари билан алоҳида тузилмаларнинг манфаатлари доимо бир-бирига мос келавермайди. Юзага чиқувчи муаммоларнинг олдини олиш учун қандай шароитларда корпоратив тузилмалар мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

Жаҳон амалиётида молия институтларига инвестиция фондлари, молиявий конгломератлар, пенсия фондлари, инвестиция пайчилари, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари ва бошқа ташкилотлар киради. Юқоридаги жадвал маълумотлари кўрсатишича, молия-саноат гуруҳларининг жаҳон молия муассасалари умумий активларидаги улуши 2003 йили 16 фоизга тенг бўлган эса, 2008 йили мазкур кўрсаткич 22 фоизни ташкил қилган ҳолда 6 фоизли пунктга ошган. Бу жаҳон мамлакатларида молия-саноат гуруҳлари фаолиятининг тобора ривожланаётгани ва активлари кўпайиб бораётганидан далолат.

Молия-саноат гуруҳларининг ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш бундай тузилмалар босиб ўтадиган бир нечта босқичларни ажратишга имкон беради. Босқичларга ажратиш молия-кредит ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги муносабатлар ривожланиши таҳлилига асосланади ҳамда ҳар бир босқич мураккаблашган корпоратив муносабатларнинг маълум даражасини ифодалайди.

Одатда, ушбу босқичлар корпорацияларнинг алоҳида турлари сифатида қабул қилинади. Бироқ уларга кетма-кет ривожланиш жараёнининг босқичлари сифатида

**Жаҳонда банк, банкдан ташқари ташкилот,  
кредит-молия институтлари ва бошқа молиявий  
ташкilotларнинг умумий активларидаги улуши<sup>21</sup>**

№	Муассасалар	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
1	Банклар	38	35	30	26	23	20
2	Инвестиция фондлари	15	18	20	21	20	23
3	Молия-саноат гуруҳлари	16	17	22	19	22	22
4	Пенсия фондлари	11	12	9	10	9	11
5	Хеж фондлари	4	6	5	4	3	2
6	Суурта компаниялари	5	4	6	7	8	12
7	Бошқалар	11	8	8	13	15	10
	Жами	100	100	100	100	100	100

қараш корпоратив тузилмаларнинг иқтисодийдаги ролини аниқлаш ва молия-саноат гуруҳлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишга нисбатан ёндашувларни асослашга имкон беради.

<sup>21</sup> Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. Иқт. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.12 – 13.

Тадқиқот жараёнида ўтказилган таҳлил молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг бешта асосий босқичларини ажратиш имконини туғдиради:

– биринчи босқич савдо-саноатга асосланган молия-саноат гуруҳларини банк иштирокисиз шакллантиришдир;

– иккинчи босқич молия-саноат гуруҳларини мустақил банк иштироки билан шакллантиришдир;

– учинчи босқич молия-саноат гуруҳларини ички банк билан шакллантиришни қамраб олади;

– тўртинчи босқич молия-саноат гуруҳларини бошқарувчи банк билан ташкил этиш ҳисобланади;


– бешинчи босқич молия-саноат гуруҳларини ривожланган молия гуруҳи билан шакллантиришдир.

Биринчи босқичдан иккинчисига, кейин учинчи босқичга ўтиш капиталнинг ихтисослашуви ҳамда жамланиши натижасида келиб чиқади. Молия-саноат гуруҳлари таркибига молия компаниясини киритиш (учинчи ва кейинги босқичларда) назоратни таъминлашнинг зарурати ва фаолиятнинг ихтисослашуви ҳамда фаолият кўламининг ўсиши билан боғлиқ.

Молия-саноат гуруҳлари ривожланиш жараёни тузилмаси 5-расмда ифодаланган.

Молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг биринчи босқичида унинг таркибига фақат саноат ва савдо корхоналари киради, молиявий тузилмалар мавжуд бўлмайди. Корпоратив тузилма йирик ҳажмдаги фаолиятни амалга оширувчи саноат корхонасининг асосий хусусиятларини сақлаб қолади. Бундай тузилмалар бир неча ишлаб чиқариш корхоналарининг бирлашиши туфайли ёки битта йирик корхонанинг бўлиниши оқибатида, ёхуд корхонанинг ривожланиши жараёнида янги тузилмаларнинг ташкил этилиши натижасида юзага келиши мумкин. Ривожланишнинг мазкур босқичида корпоратив тузилманинг молиявий хизматларга эҳтиёжи юқори бўлмайди, фақатгина молиявий воситачилар томонидан кўрсатиладиган энг асосий хизмат турлари талаб этилади.

Корпоратив тузилмалар ривожланишининг иккинчи бос-



**5-расм. Корпоратив тузилмаларнинг ривожланиш жараёни<sup>22</sup>**

қичида у ягона хўжалик юритувчи субъект сифатида тузилманинг молиявий хизматларга доир ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлашга қодир битта банк билан яқин ҳамкорлик қилади, лекин мазкур банк корпоратив тузилма таркибига расмий жиҳатдан киритилмайди. Бунда

---

<sup>22</sup> Кудаков А.С. Особенности формирования финансово-промышленных корпоративных структур и их влияние на экономику страны // Проблемы современной экономики. 2007. №3(23). – С.11.



молиявий функцияларнинг бир қисмини марказий компания амалга ошириши мумкин.

Учинчи босқичда банк корпоратив тузилма таркибига киради. Корпоратив тузилма кўп миқдордаги турли молиявий хизматларни талаб этади. Шунинг учун улардан дастлаб ташқи молиявий воситачилар томонидан кўрсатилган хизматларнинг бир қисми корпоратив тузилма ичига ўтказилади. Ушбу босқичда корпоратив тузилма корпорациянинг молиявий хизматларга бўлган юқори эҳтиёжларини таъминлайдиган банкни сотиб олади ёки ташкил этади.

Тўртинчи босқичда банк корпоратив тузилманинг оддий бир қисми бўлиш билан чекланмайди. У саноат корхонасини сотиб олади ёки корхона мулкдорлари саноат ишлаб чиқаришини бошқариш соҳасидан молияни бошқариш соҳасига, корпоратив тузилманинг бошқарув марказига қўшилишади, чунки корпорация молиясини банк орқали бошқариш самаралироқ. Ушбу босқичда банк корпоратив тузилманинг шўъбасидан бош компаниясига айланади ҳамда молиявий хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ барча масалаларни ўзи ҳал эта бошлайди. Молиявий хизматларнинг бир қисмини корпорациянинг банки таъминлайди, бошқалари учун эса қўшимча молиявий воситачилар жалб қилинади.

Молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг бешинчи босқичи корпорациялар ичида молия гуруҳини шакллантириш билан тавсифланади. Молия гуруҳи таркибига банклардан ташқари бошқа молия-кредит ташкилотлари, жумладан, суғурта ва инвестиция компаниялари, пенсия ва инвестиция фондлари, молиявий хизматларнинг махсус турларини кўрсатувчи молиявий ташкилотлар кириши мумкин. Корпоратив тузилманинг барча асосий молиявий эҳтиёжлари тузилма таркибига кирувчи молиявий ташкилотлардан фойдаланиш орқали таъминланади. Одатда, молия гуруҳининг шаклланиши қўшилиш ва бирикиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу ривожланиш босқичидаги молия-саноат гуруҳлари ўзида нафақат миллий иқти-

содиётга, балки жаҳон иқтисодиётига ўз таъсирини ўткази оладиган йирик тузилмаларни ифодалайди.

Корпоратив тузилмаларнинг ривожланиши жараёнида молиявий компаниянинг роли ўзгариб боради. Биринчи навбатда, ўзгаришлар банкнинг ролига тегишлидир (3-иловага қаранг).

Бошқа молиявий ташкилотлар, жумладан, суғурта компаниялари, пенсия фондлари, инвестиция фондлари корпоратив тузилма таркибига ривожланишнинг исталган босқичида киритилиши мумкин. Чунки улар фаолиятнинг махсус турларини амалга оширади, корпорациялар ривожланишининг турли босқичларида функциялари расмий тарзда ўзгармайди. Корпоратив тузилма таркибига молиявий ташкилотларнинг энг кўп миқдори ривожланишнинг бешинчи босқичида молиявий компаниялар корпорация ичида алоҳида молия гуруҳини шакллантирганда киритилади.

Молиявий ресурсларни тўплаш ва улардан самарали фойдаланиш имконияти корпоратив тузилма таркибига молия-кредит ташкилотларининг киритилиши билан кескин ошади. Бундай корпорациялар нафақат ўзининг молиявий ресурсларидан фойдаланиш, балки ташқи молиявий муҳитдан қўшимча ресурсларни жалб этиш имконига эга бўлишади.

Молия бозорларидан ва бошқа манбалардан жалб этилган ҳамда молиявий ташкилотларда тўпланган маблағлардан нафақат мавжуд корхоналарда ишлаб чиқаришни инвестициялаш учун, балки тузилмавий ривожланиш мақсадларида ҳам фойдаланилади. Яъни ташқи молиявий манбалардан жалб этилган молиявий маблағлар корпорациянинг янги таркибий қисмларини шакллантириш учун фойдаланилиши мумкин.

Таркибида молиявий ташкилотларга эга корпоратив тузилмалар улар фаолиятининг барқарор ривожланишига имкон яратувчи кўплаб афзалликларга эга. Жумладан, молиявий компаниялар ўзлари хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ривожланиш истиқболлари ва молиявий ҳола-


ти тўғрисидаги аниқ маълумотларга, кредитлаш ёрдамида уларнинг молиявий барқарорлигига таъсир этиш имконига эга бўлишади, бу корхоналар устидан маълум даражада назоратни амалга оширишга ҳамда корпоратив тузилма фаолиятини кенгайтиришга имкон беради. Таркибида молиявий ташкилотлар йўқ корпорацияларда мазкур имкониятлар юқоримас. Бироқ корпоратив тузилма таркибида ички банк шакллантириш орқали бу ҳолатнинг олдини олиш мумкин.

Корпоратив тузилма таркибида ташкил этилган банк молиявий тизимнинг бошқа бўғинлари, хусусан, суғурта компаниялари, пенсия ва инвестиция фондлари билан биргаликда молиявий ресурсларни жалб этиш ва тўплаш ҳамда молия-саноат гуруҳининг истиқболдаги тузилмавий ривожланишини таъминлашга ёрдам беради. Буни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги рецессия шароитларида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаракатларни ўзаро бирлаштириб аҳволни яхшилашга интилувчи тенденциялар кўзга ташланди. Бу бозор муносабатларининг янги, янада юқорироқ поғонасига ўтишни билдиради. Турли соҳаларга тегишли капиталларнинг молия-саноат гуруҳлари доирасида ўзаро бирлашиши асосида йирик ташкилий-хўжалик тузилмалари ташкил этилишини яққол кузатиш мумкин.

Бироқ молия-саноат гуруҳлари шаклланишида ташкилий-ҳуқуқий асосдаги ва концептуал характердаги муаммолар мавжуд. Шароитнинг бундай бўлиши сабабларидан бири, шубҳасиз, амалий тажриба етишмаслиги, иккинчиси давлат манфаатлари ва хусусий манфаатларнинг ўзаро мослигини таъминловчи ҳар хил муассасалар фаолиятининг номувофиқлигидир.

Қолаверса, капиталларнинг бирлаштирилиши баъзи иқтисодчилар томонидан мунтазам танқидга олинади, улар бунга бозор иқтисодиёти муносабатларига хавф сифатида қарашади. Молия-саноат гуруҳларига ислохотларнинг бозор йўналишидан четлашиш деб қараш шун-



**6-расм. Жалб этилган ресурслардан фойдаланиш орқали молия-саноат гуруҳини ривожлантириш<sup>23</sup>**

дан келиб чиққан. Ҳозирги бозор инфратузилмасини катта миқдорда капитал жамғариш имкониятига эга бўлмаган, кучли рақобат муҳитида ҳаракат қоидаларини белгилаб берувчи йирик ташкилий-хўжалик тузилмалари ҳосил қилади.

Жаҳон иқтисодиётида мустаҳкам ўрин эгаллаш учун молиявий институтлар капиталларининг шакли ва ҳажми жиҳатидан халқаро стандартларга мос бўлиши керак. Фақат шундагина улар жаҳон иқтисодиёти такрор ишлаб чиқариш механизмнинг бўлаги сифатида фаолият юртиши мумкин.

<sup>23</sup> Лознев Т.Г. Теория и методология финансового управления метакорпорациями: Автореф. дисс... д.э.н. – СПб., 2006. – 14 с.

Дунё мамлакатларида ишлаб чиқаришга асосланган молия-саноат гуруҳлари ҳам фаолият юритиб келмоқда. Бундай гуруҳларни яратишнинг ташаббускори йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларидир. Кўп ҳолларда ишлаб чиқаришга асосланган молия-саноат гуруҳлари фақат бир соҳада фаолият кўрсатади, айти пайтда, фаолиятининг кенг кўламлиги билан ажралиб туради. Бироқ таркибида ихтисослиги бўйича бирлашма фаолиятининг асосий йўналишидан фарқланувчи иштирокчиларга эга гуруҳлар ҳам мавжуд.

Вертикал бирлашган ишлаб чиқаришга асосланган молия-саноат гуруҳлари бор, улар бош корхона атрофига бирлашган ва технологик занжир бўйича қурилган икки тур бирлашмалардан иборат.

Йирик саноат корхонаси атрофида ташкил этилган, ишлаб чиқаришга асосланган молия-саноат гуруҳлари асосан чекланган йўналишда фаолият юритадилар. Бош корхона барча гуруҳ аъзолари стратегиясини ва хўжалик сиёсатини белгилаб беради. Бундай ишлаб чиқаришга асосланган молия-саноат гуруҳларини ташкил қилишдан асосий мақсад бирлашма қатнашчилари орасидаги аввалдан мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашдир. Гуруҳлар ичидаги кооперацион алоқалар узоқ муддатли, кўпинча молия-саноат гуруҳининг бошқа қатнашчиларини назорат қилувчи бош корхона орқали амалга оширилади. Молиявий институтлар ёрдамчи орган вазифасини бажарадилар ҳамда гуруҳнинг бош компанияси таъсир доирасида бўладилар.

Технологик занжир бўйича бирлашган вертикал интеграллашган ишлаб чиқаришга асосланган молия-саноат гуруҳлари қатнашчилари хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлашдан тортиб маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишгача бўлган ягона технологик давр билан боғланган.

Бундай молия-саноат гуруҳи негизини йирик ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этади. Улардаги марказий компания фақат қонун-қоидаларни бажариш мақсадида тузилади ва мувофиқлаштирувчи ҳамда ёрдамчи функцияларни бажаради. Унинг акциялари молия-саноат гу-

руҳи барча қатнашчилари орасида тўғри мутаносибликда тақсимланади. Агар гуруҳ компанияларидан бирортаси устун мавқени эгалласа, марказий компания холдинг компанияга айланиши ва молия-саноат гуруҳи барча қатнашчилари фаолиятини назорат қилиши мумкин. Бунда молиявий институтлар аввалги ҳолдагидек ёрдамчи ролини ўйнайди.

Горизонтал интеграллашган ишлаб чиқаришга асосланган молия-саноат гуруҳлари бир ва кўп ихтисосли турларга бўлинади. Баъзи бир ихтисосли ишлаб чиқаришга асосланган молия-саноат гуруҳлари корхоналар орасидаги баҳолар, ишлаб чиқариш ҳажми ва сотиш бозорини бўлиб олиш ҳақидаги келишувга асосланган «картел» туридаги бирлашмаларга ўхшаб кетади. Бундай гуруҳлар фаолиятининг бош мақсади баҳони ўзи хоҳлаган қийматда ушлаб туриш ва бозорни назорат қилишдан иборат. Шунга мос равишда қуйидаги бошқа масалалар ҳам ечилиши мумкин:

- қатнашчиларнинг самарали ихтисослаштирилиши;
- келишилган илмий-техник, иқтисодий ва ишлаб чиқариш сиёсати ҳисобига чиқимларни камайтириш;
- бозор конъюнктурасини ўрганиш ва маркетингни ривожлантириш;
- таркибидаги корхоналарга буюртма олишларида ёрдамлашиш;
- қўшма корхоналар тузиш;
- гуруҳ корхоналари ва ташкилотлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

Бир қатор кўп ихтисосли ишлаб чиқаришга асосланган молия-саноат гуруҳларига «бирлашма» тизимида ишлаш одат бўлган, бунда қатнашчилар фаолиятида вертикал бўйича ҳам (бир мақсадли дастурни амалга ошириш доирасида), горизонтал бўйича ҳам (бир вақтнинг ўзида бир неча мақсадли дастурларда қатнашиш) чуқур ташкилий-технологик кооперация кўзда тутилади.

«Бирлашма» баъзан бир вақтда бир неча соҳаларда тўла технологик даврга эга бўлади.

Кўп ихтисосли (кооператив) ишлаб чиқаришга асосланган молия-саноат гуруҳлари кўп ҳолларда шундай етарлича кенг фаолият йўналишларига эга ишлаб чиқариш (саноат, агросаноат ва ҳ.к.) компаниялари томонидан тузиладиган, улар орасида ўзаро ишлаб чиқариш алоқалари мавжуд. Шу сабабли бир ихтисосли молия-саноат гуруҳларидан фарқли равишда бу гуруҳлар ўз таркибига ихтисослигига кўра гуруҳ фаолиятининг асосий йўналишига мос келмайдиган ташкилотларни ҳам киритишади.

Кооператив молия-саноат гуруҳлари кўп ҳолларда одатдан ташқари қийин бозор шароитларида фаолият юритиш мақсадида тузилади. Улар асосан ҳудудий гуруҳлардир.

Бу турдаги молия-саноат гуруҳлари кўпинча ривожланишнинг умумий стратегиясига ҳам, умумий технологик алоқаларга ҳам эга бўлмайдилар. Ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш, қатнашчилар орасида янада яқинроқ алоқаларни ўрнатиш улар учун иккинчи даражали масала. Молиявий институтлар бундай гуруҳларнинг фаолиятида ҳеч қандай роль ўйнамайди.

Молия ва саноат капиталининг ўзаро бирлашиши туфайли жаҳон иқтисодиётида саноат-молия конгломератлари кўринишидаги бирлашмалар ҳам юзага келган.

Конгломерат туридаги саноат молия-саноат гуруҳлари етарлича кенг фаолият йўналишларига эга қатнашчилардан таркиб топади. Бироқ бу халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган ва ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида бўлган ўзаро технологик боғланмаган корхоналар бирлашмасидир. Конгломерат қатнашчиларига бошқаришнинг анча эркинлиги хос, улар фаолиятларининг барча томонларини аниқлашда кенг мустақилликка эгалар. Саноат-молия конгломератлари кўпинча бевосита маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тузилади ва ҳудуднинг технологик йўналишини акс эттирувчи йирик ҳудудий гуруҳлар ҳисобланади.

Жаҳон мамлакатларида молия-саноат гуруҳларининг кенг тарқалган шаклларида бири банклар иштирокида-

ги молия-саноат гуруҳларидир. Улар, одатда, пул маблағларини ишончли ва етарлича фойдали жойга сарфлашдан манфаатдор молия институтлари томонидан ташкил қилинади. Чунки бозорнинг ўзгарувчан конъюнктура-си шароитида капитал қўйиш диверсификацияси натижасида молия-кредит муассасалари ишончилиги ортади.

Банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари марказида молия-кредит ташкилотлари (тижорат банклари), кўпинча йирик тижорат банки бошчилигидаги банк холдинг бирлашмаси туради. Шунга қарамай, гуруҳ марказида инвестицион компаниялар туриши ҳоллари ҳам жаҳон амалиётида учраб туради.

Ҳозирги вақтда банклар томонидан ташкил этилган молия-саноат гуруҳлари деярли бир хил тузилишга эга. Улар таркибига инвестицион компаниялар, саноат корхоналари, савдо компаниялари, траст ва молия компаниялари, реклама ва консалтинг фирмалари ҳамда сурт фирмалари киради.

Молия компаниялари савдо, саноат, транспорт корхоналари акцияларини мақсадга мувофиқ бирлаштириб (тўғридан-тўғри ёки холдинг тузилмалари тузиш орқали) гуруҳ негизига айланадилар.

Банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг стратегик йўналишларини банкнинг олий менежменти аниқлаб боради.

Банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳларининг марказий компанияси ўзи назорат қилувчи корхоналарнинг акцияларини тўплаб олувчи холдинг ҳисобланмайди, балки корхоналарни бошқариш бўйича ўз функцияларини назорат пакети эгалари, яъни банклар номидан амалга оширади. Марказий компания менежмент ва корхоналарни бошқаришга ихтисослашган, облигацияларни муомалага чиқариш ва инвестицион ресурсларни жалб этиш ишлари билан умуман шуғулланмайди. Бунинг учун молия-саноат гуруҳлари таркибида махсус молия муассасалари мавжуд.



Банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари марказий компаниясининг асосий фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– молиявий менежмент ва молия-саноат гуруҳлари қатнашчиларини тузилмавий ўзгартириш, қайтадан тузиш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини кўриш асосида корхоналар қийматини ошириш;

– молия-саноат гуруҳлари қатнашчилари бўлган корхоналар билан банк муассасалари орасидаги алоқаларни, жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича муносабатларни ташкил этиш ва ҳ.к.

Ривожланиш жараёнида марказий компания гуруҳнинг холдинг компаниясига айланиши мумкин.

Жаҳон амалиётида ўз назоратида саноат корхоналари бор банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари (конгломератлар) ҳам мавжуд. Бу турдаги гуруҳлар таркибига кирувчи корхоналар хилма-хиллиги орқали ажралиб туради, улар бир-бири билан ишлаб чиқариш кооперацияси бўйича ҳам, хўжалик манфаатлари бўйича ҳам мутлақо боғланишга эгамас. Банк конгломератларини бошқариш воситалари молиявий-иқтисодий ричаглардан ва бошқарувчи компания томонидан ишлатиладиган бўлинмалар фаолиятини бошқаришнинг билвосита услуларидан ташкил топади.

Марказида инвестиция компанияси турувчи горизонтал банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари, таркибида саноат конгломератлари мавжуд банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳларидан фарқли ўлароқ фақат маълум бир соҳаларда фаолият юритадилар.

Горизонтал банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари ташкил қилишнинг бош мақсади сифатида, авваламбор, бир муайян тармоқ корхоналари орасидаги ҳамкорликни қайта тиклаш, бунинг натижаси сифатида ички ҳамда жаҳон бозорида маълум бир турдаги маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича рақобатбардошликни ошириш кўзда тутилади. Молиявий институт

зиммасига фақат бирлашма қатнашчиларига хизмат кўрсатиш ишларимас, балки уларнинг инвестицион лойиҳа ва дастурларини молиялашга йирик пул оқимларини жалб қилиш бўйича ишлар ҳам юклатилади.

Кўриб чиқиладиган турдаги молия-саноат гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг бош йўналиши кўшма инвестицион дастурларни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган ташкилий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдан иборат. Бунинг учун, биринчи галда, тўлов воситаси сифатида векселларни киритиб ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, корхоналар қарзини молиявий кафолатлар бериб ёки охириги маҳсулотни гаровга қўйиб молиялаштириш, гуруҳнинг ваколатли банкида молия-саноат гуруҳлари барча қатнашчилари ва улар билан ишлайдиган барча ташкилотларнинг ҳисоб варақларини очиш керак.

Ҳудудий молия-саноат гуруҳларининг ташкил топиши маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Чунки улар буни марказий ҳокимият билан ҳудудлар орасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш йўлларида бири, ҳудудий иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ечишга ёрдам берувчи восита деб биладилар. Маҳаллий маъмуриятлар молия-саноат гуруҳлари шаклланишини, экологик муаммоларни ва аҳоли бандлиги масалаларини ечишни ҳисобга олган ҳолда ўзаро технологик боғлиқ корхоналарни тузилмавий жиҳатдан қайта қуришни кўзда тутувчи йирик дастурлар билан боғлайдилар. Маҳаллий ҳокимият органлари марказий компаниялар акцияларининг йирик пакетларига эгалик қилиш орқали бундай гуруҳларнинг фаолиятида ҳал этувчи роль ўйнашади.

Жаҳон амалиётида минтақалараро молия-саноат гуруҳлари ҳам мавжуд, мазкур гуруҳлар таркибида турли минтақаларда жойлашган ва ўзаро ишлаб чиқариш кооперацияси орқали боғланган корхоналар фаолият кўрсатади.

Ҳозирги даврда жаҳонда трансмиллий молия-саноат

гуруҳлари ҳам кенг тарқалган. Буларга МДХга аъзо давлатлар юрисдикцияси остида бўлиб, ҳудудда алоҳида бўлинмалари бор ёки улар ҳудудига капитал маблағлари қўйган юридик шахслар қатнашадиган молия-саноат гуруҳлари киради.

Агар трансмиллий молия-саноат гуруҳлари ҳукуматлараро битимга асосан тузилса, унга давлатлараро молия-саноат гуруҳлари мақоми берилади. Унинг ташкил топиши, фаолияти ва тугатилиши ана шу битимлар асосида амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда Украина корхоналари (алюминий ва авиация двигателлари ишлаб чиқариш), Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон (самолётлар ишлаб чиқариш) корхоналари қатнашган трансмиллий молия-саноат гуруҳлари бўйича бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Молия-саноат гуруҳи иштирокчиларини ҳамда ҳамкорларни марказий компания бирлаштиради. У мувофиқлаштирувчи, инвестицион маслаҳатчи, савдо воситачиси ва умумгуруҳ манфаатлари ҳимоячиси каби вазифаларни бажаради. Марказий компаниянинг мувофиқлаштирувчи роли унинг ўзаро фаолият шартномасини юритишдаги ваколатларида яққол кўринади. Айни дамда, марказий компания ўзаро фаолият юритиш тўғрисидаги шартнома томонларидан бири ҳисобланади.

Марказий компания бирлаштирилган ресурслардан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, бу маҳсулотларни сотади, ҚҚС тўлайди, фойдани шартномага асосан тақсимлайди, банк эса жорий чиқимларни молиялаштиради.

Биринчи бобдаги амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Молия-саноат гуруҳлари тушунчасига мустақил, янги мазмундаги такомиллашган муаллифлик таърифи берилди. Молия-саноат гуруҳлари деганда, ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида марказлашган бошқарувга эга

ва ўз ресурсларини (ишлаб чиқариш, молиявий, меҳнат, номоддий ва ҳ.к.) бирлаштирган, ишлаб чиқариш, савдо корхоналари ва молия-кредит институтларини қамраган мустақил юридик шахслар интеграцияси шакли тушунилади.

2. Молия-саноат гуруҳларининг шакллантирилиши ва фаолият юритиши орқали, биринчидан, банк капиталини саноатга йўналтириш муаммоси ҳал этилади; иккинчидан, бутун банк тизимига ишонч ортади ва унинг тузилмаси такомиллашади; учинчидан, молия-саноат гуруҳлари ўртасида янги йирик ташкилотларни жалб этиш учун, банклар ўртасида эса гуруҳнинг энг фойдали иштирокчиларига хизмат кўрсатиш бўйича рақобатлашув жараёни кучаяди.

3. Молия-саноат гуруҳларига кириш банк муассасасига ликвид таъминотга, катта ҳажмдаги капиталга, бир ерга жамланган кучли балансга эга ишончли мижозлар билан ишлаш ва йирик ҳажмдаги активларни жойлаштириш имконини беради. Қолаверса, у ёки бу молия-саноат гуруҳлари муваффақиятлари ёрдамида банкнинг ҳам обрўси ошиб боради.

4. Молия-саноат гуруҳларида маблағларни бир жойга тўплаш йўли билан корхоналар ривожланишини бошқариш, рискларни камайтириш ва биргаликдаги қимматли қоғозлар портфелини оқилona бошқариш имкониятлари юзага келтирилади, самарали лойиҳаларни амалга оширишда инвестицион ресурсларнинг бир жойга тўпланиши эса молия-саноат гуруҳига кировчи ҳар бир ташкилот ва корхона учун қўшимча барқарорлик яратади.

5. Молия-саноат гуруҳларининг жаҳон молия муассасалари умумий активларидаги улуши 2003 йили 16 фоизга тенг бўлса, 2008 йилга келиб мазкур кўрсаткич 22 фоизни ташкил қилган ҳолда 6 фоизли пунктга ошган. Бу жаҳон мамлакатларида молия-саноат гуруҳлари фаолиятининг тобора ривожланаётгани ва активлари кўпайиб бораётганидан далолат.

6. Молия-саноат гуруҳлари хўжалик юритишнинг замо-

навий тузилмасидир, унинг ижобий жиҳати сифатида молиявий маблағларнинг самарали ҳолда бошқарилиши, рақобатбардошликнинг оширилиши ҳамда бошқарувнинг оқилона йўлга қўйилишини кўрсатиш мумкин. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни мамлакатда саноатни тараққий эттиришга, бозор муносабатларини ривожлантиришга ҳамда жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнининг кучайишига ёрдам беради.

7. Республикамизда молия-саноат гуруҳларининг шакллантирилиши тижорат банкларининг инвестицион фаолияти ошишига ҳамда саноат корхоналари барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада банклар йирик инвестиция институтларига айланишига шароит юзага келади.

8. Мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш учун иқтисодий жиҳатдан бир қатор шарт-шароитлар мавжуд. Аммо ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун ягона ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатнинг мавжудмаслиги бу борада қатор муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

## II БОБ.

### ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 2.1. Хорижий мамлакатларда молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг қиёсий таҳлили

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларининг иқтисодий-сиёсий ривожланишида, авваламбор, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, шу асосда улар тажрибасининг ижобий томонларини иқтисодиётда қўллаш долзарб масалалардан бири. Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш иқтисодиёти ривожланиш бошқичидаги мамлакатларда мавжуд муаммоларни ҳал этишга ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини оширишга ёрдам беради.

Ушбу бўлимда молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича бир қатор хорижий мамлакатлар тажрибасини кўриб чиқамиз.

АҚШда саноат корпорацияларининг ривожланиши акцияларга ишончнинг мустаҳкамланишига ва қўшимча капитал жалб этишни осонлаштиришга қулай замин яратди. Саноат корхоналари асосан акцияларнинг янги эмиссияси ҳисобига капиталларини кўпайтирдилар. Шунинг учун уларнинг асосий капиталини кўпайтириш усули – узоқ муддатли кредитлашга зарурат амалда йўқолди. Банкларнинг функциялари фақат маблағларни тўплашга, қисқа муддатли кредит беришга, корхоналарни бошқаришда бевосита

қатнашмаган ҳолда ташқи бозорда қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга қаратилди.

Ҳозирги кунда АҚШда молия-саноат гуруҳларининг асосий иккита тури кенг тарқалган. Биринчи ҳолатда бирлаштирувчи негиз сифатида банк холдинги намоён бўлади, иккинчисида эса ишлаб чиқариш-технологик мажмуа мазкур вазифани бажаради.

АҚШдаги дунёга машҳур «Чейз», «Морган», «Меллон», «Лимен-Голдмен, Сакс» ва бошқа гуруҳларнинг асосини йирик молиявий институтлар ташкил этади. Кўпинча ушбу гуруҳлар бир хилдаги ташкилий тузилмага, ташкил этилиш ва ривожланишнинг ўхшаш тарихига эга.

Молия-саноат гуруҳларининг бундай турини батафсил равишда «Чейз» гуруҳи мисолида кўриш мумкин. «Чейз» гуруҳининг молиявий тузилмаси ўз ичига «Чейз Манхэттэн корп»<sup>24</sup> банкини ва ҳаёт суғуртаси бўйича иккита компанияни («Метрополитэн Лайф Иншуренс» ва «Эквитэбл Лайф») олади. «Чейз Манхэттэн корп» унинг олдинги вазифадоши «Чейз Манхэттэн Бэнк» каби XX асрнинг 20-йилларида Рокфеллерлар оиласи билан боғлиқ бўлган. 1962 йили Д.Рокфеллер унда директорлар кенгаши раиси вазифасини эгаллаган. Бу гуруҳ йигирма битта номолиявий корпорацияни, жумладан, бешта транспорт компанияси, учта авиакомпания ва иккита темир йўл, иккита авиасозлик компанияси, иккита кимё компанияси, иккита чакана савдо компаниясини ўз ичига олган, уларнинг ҳар бирига АҚШдаги 100дан ортиқ йирик компаниялар киради. Улар нафақат «Чейз» гуруҳи томонидан назорат қилинади, балки «Чейз Манхэттэн корп» банки ҳам алоҳида молиявий ташкилот сифатида қатнашади. «Чейз Манхэттэн корп» ўз фаолиятига кўра «Галф энд Вестерн» саноат корпорацияси билан чамбарчас боғлиқ. Банк корпора-

---

<sup>24</sup> 1996 йил 1 апрелда «Чейз Манхэттэн бэнк» билан «Кэмикл бэнк» бирлашиши натижасида ташкил топган.

циянинг барча ҳисоб-китобларини амалга оширади, унинг акциялари бир қисмини бошқаради. «Галф энд Вестерн» банкнинг доимий ёрдамига таянган ҳолда ва кўпгина ожизроқ компанияларнинг бирикишидан тезлик билан ўсиб борди.

1966 йилга қадар Рой Эббот «Чейз Манхэттэн»нинг йирик менежерларидан бири сифатида «Галф энд Вестерн» билан алоқаларини бошқарган. Сўнгра ушбу корпорация вице-президенти бўлган ва унинг «Чейз Манхэттэн бэнк» билан алоқалари бўйича шуғулланган. Америка хусусий бизнесидаги иккита йирик корпорацияларнинг бирлашиши пул-кредит муносабатлари янада ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган.

«Морган» гуруҳи «Чейз» гуруҳидан саноат тармоқлари бўйича юқори ихтисослашгани билан ажралиб туради. Морган гуруҳига «Ж.П.Морган энд Компани» ва «Бэнкерз Траст Нью-Йорк Корпорейшн» каби йирик банклар, «Прюдэншл», «Нью-Йорк Лайф Иншуренс», «Иншуренс Компани оф Норс Америка», «Мьючл Лайф Иншуренс» каби қатор суғурта компаниялари киради.

Негизини йирик саноат компаниялари ташкил этувчи молия-саноат гуруҳларига «Женерал Моторс», «Дюпон», «Женерал Электрик», «Форд Моторс», «АТ&Т» ва ҳ.к.ни киритиш мумкин, уларни банк ва молиявий компаниялар ҳам бошқаради.

Улар майда банкмас, балки ташқи бухгалтерия функцияларини бажарувчи ва арзон кредитларни жалб этиш инструменти сифатида кўзга ташланади.

«Женерал Моторс» гуруҳи АҚШда тижорат кредитларининг йирик манбаси ҳисобланувчи шахсий «Женерал Моторс Эксептенс Корпорейшн» молиявий компаниясига эгалик қилади. «Женерал Моторс» компаниянинг қўшилиш ва бирикиш жараёнларини молиялаштиради ҳамда саноат жиҳозларининг тижорат лизинги («Женерал Моторс Лизинг Корп») билан шуғулланиш баробарида кўпгина штатларда кредит ва жамғарма компанияларини бошқаради.



АҚШда молия-саноат гуруҳлари ичидаги муносабатлар бир тармоқдан бошқасига эркин капитал оқимида тез мослашувчан алоқаларни ўрнатиш асосида қурилган. Биринчи навбатда, бу банк ишининг келажакда бозорнинг умумий истиқболи билан белгиланишига боғлиқ. Шу сабабли узоқ муддатли истиқболда банк ҳеч қандай аниқ тармоққа боғланиб қолмайди.

АҚШ бозорида кучайиб бораётган рақобатлашув жараёни тижорат банклари билан саноат корхоналарини анъанавий шартномавий муносабатлардан узоқ муддатли шерикчилик муносабатларига ўтишга мажбур этмоқда.

Иккинчидан, АҚШда банк ва саноат капиталининг бирлиги оилавий (Рокфеллерлар, Морганлар, Меллонлар ва ҳ.к.) ва минтақавий гуруҳлар кўринишида намоён бўлади.

Ниҳоят, АҚШ банк тизимининг асосий хусусияти халқаро характерга эга банк монополияларининг мавжудлиги, ссуда капиталининг юқори даражада концентрациялашуви ҳисобланади. Бу корпорацияларни ташкил этиш йўлини танлашни олдиндан белгилаб қўйди. Компаниялар бирлашиши ва қўшилишининг асосий йўли марказий компания томонидан бошқаларнинг акциялари назорат пакетининг эгаллаб олиниши бўлди.

Бунда банклар компаниялар фаолиятини молиялаштиради ва мувофиқлаштиради. Таъкидлаб ўтиш лозимки, йирик корпорациялар қўшилиши ва бирикиши 1990 йилларда кескин фаоллашди. Қўшилиш ва бирикишнинг маълум қисми биттагина молия-саноат гуруҳи доирасида кеча бошлади.

Америка иқтисодиётидаги интеграцион жараёнлар яширин хусусиятдалигига қарамай, йирик молиявий ташкилотларнинг корпоратив бошқарувдаги ролини ошириш, молия ва саноат корхоналари бирлашиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш зарурати ҳаммасидан муҳим ўринда туради.

Германияда «Крупп», «Тиссен», «Даймлер» каби йирик корпоратив бирлашмалар XIX аср охирида юзага кела

бошлади. Хусусан, улар оилавий назорат остида бўлганлар ва ўз инвестицияларига маблағ олиш учун йирик немис банклари билан музокаралар ўтказишлари талаб этилган. Банклар ушбу гуруҳлар устидан зарур назорат ўтказиш учун етарлича кучли бўлганлар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин банклар тикланиш ва ривожланишни молиялаштиришда асосий ролни бажарганлар.

Германия аънаналарининг муҳим хусусияти банк билан саноатнинг ўзаро узвий алоқалари билан белгиланади. Молиявий, акциядорлик, иш алоқалари асосида молия институтлари билан саноат корхоналарининг тармоқлараро интеграциясида барқарор горизонтал молия-саноат бирлашмалари содир бўлади. Концерннинг бирмунча барқарор негизи атрофида кўпгина йирик ва ўрта компаниялар жамланади. Гуруҳларнинг бош холдинги акцияларга эгалик қилади ва тахминан 150 компания фаолиятини назоратда тутлади. Банклар нафақат инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда, балки корхоналарни бошқаришда ҳам қатнашиши кўзда тутилади. Шунинг учун Германияда молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг маркази йирик банклар ҳисобланади. Учта етакчи молия-саноат гуруҳлари бошида турувчи йирик банклар «Дойче банк АГ», «Дрезднер банк АГ» ва «Коммерцбанк АГ» ҳисобланади. Уларга мамлакат акциядорлик капиталининг 1/3, 1/4 ва 1/8 қисми тўғри келади. Масалан, «Дойче банк» атрофида «Сименс», «Бош» каби таниқли саноат концернлари, «Дрезднер банк» атрофида эса «Хёхст», «Грюндиг», «Крупп» кабилар гуруҳланган. Мазкур банклар ўзида кредит-ҳисоб фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган хизматларнинг кўп миқдорини кўрсатувчи универсал молия-кредит мажмуаларини намоён этади.

Бунга, аввало, қуйидаги фаолият кўринишлари киради:

– корхоналар бошқарувини ташкил этиш, молиявий режалаштиришни амалга ошириш, меҳнат ресурслари билан таъминлаш бўйича янгилик ва техник қарорлар ҳақида маълумотлар тўплаш, бозорларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

– омонатчини суғурта ҳимояси билан депозит операцияларини қўшиш асосида банк мижозларига бирлашган хизматларни кўрсатиш;

– молия-саноат гуруҳи таркибига кирувчи корхоналарнинг хорижий манфаатларини таъминлаш, маҳаллий экспортчиларни кредитлашда қатнашиш ҳамда хорижга капитал қўйилмаларни амалга ошириш.

Молия-саноат гуруҳлари ичидаги муносабат кўпинча банк томонидан ўтказиладиган сиёсат орқали белгиланади. Масалан, «Дойче банк» атрофида ташкил этилган молия-саноат гуруҳи банк томонидан амалга оширилган бир қатор бирлашиб кетишлар ва қўшилишлар туфайли ўзида автомобиллар ва самолётлар, двигателлар ва электроника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи саноат-технологик мажмуага айланган.

Мамлакатнинг етакчи банклари бошчилик қилган Германиянинг учта йирик молия-саноат гуруҳларидан ташқари шундай молия-саноат гуруҳлари мавжудки, уларда банк капитали куч томондан бир хил вакиллар ўртасида тақсимланган, энг муҳим бўғинни саноат бирлашмалари (концернлар) ташкил этади. Бундай молия-саноат гуруҳларига «ИГ Фарбениндустри», «Флика», «Тиссена-Оппенгейма», «Даймлер-Крайслер», Германия иқтисодиётида муҳим роль ўйновчи ҳудудий молия-саноат гуруҳларини киритиш мумкин.

Германияда миллий иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишида банклар муҳим ўрин тутди. Йирик банклар кўплаб юқори интеграллашган немис корпорациялари капиталининг катта қисмига эгалик қилади. Жумладан, Германиянинг йирик банкларидан ҳисобланган «Дойче банк» етакчи миллий корхоналар – «Даймлер-Бенц» (28,34%), «Филипп Холзман» (30%), «Карлстадт» (25,08%) акцияларига эгалик қилади. Мазкур банк фақатгина уларнинг инновацион ривожланишдаги эҳтиёжларини молиялаштириб қолмасдан, балки банкнинг молиявий барқарорлигини ҳам ошириб боради.

Германия молия-саноат гуруҳларининг мувофиқлиги

бирданига бир нечта механизмларни таъминлайди. Авваламбор, бир вақтнинг ўзида мазкур гуруҳга кирувчи турли компания ва фирмаларнинг бошқарма аъзоси ҳисобланган мансабдор шахсларнинг нисбатан кичик доираси мавжудлиги; иккинчидан, молия-саноат гуруҳига кирувчи молия-кредит институтлари мувофиқлаштирувчи ролни бажариши (бугунги кунда уларга мамлакатдаги 25 та йирик саноат корхоналарининг 30% акцияси тегишли); учинчидан, гуруҳлар ичидаги интеграция ўзаро кесишган акциядорлаштиришга (капиталда қатнашиш) хизмат қилиши.

Умуман, Германиянинг молия-саноат гуруҳлари мустақам тузилишга эгамас, балки бирмунча эгилувчан бирлашма, уларнинг ҳаракат йўналиши банклар томонидан таъминланади. Айнан улар таъсирида баъзи бир компанияларнинг қўшилиши ёки бирлашиши юз беради.

Францияда йирик ишлаб чиқариш комплекслари атрофида барпо этилган молия-саноат бирлашмалари, айникса, кенг тарқалган. Ушбу бирлашмаларнинг саноат таркиби, одатда, ишлаб чиқариш муносабатлари нуқтаи назаридан корхоналарнинг технологиялар томонидан алоқалари негизида битта яхлитликни ўзида акс эттириб, таркибига бир неча ўнтадан то бир неча юзтагача мустақил фирмалар олади. Гуруҳларнинг таркибига кирган банк муассасалари кўпинча гуруҳнинг бош корхонаси назорати остида бўлади.

Францияда саноат гуруҳлари билан бир қаторда савдо гуруҳлари ҳам кенг тарқалган. Йирик савдо компаниялари банкларнинг тузилишида қатнашганлар, кейинчалик эса француз иқтисодиётининг баъзи секторларига таъсир кўрсата бошлаган банкларни назорат қилганлар.

Швециянинг молия-саноат гуруҳларининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ерда мамлакатнинг йирик бизнесменлари ва молиячилари оилалари билан алоқадаги саноат бирлашмалари кўпчиликни ташкил этади.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, Швецияда молия-саноат гуруҳлари Германиянинг молия-ишлаб чиқариш

бирлашмаларига ўхшаб кетади. Уларда ҳам акцияларга эгаллик қилиш даражалари 25%гача етган.

Италия иқтисодиётида банк етакчилигидаги молия-саноат гуруҳлари асосий ролни ўйнайдилар. Авваламбор, бундай ҳолат капитални жалб қилиш мақсадида саноат корхоналари акцияларининг қўшимча эмиссиясини чиқариш кутилган натижаларни бермаганидан келиб чиққан. Шунинг учун Италия концернлари капитал қўйилмаларни кўпайтириш мақсадида банк кредитидан фойдаланишга мажбур бўлганлар, бу билан кредит берувчи банклар таъсири остига тушиб қолганлар.

Белгиланган юқори фоизлар ва акцияларнинг маълум қисми саноат корхоналари томонидан чиқарилганини ҳисобга олган ҳолда кредитларнинг аксарияти кредитор банклар томонидан сотиб олинган, бу ҳам банк капиталининг саноат капиталидан устун бўлишига шароит яратган.

Японияда корпоратив тузилмалар кейрецу ва сюданлар деб номланади. Кейрецу (масалан, «Мацушита», «Тойота» ва ҳ.к.) йирик саноат компаниялари, йирик банклар, суғурта компаниялари ҳамда савдо компаниялари атрофида ташкил этилган. Улар ишлаб чиқаришга йўналтирилган ва вертикал интеграция тамойили бўйича қурилган ёки молиявий йўналтирилган, горизонтал интеграллашган ёки маркетингга йўналтирилган. Охирги тури савдо, таъминот ва маркетинг компанияларини бирлаштиради. Бош фирма раҳбарлигида кўпчилик унга бўйсунувчи шўба фирмалар тўпланган, ҳаммаси биргаликда вертикал интеграциянинг юқори қатламини ташкил этади.


Япон модели саноатга узоқ муддатли инвестицияларни киритиш, саноат ва молия секторлари ўртасидаги яқин алоқалар билан тавсифланади. Гуруҳланиш тенденцияси ўзига хос хусусиятидир. Хўжалик бирлашмалари акцияларга қарама-қарши эгаллик қилиш ёрдамида корпоратив гуруҳларни ташкил этиш механизми орқали бир-бири билан узвий боғланган. Гуруҳга кирган хўжалик субъектлари нафақат ташқи инвесторлардан, балки гуруҳга кирмаган банклардан ҳам мустақил. Капитални сафарбар

этиш механизми гуруҳ банки ёрдамида жамоа асосида амалга оширилади.

Ҳар бир марказий компания унинг назоратида жойлашган фирмаларга муносабати бўйича асосий негиз ҳисобланади. Бундай қатламларнинг ҳаммаси ўзининг имконият доирасидаги шўъба фирмаларни қамрайди.

Иерархия тизимидаги назорат тизими вертикал пирамида шаклида қурилган, ўз ичига минглаб фирмаларни олади. Алоқаларнинг барча ҳолатлари ишончли ва мустақкам ташкил этилган.

Япония кейрецусида капитал ва бизнеснинг кучли интеграцияси мавжуд. Молиявий институтлар гуруҳларни бирлаштиришда, молиялаштиришда ва мониторинг қилишда асосий роль ўйнайди, савдо компанияси эса компаниянинг барча ташқи тижорат алоқаларини марказлаштиради.



**7-расм. Кэйрэцуда гуруҳнинг ички оқимлари<sup>25</sup>**

<sup>25</sup> Кузнецова Н.В. Финансово-промышленные группы японского типа // Менеджмент в России и за рубежом. 2004. №1. – С.58.

Сюданлар урушга қадар фаолият кўрсатган дзайбацу ўрнида вужудга келган ва бир хил фаолият юритиш тамойилларига эга. Улар ўзида молиявий ташкилотларни (банклар, суғурта ва траст компаниялари), савдо фирмаларини, халқ хўжалиги тармоқларининг тўлиқ тизимини ташкил этувчи ишлаб чиқариш корхоналари тўпламини ташкилий тузилмасига жамлаган етарлича универсал кўп тармоқли иқтисодий мажмуаларни намоён этади. Лекин юридик шахс ҳуқуқига эгамас, уларнинг фаолияти мувофиқлаштирувчи марказга қаратилган. Ҳозирги шароитда мамлакат корпоратив активларининг назорати амалда муайян умумий тамойиллар бўйича ташкил этилган «Мицубиси», «Мицуи», «Сумитомо», «Даичи Канги», «Фуе», «Санва» каби суданлар томонидан амалга оширилади. «Мицуи» гуруҳи акцияларга қарама-қарши (ўзаро кесишган) эгалик қилиш асосида 29 та бош фирманинг (йирик саноат ва молиявий мажмуалар) горизонтал бирлашишини ташкил этади. Бош банки Сакура банки (Sacura bank Ltd.) ҳисобланади. Мазкур банк жаҳоннинг йирик банклари рўйхатида ўз ўрнига эга, бир қатор суғурта ва лизинг компаниялари ҳамда кенг кўламдаги филиаллар тармоғи мавжуд.

### 3-жадвал

#### Япония молия-саноат гуруҳлари<sup>26</sup>

Гуруҳлар номи	Иштирокчилар сони	Гуруҳнинг бош банки	Савдо уйи
Мицубиси	30	Токио Мицубиси	Мицубиси Седзи
Мицуи	29	Сакура	Мицуи Бусан
Сумитомо	23	Сумитомо	Сумитомо Седзи
Даичи Канги	50	Даичи Канги	Иточу
Фуе	31	Фудзи	Марубени
Санва	46	Санва	Ниссеивайва

<sup>26</sup> Цветков В.А. Финансово-промышленные группы в современном мире // Промышленная политика в Российской Федерации. 2000. №6. – С.36 – 47.

XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан анъанавий япон молиявий гуруҳлари «емирилиш»и ҳамда бир қатор Фарбий Европа давлатлари ва АҚШдаги мавжуд шаклларга ўхшаш Японияда саноат ва банк капитали интеграцияси шаклининг бир-бирига яқинлашиши жараёни бошланди. Бу табиий, чунки мазкур вақтда Япония йирик капитал экспорт қилувчилардан бири, йирик халқаро молиявий марказлардан бири ҳисобланарди.

4-жадвал

**Японияда етакчи корпорацияларнинг капиталлашуви**

Компаниялар	млрд долл	Компаниялар	млрд долл
Toyota Motor	231	Nippon Steel	48
Mitsubishi UFJ Financial Group	122	Тepco	46
NTT DoCoMo	85	Mitsubishi Estate	45
Nippon Telegraph & Telephone	83	Nintendo	41
Mizuho Holdings	76	Nomura Holdings	41
Canon	71	Mitsubishi	39
Sumitomo Mitsui Financial Group	70	KDDI	36
Honda Motor	64	JFE Holdings	36
Takeda Pharmaceuticals	58	Denso	33
Sony	51	Mitsui	33
Matsushita Electric Industries	49	East Japan Railway	31
Japan Tobacco	49	Resona	31
Nissan Motor	48	Milea Holdings	30

**Манба: The Financial Times – The FT 500.**

Япон молия-саноат гуруҳларининг муҳим хусусияти бош банкдан молиялаштиришдир. Гуруҳ ичидаги битимлар бош савдо компанияси орқали амалга оширилади, бу савдо компанияси гуруҳ аъзолари бўлган компаниялар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотади ва хомашёларни харид қилади. Агар маҳсулотларини энг арзон ба-



ҳоларда таклиф этувчи компания аъзо бўлмоқчи эса, ўзаро келишувга кўра, олдин контрагент белгилаб олинади, кейин битим шартлари ишлаб чиқилади. Ишга доир операцияларда корпорация ўзаро келишув асосида олдиндан аниқланган контрагентлар билан иш олиб бориши туфайли фирмалар орасидаги битимлар узоқ вақтга мўлжалланган, доимий характерга эга бўлади. Кафолатланган узоқ вақт давом этувчи ишга доир алоқаларда корпорациялар узоқ муддатли инвестицияларни амалга оширишлари, ҳамкорлар билан техник лойиҳаларни ишлаб чиқишлари мумкин.

Япониянинг 49 та компанияси капиталлашув даражаси бўйича дунёнинг йирик 500 компанияси рўйхатига киритилган. Ҳозирда мамлакатнинг йирик молия-саноат гуруҳи Mitsubishi бўлиб, унинг молиявий марказини етакчи япон банкларидан бўлган Mitsubishi UFJ Financial Group ташкил этади. Гуруҳнинг асосий таркибига 29 та компания киради, улар ичида дунёда муҳим ўрин тутадиган йирик корпорациялар, жумладан, Mitsubishi Heavy Industries, Mitsubishi Motors corporation, Nikon corporation, Kirin Brewery со кабилар мавжуд. Mitsui Sumitomo гуруҳининг негизи сифатида Sumitomo Mitsui Banking corporation намоён бўлади, жумладан, унинг таркибига Sumitomo Heavy Industries, Sumitomo NEC corporation, Sumitomo Mitsui Construction Co ва бошқалар киради.

Японияда молия-саноат гуруҳлари ўзагини банклар ва бош савдо компаниялари ташкил этади. Япон молия-саноат гуруҳларида барча аъзолар томонидан таъсис этилган компаниялар мавжуд. Масалан, хориждаги нефть манбаларини ривожлантириш учун, ахборот технологиялари билан боғлиқ масалаларни ечиш учун, космик алоқалар учун тузилган компаниялар. Гуруҳ қатнашчилари умумий ахборот манбасидан фойдаланадилар.

Япон молия-саноат гуруҳларининг диққатга сазовор томонларидан бири уларнинг кўп қирралигидир. Масалан, «Toyota Motor» компанияси асосида саноат гуруҳи тузилган. Мазкур гуруҳ автомобилларнинг турли қисмла-

рини ишлаб чиқаришдан ташқари, кўплаб дастгоҳлар, автоматлашган тўқув дастгоҳлари, тўқимачилик ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаради, қурилиш хизматлари кўрсатиш билан ҳам шуғулланади. Гуруҳга 15 компания киради, улар бутловчи қисмлар («Toyota auto body» – автомобиль кузовлари ва бошқа маҳсулотлар), тайёр маҳсулотлар («Hino motor» – кўп тоннали юк машиналари, автобуслар) ишлаб чиқаради, фундаментал илмий тадқиқотлар билан, хомашё маҳсулотларининг экспорт ва импорти билан шуғулланади. «Toyota» ўз назорати остидаги компаниялардан ҳар бирининг акциялар пакетига эгаллик қилади – «Auti steel works»да 22,7% акциялардан «Toyota auto body»да 39,8% акцияларгача. Қолаверса, «Toyota» икки ассоциациядан – 231 компаниядан иборат «Кеһокай» ва 77 компанияни бирлаштирувчи «Aihokai»дан иборат таркибий қисмларни ўз ичига олади. «Toyota» ассоциациялар аъзолари капиталида қатнашмайди. Улар билан алоқалар шартнома асосида амалга оширилади. «Toyota motor» кучлироқ ташкилий тузилма «Mitzui» молия-саноат гуруҳига киради. «Mitzui» молия-саноат гуруҳига яна «Mitzui Bank», «Mitzui & Co», «Mitzui real estate development», «Odgi render», «Mitzui construction», «Toshiba» каби 24 компания киради. «Mitzui» молия-саноат гуруҳи Япония миллий иқтисодининг деярли ҳамма соҳаларини қамраб олади.

Япония банклари фақатгина кредит бериш билан чекланиб қолмай, молия-саноат гуруҳларининг молиялаштириш ва ўзаро ҳамкорлик учрашувларини ташкил этади. Банк мижозларига ўзаро ҳамкорлик қилиши учун шериклар топишда ҳамда бизнес хизматлар кўрсатишда ёрдамлашади. Гуруҳга кирувчи компаниялар фаолияти барқарор шароитда бош банк унинг фаолиятига аралашмайди. Мабодо компаниянинг молиявий ҳолати ёмонлашса, бош банк рискли операцияларни камайтиради ҳамда мазкур ҳолатни бошқаришга кўмаклашади.

Жанубий Корея корпорациялари («чебол» – корейсча номи) кўпроқ Япониядаги етакчи молия-саноат гуруҳла-

рига (сюданлар) ўхшайди. Фарқли жиҳати Корея гуруҳларининг асосан оилавий капиталга асослангани билан боғлиқ. Ҳукумат йирик корпорациялар ўсишини уларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий базасини кенгайтириш, қўшиш ва йириклаштириш йўли билан рағбатлантиради.

Улар ўз ичига молиявий институтни олмайди, лекин ҳукумат билан мустаҳкам алоқалар мавжудлиги туфайли арзон банк кредитлари олиш имконига эга.

Жанубий Корея чеболи юқори даражада диверсификациялашган тузилма, ўз фаолиятида марказлашган режалаштириш, инвестициялашнинг агрессив сиёсатига йўналтирилган асосий бўғинга эга.

Жанубий Кореяда йирик молия-саноат бирлашмаларининг вужудга келиши давлат томонидан қонуний тартибга солинди ва молиявий ёрдам бериш асосида амалга оширилди. Мамлакат иқтисодининг пойдевори бўлган ва ташқи бозорга мўлжалланган йирик компанияларга устунлик берилди.

«Chunbuk Bank», «Korean Bank», «Korean merchant banking corp» хусусий акционерлик тижорат банкларига ўхшаш банклар автомобилсозлик, кемасозлик, машинасозлик, электроника, нефть-кимё ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатаётган 29 етакчи фирмани ўз ичига олган «Теу» МСГга кирдилар. «Теу» корхонасида 100 мингга яқин ишчи ишлайди, йиллик сотишдан тушган маблағ ҳажми 15 млрд АҚШ долларидан ортиқ. Шундай қудратли ташкилий-ишлаб чиқариш ўзаро боғлиқлигида бу молиявий-саноат конгломерати таркибига кирувчи ҳар хил банкларнинг банкрот бўлиш эҳтимолининг олди олинди. Жанубий Корея «Hanchgin» МСГ доирасида фаолият юритувчи «Korean French Banking corp» ҳам шунга ўхшаш молиявий-ташкилий асосда иш олиб боради.<sup>27</sup>

---

<sup>27</sup> Ли В.Ф. Финансово-промышленные группы Востока и российские акционерные коммерческие банки // Банковское дело. 1995. №4. – С. 13.

Жанубий Кореядаги чеболларнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, улар ўз таркибига молиявий институтларни жалб этмайди. Мамлакатнинг йирик МСГлари тизими орқали жаҳоннинг ҳар хил ҳудудларидан хорижий капитални жалб этиш жараёни жадал олиб борилмоқда. Масалан, етакчи аралаш миллий-индустриал банклардан бири «Korea-Kuwait banking corporation» бошқа кучли молия ва суғурта муассасалари билан бир қаторда денгиз кемасозлиги, машинасозлик маҳсулотлари ва ҳ.к.га ихтисослашган 30 йирик компанияни бирлаштирувчи «Hyundai» МСГ доирасида фаолият юритади. «Hyundai»-нинг йиллик савдо айланмаси ҳажми қарийб 40 млрд АҚШ долларини ташкил этади.

Инвестиция салоҳияти юқори даражада бўлган «Korea – Kuwait banking corporation» фақатгина ўзининг МСГ корхоналаринигинамас, балки бошқа Жанубий Корея фирмаларини ҳам молиялаштириш имкониятига эга. Жанубий Корея тажрибаси кўрсатадики, конгломератларнинг (бирлашмаларнинг) жадал ўсиши иқтисодийнинг айрим соҳаларида монополашув жараёни юзага келишига олиб келаркан. Кейинги бир неча йиллар давомида Жанубий Корея МСГларни майдалаштириш сиёсатини ўткази бошлади ва уларнинг диверсификациясига чеклашлар киритди. Эндиликда Жанубий Корея қонунларига кўра, етакчи ўнта МСГ иқтисодийнинг учта соҳасида фаолият юритиши мумкин, қолганлари фақат 2 та соҳада фаолият олиб боришади. Японияда эса МСГлар иқтисодийнинг 8 – 9 соҳасида фаолият юритадилар. Шу турдаги молия ва саноат капиталининг бирлашув жараёнлари Тайванда, Сингапурда, Малайзияда, Таиландда ва Шарқий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам авж олди. Молия ва саноат бизнесининг бундай бирлашиши молия-валюта муносабатларида сифат жиҳатидан янги имкониятларни очиб беради, тадбиркорлик банкротликлари хавфини жуда камайтиради, лекин албатта бозор иқтисодиёти шароитида бундай кутилмаган кескин ўзгаришлардан батамом қутулиш имконсиз.

**Кореянинг капиталлашув бўйича етакчи компаниялари<sup>28</sup> (трлн вон)**

Номи	Капиталлашув даражаси	Номи	Капиталлашув даражаси
Samsung Electronics	72,3	Hyundai Motor	9,6
POSCO	33,1	Samsung Fire & Marine Insurance	9,2
Korea Electric Power	19,0	Shinsegae	9,1
SK Telecom	17,0	LG Display	7,5
Hyundai Heavy Industries	15,2	LG corporation	7,4
Kookmin Bank Fin. Group	12,0	S-Oil	7,1
Sinhan Financial Group	11,8	SK Energy	7,0
LG Electronics	11,4	DHCO	6,6
KT&G	11,0	Hyundai Engineering & Construction	6,3
KT SK	10,3	Samsung C&T	6,3
Умумий капиталлашув	577	Умумий капиталлашувадаги улуши, %	50,1

<sup>28</sup> Korea Stock Exchange Fact Book 2008. – P.44 ([www.kse.or.kr](http://www.kse.or.kr)).

Малайзия, Индонезия ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари қатори 1997 йил охирида Кореяда ҳам кенг кўламдаги инқироз рўй берди ва 1998 йилда ҳам давом этди. Ишсизлик даражаси 7%га етди, 1998 йил якуни бўйича ЯИМ 7%га қисқарди. Бир қатор молиявий институтлар инқироз ёқасида қолишди.

Инқирознинг олдини олишга қаратилган давлат дастурлари доирасида барча чеболлар учта гуруҳга ажратилди. Дастлаб бешта етакчи (Hyundai, Samsung, Daewoo, SK, LG) чеболга алоҳида эътибор қаратилди.

2000 йилга бориб тўртта чебол (Daewoodан ташқари) сезиларли кўрсаткичларга эришди. «Қарз/ўз маблағлари» кўрсаткичи тахминан 200% даражасигача тушди. 2000 йил ўрталарига келиб Корея чеболларининг таркиби ва тузилмаси маълум даражада ўзгарди, у ёки бу чебол таркибидаги ўз номига эга кўплаб компаниялар ҳозирда бевосита унга тегишлимас. Масалан, Kia Motors (олдин Kia чеболига кирган) Hyundai гуруҳига киради, Samsung Motors 80% француз Renault компаниясига, Daewoo Motors 70% АҚШнинг General Motors компаниясига тегишли.<sup>29</sup>

Юқорида таъкидланганидек, Корея чеболлари таркибига кирувчи компаниялар миқдори қисқартирилди, шунга қарамай, ўзгарган шаклда ҳам улар Кореяда етакчи иқтисодий куч бўлиб қолмоқда. Улардан Hyundai, Samsung, LG (олдин Lucky Goldstar номи таниқли бўлган), SK Group (олдинги Sunkyung Group)ни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Чеболлар таркибига кирган компаниялар саноатнинг етакчи тармоқлари компаниялари экани сабабли уларда гуруҳлар ўртасида вужудга келадиган рақобатнинг даражаси юқори бўлади.

Ташкилий тузилиш нуқтаи назаридан чебол ахборот бўғинини аниқ йўлга қўйилгани билан тавсифланади.

---

<sup>29</sup> Рубцов Б.Б. Фондовый рынок Республики Корея // Портфельный инвестор. – М., 2010. №2.

Чеболларнинг бошқа молия-саноат гуруҳларидан фарқли хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- оилавий капиталга асосланиши;
- ягона маъмурий ва молиявий назоратга эгаллиги;
- юқори даражада диверсификациялашгани.

Чеболларнинг тижорат фаолияти ривожланиб кетгани боис глобаллашиб бормоқда. XX асрнинг 90-йиллари ўрталарида Жанубий Кореянинг 50 та йирик конгломерати ҳиссасига мамлакатнинг хориждаги инвестицияларининг деярли 70% тўғри келган.

Йирик корпоратив тузилмаларни ташкил этиш жараёни саноати ривожланаётган мамлакатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу мамлакатларда ҳам банк ва саноат капитали бирлашиши давом этмоқда. Мисол сифатида Саудия Арабистони ва Мексикани, МДХ давлатларидан эса Украина, Белоруссия, Молдавия ва бошқа бир қатор мамлакатларни кўрсатиш мумкин. Мексикада «Куаутемок» гуруҳи ўз ичига «Компания хенераль де асептасьонес», «Финансьера дель норте» (мамлакатдаги йирик инвестицион компаниялардан бири), «Кредито де Монтеррей» ва шу каби бошқа бир қатор банклар ҳамда молия-кредит ташкилотларини олган. «Фундидора» гуруҳининг молиявий сектори Монтеррей бош банкини ва «Финансьера де Монтеррей» ҳамда «Сентраль финансьера» каби иккита инвестицион компанияни ўз ичига олади.

Россияда молия-саноат гуруҳларининг ривожланиши бошқа мамлакатларда корпоратив тузилмаларни ташкил этишдан ўзгача шароитларда амалга ошди. Бу ердаги молия-саноат гуруҳларининг ривожланиши хорижий моделлардан сезиларли даражада фарқланади. Асосий фарқли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

Битта молия-саноат гуруҳига аъзо корхоналар ўртасида капитал интеграциясининг заифлиги ёки мавжудмаслиги. Корпоратив тузилма механизмларининг такомиллашмагани. Ҳар қандай ҳолатда ҳам заиф ҳолда қарама-қарши эгаллик қилишга молия-саноат гуруҳлари тўғрисидаги қонунда рухсат этилмаган. Кўпчилик молия-сано-

ат гуруҳлари фаолиятида шахсий молиявий институт сезиларли роль ўйнамайди. Бир қатор молия-саноат гуруҳларидан ташқари молиявий ташкилот уларнинг таркибига расмий рўйхатдан ўтиш талабини бажариш мақсади билан киритилган.

Гуруҳ таркибига кирувчи банклар томонидан молиялаштириш ҳажмининг камлиги, бошқа банк функцияларининг кучсиз ифодаланиши (банклар етакчи ролдаги гуруҳлардан ташқари). Марказлаштирилган режалаштиришнинг аҳамиятсизлиги. Одатда, гуруҳлар ичида савдо компаниялари йўқ. Мавжуд йирик молия-саноат гуруҳлари де факто ва рўйхатдан ўтгани бўйича фарқланади. Қолаверса, молия-саноат гуруҳлари ҳудудий ва ҳудуддан ташқарига ажратилади, табиийки, иқтисодий муҳит ҳам ҳар хил бўлади. Шундай қилиб, молия-саноат гуруҳларининг бу иккита тури ҳар хил истиқболга эга бўлиши, шунингдек турли хилдаги иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечириши мумкин. Бундай ўзига хос хусусият рўйхатдан ўтмаган мавжуд йирик молия-саноат гуруҳларидан батафсил текширишни талаб қилади.

Йирик молия-саноат гуруҳлари қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланади:

Биринчидан, улар ҳукуматнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланадилар. Ўртадаги муносабатлар ўзаро бирдамликда қурилган.

Иккинчидан, юқори иқтисодий кучга эгалик қиладилар, бу куч гуруҳлар ичидаги ўзаро таъсирданмас, балки молия-саноат гуруҳи эгаллаб олган йирик корхоналар назоратидан юзага келади.

Россия Федерациясида аксарият молия-саноат гуруҳлари ўтиш даври мобайнида юзага келган, улардан йириклари молия-саноат гуруҳи сифатида расмий рўйхатдан ўтмаганлар. Улар «де факто молия-саноат гуруҳи» деб номланган. Бундай йирик гуруҳлар иккита категорияга ажратилган:

– ихтисослиги нефть (ЛУКОЙЛ), газ (ГАЗПРОМ) ва электр (ЕЭС Россия) ҳисобланган гуруҳлар. Ўз-ўзидан



аёнки, ҳатто улар ўз ичига молиявий шерикларни олганда ҳам асосан саноатлашган гуруҳлардир. Бунга мисол қилиб 1998 йилгача «Империа» банкини ЛУКОЙЛ билан ҳамда «Миллий захира банки»ни Газпром билан боғланганини келтириш мумкин.

– атрофида Россиянинг энг йирик банкларини бирлаштирган гуруҳлар: ОНЭКСИМ-банк, МФК, МЕНАТЕП, Альфа-банк, СБС-АГРО, Инкомбанк.

Йирик бизнес ва давлат ўртасидаги алоқалар ҳақиқатга айланди, чунки мазкур иккита элита ўз ўрнини сақлаш ва кенгайтиришда бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Йирик молия-саноат гуруҳлари нафақат назорат қилишга талабгор бўлишади, балки Россия саноатининг муҳим қисмини ҳақиқатан ҳам назорат қилишади. «Акциялар гаровидаги кредитлар» тартиби ёрдамида улар Россия иқтисодиётининг стратегик тармоқларидаги муҳим корхоналарнинг катта қисмини эгаллаб олишган. Буларга нефть қазиб олиш ва металлургия, никель ишлаб чиқариш, қисман ўрмон ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари киради. Молия-саноат гуруҳлари ўзида Россия иқтисодиёти учун муҳим негизни ифодалайди. Россия молия-саноат гуруҳларида банклар анча муҳим роль ўйнайди. Баъзида улар гуруҳларни ташкил этиш ва менежмент марказида туришади. Банклар кўпинча етарли маълумотга эга маслаҳатчи ва шерик сифатида фаолият кўрсатади. Лекин улар ҳалигача, ўз қайтарилмас декларациясига қарамай, тўғри инвестициялар орқали ёки кредитлаш йўли билан саноат корхоналарини молиялаштиришга бўлган интилишини ҳам, қобилиятини ҳам исботлашмади.

Россия молия-саноат гуруҳлари аъзолари ўртасидаги молиявий алоқалар ниҳоятда заиф. Молия-саноат гуруҳларининг катта қисмида капитал билан боғлиқ алоқалар беқарор. Шу сабабли бир қатор молия-саноат гуруҳлари қайта ташкил этиш босқичида турибди. Кўпгина молия-саноат гуруҳларида молиявий алоқалар марказий компанияга қаратилади. Айрим ҳолатларда эса банклар ушбу вазифани амалга оширади.

Россия Федерацияси мисолида МСГларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини кўриб чиқамиз.

6-жадвал

**МСГларнинг Россия саноат тармоқлари бўйича тақсими<sup>30</sup>**

Саноат тармоғи	Молия-саноат гуруҳларига кирувчи корхоналар сони
Машинасозлик	64
Озиқ-овқат саноати	47
Мудофаа саноати	42
Металлургия	40
Кимё саноати	36
Қурилиш	34
Тоғ-кон саноати	8
Қишлоқ хўжалиги	6
Энергетика	6
Енгил саноат	2

Жадвал маълумотларидан кўринадики, МСГ таркибига кирувчи корхоналар орасида машинасозлик, озиқ-овқат саноати тармоқларига тааллуқли корхоналар салмоғи юқори. Энг кам улуш эса қишлоқ хўжалиги, энергетика, енгил саноат тармоқлари корхоналарида.

Россияда амалдаги МСГларнинг қатор таснифлари мавжуд. МСГнинг Россия саноатидаги тутган ўрни ҳақида мос тасаввур яратиш учун унинг юқори соҳавий мансублигидан ташқари, МСГ фаолиятининг кўлами ҳақидаги тасниф ҳам муҳим.

---

<sup>30</sup> Дементьев В.Е. Активизация структурно-инвестиционной политики в ФПГ // Экономист. 2008. №9.

Россия молия-саноат гуруҳларида кўпинча ҳуқуқий тузилма, бошқарув тузилмаси ва капитал тузилмаси ўрта-сида номувофиқлик мавжуд. Молия-саноат гуруҳларининг расмий тузилмаси қарор қабул қилувчи тизим тузилишини мутлақо акс эттирмайди. Марказий компания молия-саноат гуруҳи марказида расмий жиҳатдан турган эсада, кўпгина ҳолатларда етакчи ролни ўйнамайди. Чунки марказий компания кўпинча жуда заиф бўлади ёки ўзининг саноат шериклари билан солиштирганда жуда кичик салмоққа эга. Бу молия-саноат гуруҳида етакчи стратегик ролни ўйнашга имкон бермайди.

Хуллас, Россияда капитал тузилишининг ноаниқлиги, ҳуқуқий тузилманинг қарор қабул қилувчи тузилма билан бир-бирига тўғри келмаслиги ҳамда бутунлай ўзгартириб юборилган холдинг тузилмасининг мавжудлиги кузатилади.

Умуман, қарорлар қабул қилувчи тузилмада молиявий алоқаларнинг номувофиқлиги мустаҳкам корпоратив тузилма учун жиддий тўсиқ ҳисобланади. Жаҳон тажрибасининг таҳлили кўрсатмоқдаки, қарор қабул қилувчи тузилмада акс этувчи молиявий муносабатлар тузилмасининг мавжудлиги мустаҳкам корпоратив тузилманинг энг муҳим тамойили саналади.

Ҳақиқатан ҳам, кўпчилик молия-саноат гуруҳлари учун молиявий алоқалар марказий компанияга қаратилган. Молия-саноат гуруҳи аъзолари, одатда, марказий компания акцияларига эгалик қилади. Шунинг учун молия-саноат гуруҳлари бутунлай ўзгартириб юборилган холдинг тузилмаси сифатидаги кўринишга эга. Гуруҳга аъзо корхоналарга марказий компания эгалик қилмайди, аксинча, гуруҳга кирувчи корхоналар марказий компанияга эгалик қилади ва шу асосда уни назорат этади.

Капиталнинг бундай тескари тузилмаси, ўз навбатида, салбий ва муҳим аҳамиятли натижаларга эга. Бунинг наноён бўлишини бир қатор молия-саноат гуруҳлари фаолиятида кузатиш мумкин. Биринчи навбатда, марказий компания аъзо компаниялар устидан назорат ўрнатишга

қодирмас. Шундай экан, гуруҳ аъзолари ҳақиқатан мустақил қолишади ва молия-саноат гуруҳида ошкора марказдан қочиш тенденцияси мавжуд. Агар стратегиялар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ваколат берилган марказий тузилмалар мавжуд бўлмаса, сиnergия натижасини олиш қийин кечади.

Россия Федерациясида молия-саноат гуруҳларига муносабат бўйича асосий ғоя қуйидагича: бошқа мамлакатларда мавжуд гуруҳлар тузилмасини кўчириш, лекин назорат тузилмаларини ўзгартирмаслик. Фарб иқтисодиётида назорат капитал муносабатларига асосланган, шунинг учун Россияда икки карра номувофиқлик юзага келган: амалдаги назорат корхоналар даражасидаги молиявий алоқаларга мос келмайди, молиявий алоқалар эса бутун гуруҳлар даражасидаги молия-саноат гуруҳи тузилмасига мувофиқ эмас.

Юқорида айтиб ўтилган сабаблар молия-саноат гуруҳларига ҳақиқий бирлашиш имконини бермайди, уларнинг холдинг тузилмасига ўзгаришига тўсқинлик қилади. Ҳақиқатан ҳам, муаммо нафақат холдинг компаниясига ўзгаришда марказий компаниянинг жуда заиф молиявий базага эга эканлигида. Молия-саноат гуруҳларининг мустақил аъзолари жиддий равишда келажақда ҳам мустақил қолишни хоҳлашади.

Россияда кўпгина молия-саноат гуруҳлари ички молиявий институтнинг имкониятлари бўйича заифликка ҳамда ўз капитали миқдори бўйича мўъжаз ҳажмли. Молия-саноат гуруҳларининг барча банклари молия-саноат гуруҳига кирувчи саноат компанияларини молиялаштириш ҳолатида бўлиши учун зарур молиявий ресурсларга эгамас.

Юқорида таъкидланганидек, Россияда капиталнинг тузилиши ва функцияларнинг тақсимланиши бўйича корпоратив тузилмалар ташкил топишининг кўпгина шакллари мавжуд. Бир қатор молия-саноат гуруҳларида банк фақат ликвидликни бошқаради ва тўловларни амалга оширади. Фақат молия-саноат гуруҳларининг сезиларли қис-

мида ички молиявий институтлар инвестицияларда муҳим роль ўйнайди. Банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳларида гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда банк муҳим ўрин тутди. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, айти банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари пул маблағларини тақсимлаш нуқтаи назаридан ҳаммасидан кўра истиқболли. Бундай баҳолаш банкнинг салоҳиятига, жумладан, активлар ҳажми миқдорида боғлиқ ҳолда аниқланади. Фарб мутахассислари фикрига кўра, активлар ҳажми миқдори нуқтаи назаридан Россия банкларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- кучли банклар – умумий активлари 1500 млн АҚШ долларидан ошган банклар;
- ўрта банклар – умумий активлари 500 млн дан 1500 млн АҚШ долларигача бўлган банклар;
- кучсиз банклар – умумий активлари 500 млн АҚШ долларидан кам банклар.

Банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари Россия бозорида етакчи ўринга эга ва жаҳон бозорида фаолиятини жорий қилишга уринмоқда. Молия-саноат гуруҳларининг мазкур тури молиявий қуввати, саноат бўйича кўп тармоқлилиги, кўлами ҳамда барқарорлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Ушбу молия-саноат гуруҳларининг ички савдо айланмасига келсак, улар қолган молия-саноат гуруҳлари ичида етакчилик қилади. Барча молия-саноат гуруҳларининг умумий савдо айланмасида уларнинг улуши 32%.

Банклар етакчилигидаги молия-саноат гуруҳларининг бир қатор хусусиятларига эътибор қаратиш лозим. Улар фақат конгломерат шаклида ташкил этилади. Кўпгина банклар ўз инвестицион портфелини диверсификациялаш стратегиясини ўтказишади ва бирданга бир нечта саноат тармоқларига киришга интилишади. Хусусан, бунда даромадлилик даражаси энг юқори тармоқлар муҳим ўрин тутди. Қолаверса, гуруҳларнинг ташкил топиш манбалари ушбу натижани олдиндан белгилаб қўяди.

Банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг энг муҳим тамойили банклар етакчилигидаги молия-саноат гуруҳлари тузилмасида бирлашувчи корхоналарнинг бизнес сиёсатини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича мувофиқлаштириш ҳамда бошқарувчилик функцияларини бирлаштириш саналади.

Саноат молия-саноат гуруҳлари олиб борадиган стратегия банклар етакчилигидаги молия-саноат гуруҳлари томонидан ўтказиладиган стратегиядан тубдан фарқланади. Фарқ асосан якуний мақсаддан келиб чиқади. Ишлаб чиқарувчи ўзининг фаолиятини кенгайтириш ҳисобидан бойишнинг барча имкониятларини кўзлаб таваккал қилиши мумкин. Банк эса тўловга қобилиятлилик ва ликвидликни сақлаган ҳолда юқори фойда миқдори тушишини ҳисобга олиб ўз фаолиятини кенгайтиришни эҳтиёткорона юритади. Банклар етакчилигидаги молия-саноат гуруҳлари стратегиясининг яна бир фарқли хусусияти молия-саноат гуруҳи фаолиятини кенгайтиришда маркетинг ишларини пухта ўтказиш ва бирмунча эҳтиёткорлик саналади.

Юқорида ўтказилган таҳлил асосида хулоса қилиш мумкинки, ғарб мамлакатларида молия-саноат бирлашмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича юксак тажриба тўпланган. Юқори интеграллашган тузилмаларнинг характер ва тузилиши алоҳида мамлакатларда ўхшаш хусусиятларга (биринчи навбатда, иқтисодийнинг глобаллашуви ва трансмиллий компаниялар фаолияти имкон туғдиради), айрим фарқларга эга. Улар мамлакатлар ривожланишининг тарихий йўллари билан маълум даражада алоқадор, бозорнинг ривожланишига ҳамда замонавий иқтисодий шароитга чамбарчас боғлиқдир. Лекин, энг муҳими, корпоратив мулк ва уни бошқариш бўйича бевосита муносабатга эга молиявий ва иқтисодий тузилмалар фаолиятини қонуний тартибга солишнинг хусусиятлари таъминланди

Саноатлашган мамлакатлар иқтисодиёти бирлашма-

лар ташкилий-хўжалик муносабатининг ва уларни молия-саноат гуруҳлари асосида тузишнинг турли шакллариغا эга. Молия-саноат гуруҳлари шаклларининг хилма-хиллиги ичида йирик саноат корпорациялари бошчилигидаги анъанавий концернлар, банклар атрофида шакллантирилган кўп тармоқли универсал молия-саноат бирлашмалари мавжуд.

Хорижий корпорациялар фаолиятида молиявий институтлар фаолияти, хусусан, банклар энг муҳим ажралмас таркибий қисм ҳисобланади. Гуруҳлар ичида банк капиталининг салмоғи юқори. Молия институти ва саноатнинг бундай бирлашиши, ўз навбатида, асосий бизнесни ривожлантиришга қулай имконият туғдиради. Молиявий ташкилотлар ва корхоналар ўртасидаги гуруҳлар ичидаги муносабат кўп томонлама алоқалар билан тавсифланади: акцияларга ўзаро эгаллик қилиш, корпорация аъзоларини имтиёзли молиялаштириш, техник ҳамкорлик, шахсий алоқалар ва ҳ.к.

Гуруҳнинг алоҳида иштирокчилари фаолияти фойдани ошириш ва фаолият доирасини кенгайтириш мақсадларининг умумийлигига йўналтирилган гуруҳнинг умумий узоқ муддатли стратегияси билан мувофиқлаштирилади. Улардаги ўзаро қатнашишнинг мавжуд тизими корпорация ичидаги ҳар бир корхонани ривожлантириш учун ҳақиқатан мавжуд имкониятларни сақлайди, улар учун гуруҳ ичидаги алоқаларнинг анчагина эгилувчанлиги хос.

Россия молия-саноат гуруҳлари барча хорижий корпоратив тузилмаларнинг хусусиятларини ўз ичига олган, лекин бунда қайси мамлакат модели етакчи ҳисобланишини аниқлаш имконсиз. Аммо таъкидлаш мумкинки, банклар етакчилигидаги молия-саноат гуруҳлари ўз тузилишига кўра Германия моделига, саноат корхоналари етакчилигидаги молия-саноат гуруҳлари эса Япония корпорацияларига яқин. Ҳозирги даврда банклар етакчилигидаги молия-саноат гуруҳларини шакллантириш тенденцияси жаҳон миқёсида кенг тарқалмоқда. Жумладан, Россияда 100 та йирик банкдан 48 таси молия-саноат

гуруҳи таркибига кирган ёки ўзлари шундай гуруҳларни ташкил этган.

Молия-саноат гуруҳлари етакчи тармоқлар доирасида ишлаб чиқариш ресурсларининг йирик миқдорини тўплашга, ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий ҳамда технологик шароитларини ўзгартиришга муҳим таъсир кўрсатди. Масалан, саноатнинг юқори ўсиш суръатларига эришган кўпгина мамлакатларда (Япония, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Швеция, Италия, Жанубий Корея ва ҳ.к.) молия-саноат гуруҳлари миллий корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ва бутун иқтисодиётда жадаллаштирилган иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган муҳим омил сифатида қаралади. Иқтисодий-ижтимоий тараққиёт жараёнида такрор ишлаб чиқаришнинг барқарорлашишида ҳамда жаҳон иқтисодий барқарорлиги ўсишида уларнинг роли янада ортиб бормоқда.

Россия молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, хўжалик юртишнинг мазкур шаклига йўналтирилган барқарор ва самарали ривожланиш имкониятларидан ҳалигача тўлиқ фойдаланилмапти. Ҳозирги кунда мазкур хўжалик юртиш тузилмасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи долзарб вазифалардан бири. Улар иқтисодиётни ривожлантириш имкониятларининг юқори даражасини белгилаб беради.

Хорижий молия-саноат гуруҳлари ташкил этилиши ва фаолият юртишини ўрганиб чиқиш асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга эришилди:

– молия-саноат гуруҳининг ташкил топиши ҳаммавақт ҳам молиявий ва саноат корхоналари ўзаро алоқалари расмийлаштирилишининг ташкилий-ҳуқуқий жараёни эмас, кўпинча қатнашиш (жумладан, акцияларга бир неча томонлама эгаллик қилиш), шахсий бирлашма, узоқ муддатли кредит мажбуриятлари, саноат, савдо, молия фирмалари ва ташкилотларининг бошқа кўринишдаги боғлиқлиги орқали узоқ муддат давомида вужудга келган ало-



қалардир. МСГ шаклланишини ҳаракатлантирувчи куч, бир томондан, молия-кредит ва моддий техника ресурсларидан кафолатланган фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишга интилиш, иккинчи томондан, капитални ишончли ва фойдалироқ жойлаштиришдир.

– МСГлар қандайдир аниқ ташкилий чегараларга, юқоридаги кўрсатилган шаклларга ва давлат рўйхатига эга эмас, фақат давлат тасарруфидаги холдинг компаниялари учун қисман чегараланган давлат қатъий белгилаши (регламентацияси) мавжуд.

– Ихтисослашув нуқтаи назаридан ҳам, ҳудудий нуқтаи назардан ҳам МСГлар вужудга келишининг стандартлашган тамойиллари йўқ: кўп тармоқли, маълум тармоқлар бўйича ихтисослашган ҳудудий, миллий, миллатлараро молия-саноат гуруҳлари мавжуд, ягона асос капиталларни бирлаштиришдан қўшимча манфаат олиш ва таъсир доирасини кенгайтиришдир.

Хорижий тажрибани ўрганиш молия-саноат гуруҳлари ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши амалиётининг асосий устунликларини ажратишга имкон беради:

1. Жадал равишда молия-саноат гуруҳлари ташкил этилиши молия-саноат капитали концентрацияси шаклидир, бунинг натижасида рисклар камаяди, маҳсулотларни сотишни прогноз қилиш орқали бозордаги ўрнини мустаҳкамловчи ва кенгайтирувчи маркетинг тузилмалари ташкил топади.

2. Меҳнат сарфининг камайишига эришилади, чунки илмий-техника инқилоби ютуқларидан фойдаланиш ва инновацион лойиҳаларнинг тезкорлик билан жорий этилиши натижасида молия-саноат гуруҳлари ичида янги маҳсулотларнинг яратилиши ва бозорга олиб чиқилиши тезлашади.

3. Кредитлардан фойдаланишнинг анча қулайлиги, уларнинг таъминлангани, капиталнинг юқори даражада ҳаракатланиши ҳамда айланишининг тезлашиши молиявий чиқимларнинг камайишига олиб келади.

4. Фойдалилик марказлари, фирмалар ичидаги ҳисоб-

китоб марказлари ташкил қилиш имконияти очилади, бу солиқ тўловлари камайишига, дивидендлар миқдори ва акциялар қиймати ошишига туртки беради ҳамда молия-саноат гуруҳлари обрўси ва аҳамияти ортади.

5. Халқаро даражада рақобатбардош инвестицион салоҳият ошади. Натижада бош мақсадга – шахсий капиталнинг рентабеллиги ошишига ва чиқимлар камайишига эришилади.

6. Трансмиллий корпорациялар – молия-саноат гуруҳлари фаолият кўрсатаётган давлатларнинг солиқ тизими хусусиятларини ҳисобга олиш натижасида солиқ тўловларининг миқдори оптималлашади.

Юқорида баён этилган далиллар натижаси йиғиндиси пул оқимларининг миқдори ва йўналишида тўғридан-тўғри акс этади ҳамда айланишни тезлаштиришга, шунга яраша капиталнинг самарадорлигига эришишга ёрдам беради.

Салбий томонлар мавжуд, улар қуйидагилардан иборат:

1. Йирик молия-саноат гуруҳларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши бозорда монополлашувга олиб келади, натижада давлат томонидан молия-саноат гуруҳлари фаолиятига катта чеклашлар мавжуд бўлади, бу юқори фойда олиш имкониятини камайтиради.

2. Умумий акциядорлик капиталини бошқаришда қийинчиликлар вужудга келади, бошқариш тизими ёмонлашади, менежерлар ва мулкдорлар ўртасида келишмовчиликлар кучаяди.

3. Капиталнинг ҳаракати ва қиймати ҳақидаги ахборотнинг номутаносиблиги ортади, бу ҳолат фонд бозори учун ёмон оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Жадал равишда молия-саноат гуруҳларининг ташкил топиши XX аср охирларида ташқи иқтисодий алоқалар ва халқаро меҳнат тақсимоти соҳаларида туб ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда молиявий капитал шаклланиши усул ва шакллари юзага келиши ҳамда ривожланишининг қонуний, объектив жараёнидир.

Шундай қилиб, молия-саноат гуруҳларининг ташкил топиши иқтисодий ўсишга, чиқимлар ва харажатларни камайтириш ҳамда корхоналар фаолияти устидан анча оқилона бошқаришга, молиявий назорат ўрнатишга имкон берувчи иқтисодийнинг умумжаҳон тенденциясидир.

Молия-саноат гуруҳлари фаолият юритишининг жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида таъкидлаш мумкинки, улар саноатни модернизациялаш ҳамда янги иш ўринларини яратишнинг таъсирчан инструменти вазифасини ўтайди. Амалиёт миллий ва жаҳон бозорларида кенг кўламда ва барқарор сотиш истиқболига эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур мажмуани таъминлашда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ҳамда унинг иштирокчиларини танлаш заруратини кўрсатди. Пухта таҳлил қилиш ва хорижий тажрибанинг мақбул томонларидан фойдаланиш мазкур жараённинг мамлакатимизда ҳам самарали ривожланишига имкон беради.

## 2.2. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари

Мамлакатимизда жамиятни янгилаш, юртимизни обод қилиш, бозор иқтисодиётини модернизациялаш йўлида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Босқич-ма-босқич ўтказилаётган ислохотлар натижасида бозор иқтисодиётига хос инфратузилмалар барпо этилиб, хусусий мулкчилик жорий этилди ва тадбиркорлар қатлами вужудга келди. Натижада иқтисодиётимиз йилдан-йилга юксалиб, аҳолининг реал даромадлари ошиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, ана шундай вазиятда иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишига, аввало, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз томонидан ўз вақтида, ҳар томонлама пухта ўйлаб чиқарилаётган фармон ва қарорлар муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда. Хусусан, иқтисодиётимизнинг қон томири ҳисобланган банк-молия тизимини мустаҳкамлаш борасида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган муҳим қонун ҳужжатлари амалда ўз самарасини берапти. Бу мамлакатимизда саноат тармоғидаги корхоналарнинг ривожланишига қулай замин яратмоқда.

Ҳозирги вақтда кўплаб мамлакатлар молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечиряпти. Дунё мамлакатлари томонидан жаҳон бозорларида вазиятни барқарорлаштириш, банк тизимини ҳамда иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бу борада Президентимиз 2009 йилнинг асосий якуналари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкор-

ликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди».<sup>31</sup>

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳукумати томонидан пухта ўйланган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши натижасида миллий иқтисодиётимизни жаҳон молиявий инқирози хатаридан сезиларли даражада ҳимоялашга имкон туғилди. Иқтисодиётнинг диверсификациялашув даражаси оширилмоқда, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари фаол ташкил этилмоқда, экспорт ҳажмлари муттасил ошириб борилмоқда, унинг бир томонлама – хомашёга йўналтирилгани бартараф этилмоқда. Мамлакатимизда асосан ички ресурс манбаларига таянувчи барқарор банк-молия тизими фаолият кўрсатяпти. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрларини қайд этиб ўтиш жоиз: «Шубҳа йўқ, жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Авваламбор, кейинги давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдеворини, молия-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмларини ўз вақтида шакллантириб ва мустаҳкамлаб олганимиз бунга кафолат ва асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар».<sup>32</sup>

Мамлакатимизда иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор

---

<sup>31</sup> Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир // Президент И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь. №21.

<sup>32</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.12.

корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, жумладан, тижорат банклари маблағларини кенг жалб этиш мақсадида 2008 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармони<sup>33</sup> қабул қилинди. Мазкур ҳужжат иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, хусусий секторни янада ривожлантиришга, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми хусусий сектор вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Тижорат банклари ҳамда саноат корхоналарининг ўзаро уйғун фаолият кўрсатиши мамлакат иқтисодиёти барқарорлашувига, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишига, натижада аҳоли турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади. Молия ва саноат капиталининг ўзаро бирлашиши молия-саноат гуруҳини ташкил этади. Дунё мамлакатлари тажрибасига кўра, молия-саноат гуруҳлари ташкил топишининг турли шакллари мавжуд, банklar иштирокидаги молия-саноат гуруҳларида аъзолар ўртасида молия ресурслари самарали қайта тақсимланиши ҳамда фаолият юритиш механизми қулайлиги туфайли кенг тарқалган. Бундай молия-саноат гуруҳлари Япония, Германия, Жанубий Корея, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларда фаолият юритиб келмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда банklar иштирокидаги молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш мақсадида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

---

<sup>33</sup> [http://www.press-service.uz/uz/news/show/ukazyi\\_prezidenta/uzbekistan\\_increases\\_financial\\_stability/](http://www.press-service.uz/uz/news/show/ukazyi_prezidenta/uzbekistan_increases_financial_stability/)


Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида ўтказилган иқтисодий ислохотлар жараёнида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кўпгина саноат корхоналари вужудга келди ва уларнинг фаолияти тобора ривож топмоқда. Шунга қарамай, айрим корхоналарнинг, иқтисодиётнинг реал секторидаги бошқа турдаги мулкчилик шаклларида фаолият юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган.

Юқорида келтирилган фармондан кўзланган асосий мақсад ҳам иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш, молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, жумладан, тижорат банклари маблағларини кенг жалб қилишдан иборат. Ушбу фармонда кўзда тутилган мақсадларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга қулай замин яратади.

Фармонда 2009 йил 1 январидан янги ташкил этиладиган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятларининг Низом жамғармасининг энг кам миқдори акциядорлик жамияти давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти 400 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Фаолият юритаётган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари эса 2010 йил 1 январигача Низом жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шартлиги белгиланди.

Фармонда банкрот корхоналарни тижорат банкларига аукцион ва танлов савдолари орқали мулк сифатида сотиш механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Тижорат



**8-расм. Ўзбекистон Республикаси банкларининг жами капитали (млрд сўм)<sup>34</sup>**

банклари иқтисодий ночор, банкротликка учраган корхоналарни мулк сифатида аукцион савдолари орқали сотиб олиши ҳамда уларни банклар томонидан молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, қайта жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиши белгиланди.

Шу йўл билан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва қайта жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Натижада иқтисодиётимиз янада барқарорлашиб, аҳолининг реал даромадларини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида янада катта ютуқларга эришиш имконияти вужудга келади.

Мазкур фармон қабул қилиниши туфайли ҳозирги кунда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қув-

<sup>34</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган. (<http://cbu.uz/uz/press>. Банк тизими: ижобий ўзгаришлар мустақамланмоқда. 26.01.2011.)



ватлашдаги иштироки янада фаоллашиб, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдори ортиб бораётгани кузатилмоқда. Тижорат банкларининг сармоявий лойиҳаларни молиялашга ва корхоналарнинг, энг аввало, экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини кредитлашга йўналтирилган умумий кредит қўйилмалари ҳажми 8,5 трлн сўмни ташкил этди.

Сўнгги беш йилда тижорат банкларининг умумий капитали 4 баробар кўпайди ва бугунги кунда 4 трлн сўмдан ошди.


Банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал секторидagi тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг ресурс базасини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар натижасида тижорат банкларининг жами капитали 2010 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 2011 йил 1 январига келиб 36,2 фоизга, банк активлари эса 32,1 фоизга ошди.<sup>35</sup>

2010 йили тижорат банклари томонидан Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2010 йили иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида тижорат банклари балансига қабул қилинган 147 та иқтисодий ночор корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган корхоналардан 64 таси эса стратегик инвесторларга сотилди.

Банклар томонидан ушбу корхоналарни модернизаци-

---

<sup>35</sup> <http://cbu.uz/uz/press>. Банк тизими: ижобий ўзгаришлар мустаҳкамланмоқда. 26.01.2011.



**9-расм. Ўзбекистон Республикаси банкларининг активлари (млрд сўм)<sup>36</sup>**


ялаш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 156 млрд сўм миқдориди инвестиция йўналтирилди, 21 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил этилди.

Умуман, тижорат банклари балансларига олинган ҳолда фаолияти тикланган корхоналарда 2010 йил мобайнида 460 млрд сўмдан ортиқ маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилди, шундан 165 млн АҚШ доллари миқдориди маҳсулот экспорт қилинди.

2010 йили банклар томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи 35 фоизга ошиб, 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра 11,5 трлн сўмга етди. Бунда ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.

Банкларнинг кредит портфелида ҳам сезиларли си-

<sup>36</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган. (<http://cbu.uz/uz/press>. Банк тизими: ижобий ўзгаришлар мустаҳкамланмоқда. 26.01.2011.)



**10-расм. Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиги (млрд сўм)<sup>37</sup>**

фат ўзгаришлари рўй берди. Умумий кредит портфелида 3 йилдан ортиқ муддатга берилган инвестицион кредитлар улуши 2000 йил охиридаги 35 фоиздан 75,2 фоизга етди.

2010 йилнинг ўзида банклар томонидан инвестиция мақсадлари учун ажратилган кредитлар ҳажми 3250 млрд сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 35 фоизга ошди.

Тижорат банкларининг инвестицион жараёнларда фаол қатнашиши иқтисодиётни модернизациялашда ҳамда мамлакат саноат салоҳияти мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутди. Тижорат банкларининг йирик инвестиция институтларига айланиши, ўз навбатида, молия ва


<sup>37</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган. (<http://cbu.uz/uz/press>. Банк тизими: ижобий ўзгаришлар мустаҳкамланмоқда. 26.01.2011.)

саноат капиталининг ўзаро бирлашишига қулай замин яратади.

Молия капитали билан саноат капиталининг ўзаро бирлашиши инвестиция жараёнлари фаоллашишига, иқтисодийтимизнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдамлашади. Хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда молия ва саноат капиталининг бирлашиши, яъни молия-саноат гуруҳларининг ташкил этилиши орқали қуйидаги афзалликларга эришиш мумкинлигини қайд этиш лозим:

– фаолиятнинг диверсификациялангани гуруҳга аъзо корхоналарнинг барқарорлигини ҳамда маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширади;

– саноат корхоналарининг ўзаро технологик алоқалари ривожланиши натижасида ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви;



**11-расм. 2001 – 2010 йилларда тижорат банкларининг жами капиталли ва саноат маҳсулотлари ҳажми ўртасидаги корреляцион боғлиқлик**

– молия ва саноат капитали бирлашиши натижасида молиявий ресурслар айланиши тезлашади, натижада корхоналарнинг молиявий барқарорлиги таъминланади;

– миллий корхоналарнинг жаҳон бозорларига чиқиш имконияти вужудга келади ва ҳ.к.

Жаҳонда тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш кенг тарқалган. Мамлакатимизда тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳларини тузишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторидаги тижорат банкларининг капиталлашув даражаси оширилиши саноат маҳсулотлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

11-расм маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган даврда тижорат банкларининг умумий капитали ҳамда саноат маҳсулотлари ҳажми ўртасида Чеддок шкаласи бўйича етарлича кучли боғлиқлик ( $r=0.96$ ) кузатилган. Бу ўрганилаётган даврда мамлакатимиз ҳукумати томонидан тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг қатнашишини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилганидан далолат. Ушбу ҳолат тижорат банклари ташаббускорлиги ҳамда фаол иштирокида молия-саноат гуруҳлари шакллантириш учун асос бўлади.

Мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда асосан йирик банklar атрофида муҳим саноат корхоналарини бирлаштириш мақсадга мувофиқ. Агар республикаимиз банкларининг иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига кредит қўйилмалари салмоғини кўрсак, бунда банklar томонидан саноатга ажратилган кредитлар салмоғи 2010 йил ҳолатига кўра жами кредит қўйилмалар таркибида юқори улушни, яъни 45,8 фоизни ташкил этган. Иқтисодиётнинг мазкур тармоғига ажратилган кредит қўйилмалари салмоғи 2007 йилда 50 фоиздан ортиқни ташкил этган. Бу ҳолат мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмалари иқтисодийёт тармоқлари бўйича таркиби<sup>38</sup>

Иқтисодийёт тармоқлари	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Саноат	57,1	60,1	61,4	58,5	53,2	45,1	53,8	46,7	45,8
Қишлоқ хўжалиги	1,8	2,2	2,7	3,6	5,9	10,5	6,6	10,3	10,4
Транспорт ва алоқа	13,7	12,9	14,2	15,4	13,7	11,2	13,6	11,5	11,8
Қурилиш	3,7	5,5	3,5	2,9	3,8	5,6	3,2	5,5	5,2
Савдо ва умумий оёқтланиш	2,4	3,3	3,8	3,7	4,7	6,1	4,3	6,9	7,1
Моддий-техник таъминот	6,7	4,8	2,7	1,2	2,3	3,5	2,3	2,5	2,8
Коммунал уй-жой хўжалиги	0,1	0,4	1,3	3,2	3,1	2,7	3,0	3,6	3,7
Бошқа тармоқлар	14,5	10,8	10,4	11,5	13,3	15,3	13,2	13,0	13,2
<b>Жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

<sup>38</sup> Марказий банк маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

сектори корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, корхоналарда модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга катта эътибор қаратилганидан нишона.

7-жадвал маълумотларидан кўринадики, тижорат банклари кредит қўйилмаларининг сезиларли даражада юқори қисми саноат, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитларга тўғри келади. Мамлакатимизда банклар орқали молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш банклар бозорига, яъни банклар рақобатлашуви жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Республикамиздаги мавжуд етакчи йирик банкларнинг ўз атрофида саноат корхоналарини бирлаштириш жараёни бевосита тижорат банклари ўртасидаги монополашув даражаси кучайишига олиб келиши мумкин. Бу мамлакатимиз тижорат банкларининг жаҳон банклари билан рақобатлашув даражасини оширади, натижада миллий иқтисодиётга инвестициялар жалб этишга қулай замин яратади.

Банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал секторидаги тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг ресурс базасини кенгайтириш бўйича кўриладиган чоратадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 36,2 фоизга ошиб, 2011 йил 1 январь ҳолатига 4100,1 млрд сўмга етди. Аммо бу тижорат банкларининг саноат корхоналарини бирлаштирган ҳолда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш учун капиталлари етарли эмаслигини кўрсатади. Тижорат банкларининг йирик саноат корхоналаридаги акциялари улуши ҳам талаб даражасидамас. Бу эса тижорат банкларининг саноат корхоналарини назорат қилиш имкониятини чеклаб қўяди. Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида республикамиз тижорат банкларининг капиталига қўйиладиган талаблар ҳам ошириб борилмоқда.

2009 йили чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий ин-

8-жадвал

**Тижорат банклари устасе капиталлини оширишга йўналтирилган маблағлар ҳажми динамикаси (млрд сўм)<sup>39</sup>**

№	Банк номи	Бошланғич устасе капиталли	Қўшимча инвестицияларнинг умумий миқдори, шу жумладан:			Жами устасе капитал
			Давлат бюджети	Бошқа инвесторлар	жами	
1.	Халқ банки	100,0	61,2	58,8	120,0	220,0
2.	Асакабанк	300,0	49,6	97,5	147,1	447,1
3.	Ўзсаноатқурилиш банки	100,0	35,0	30,4	65,4	165,4
4.	Микрокредитбанк	150,0	17,7	54,3	72,0	222,0
5.	Агробанк	100,0	25,0	25,0	50,0	150,0
6.	Қишлоққурилиш банк	50,0	20,0	16,0	36,0	86,0
	Жами	800,0	208,5	282,0	490,5	1290,5

<sup>39</sup> Р.С.Азимовнинг «Ўзбекская модель» реформирования и модернизации экономики, ее эффективность в преодолении последствий мирового финансово-экономического кризиса» мавзусидаги маърузаси маълумотлари (Конференция материаллари. Тошкент, 2009 йил 22 май) асосида муаллифлар томонидан тузилди.



қирози шароитида ҳукуматимиз томонидан 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастур доирасида банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ижобий самарасини берди.

Кўрилган тадбирлар қаторида банк тизимининг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини, уларнинг ресурс базасини янада ошириш орқали банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, банкларнинг иқтисодий-ни модернизациялаш жараёнларидаги иштирокини фаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Биргина 2009 йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 млрд сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорларига асосан «Халқ банки», «Асакабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Микрокредитбанк», «Агробанк», «Қишлоққурилишбанк»нинг устав капиталларини белгиланган параметрларга етказиш борасидаги ишлар давом эттирилиб:

- «Халқ банки»нинг устав капитали 130 млрд сўмга;
- «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 110 млрд сўмга;
- «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 150 млрд сўмга;
- «Агробанк» акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 100 млрд сўмга;
- «Қишлоққурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 90 млрд сўмга;
- «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 300 млрд сўмга етказилди.

«Халқ банки»нинг устав капиталини 2009 – 2012 йиллари 200 млрд сўмга, «Қишлоққурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкининг устав капиталини 150 млрд сўмга етказиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунга келиб Ўзбекистон банк тизими халқаро талабларга жавоб берадиган барқарор тизимлардан бирига айланиб, белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияга эришди.

Хусусан, 2010 йил якуни бўйича банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси 23,4 фоизни ташкил этди, бу халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан тавсия этилган 8 фоизлик кўрсаткичдан қарийб 3 баробар кўпдир.<sup>40</sup> Халқаро стандартларга асосланган самарали банк назоратининг юритилиши, активларнинг ликвидлиги ва сифати устидан доимий мониторинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг тижорат банкларига етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳо берилишига сабаб бўлмоқда.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кредитлар ажратиш, инвестиция ҳажмларини ошириш билан бир қаторда банклар томонидан уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва замонавий банк хизматларини жорий этиш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Юқоридаги ижобий кўрсаткичлар мамлакатимизда молия ва саноат капитали интеграцияси учун шароит яратди. Республикаимизда молия-саноат гуруҳларининг шакллантирилиши тижорат банкларининг инвестицион фаолияти ошишига ҳамда саноат корхоналарининг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада банкларнинг йирик инвестиция институтларига айланишига шароит юзага келади. Чунки мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини янада жадаллаштириш, уларнинг иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган капитал қўйилмалари салмоғини оширишга

---

<sup>40</sup> <http://cbu.uz/uz/press>. 2010 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили.

қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимиз 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлар ҳажмини ошириш зарурлигини, бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга бўлиши, молиявий барқарорликка эришиши лозимлигини ҳамда улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркорлигини таъкидлаб ўтганди.

Шу мақсадда 2011 йили тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини янада кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилиб, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларининг ушбу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан фаол қатнашишини таъминлаш, уларни йирик инвестиция институтларига айлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Фикримизча, Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва фаолият юритишини таъминлаш учун қуйидаги зарур шароитларни яратиш лозим:

1. Юртимизда молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш учун молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш лозим.

2. Молия-саноат гуруҳларини ривожлантириш концепциясида молиявий барқарор ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларига ҳамда

мақсадларига жавоб берувчи, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош мураккаб илмий сифимли маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ва кооперацион алоқадор саноат корхоналари асосида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишни назарда тутиш зарур.

3. Корхонанинг молиявий ва илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳамда унинг бозорнинг маълум сегментларида эгаллаган ўрнини ва такрор ишлаб чиқаришнинг тўлиқ даври босқичларини ҳисобга олган ҳолда молия-саноат гуруҳларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва иштирокчилар таркиби турлича бўлиши мумкин.

4. Молия-саноат гуруҳи таркибига кирувчи тижорат банкларининг қарорлар қабул қилишда тўла ҳуқуқли қатнашиши учун молия-саноат гуруҳи иштирокчилари акцияларига эгаллик ҳуқуқини, яъни қарор қабул қилишга имкон берадиган миқдорини банклар ихтиёрига топшириш мақсадга мувофиқ.

5. Йирик молия-саноат гуруҳларининг маҳаллий маҳсулотлар бозорларига монопол таъсир қилишига ва айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-саноат гуруҳига киришини чеклашга йўл қўймаслик учун амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб анTIMONOПOЛ чекловларни ҳисобга олган ҳолда молия-саноат гуруҳларини ташкил этишни амалга ошириш лозим.

Хуллас, республикамызда банклар бошчилигидаги молия-саноат гуруҳларини шакллантириш учун бир қатор шарт-шароитлар яратилган. Бу гуруҳлар фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш учун қулай замин ҳозирлайди.

### **2.3. Молия-саноат гуруҳларини ривожлантириш моделларидан республикамизда фойдаланиш имкониятлари**

Жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, банкларнинг капитал ҳамда ресурс базасини кучайтирган ҳолда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш, ишлаб чиқаришни ва ижтимоий инфратузилмани, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бугуннинг энг устувор вазифалари ҳисобланади.

Бир қатор хорижий мамлакатларда тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш кенг тарқалган ва самарали фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ҳам тижорат банклари ташаббускорлиги ва фаол иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил қилишда қуйидаги икки моделдан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

1. Япон модели.
2. Германия (немис) модели.

Уларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, молия-саноат гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини молия-кредит институтлари (асосан банклар) бажаришади.

Ўзбекистонда саноат ва молия капиталининг интеграциялашувини кенгайтириш шакли сифатида банк бошчилигидаги молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Банк молия-саноат гуруҳлари таркибига қуйидаги корхона ва ташкилотларни жалб этиш зарур<sup>41</sup>:

---

<sup>41</sup> Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Тошкент: Молия, 2010. – Б.144 – 145.

– банк акциядори ҳисобланган корхона ва ташкилотлар;

– акциялар пакетининг асосий қисми банк ихтиёрида бўлган корхона ва ташкилотлар;

– ўз молиявий ҳолатини барқарорлаштириш учун инвестиция қўйилмаларига муҳтож корхона ва ташкилотлар.

Бунда асосан тижорат банкларининг етакчи бўлишини ҳамда молия-саноат гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйишда ташаббускорлик қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Ривожланган мамлакатларда банклар молия-саноат тузилмаларининг марказий органи ҳисобланади. Банк маълум корхоналар доирасида фаолият юритиши билан биргаликда уларнинг фондлари ҳаракати тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлади. Бирор муаммо юзага келса, у зарур чораларни кўради. Чунки ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси шахсий иқтисодий манфаатларига бевосита таъсир кўрсатади. Бошқа томондан эса ҳуқуқий-меъёрий тизим банкнинг жамият олдидаги мажбуриятларини талаб қилади: молия-саноат гуруҳи иштирокчиси бўлган корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашганда банк молиявий соғломлаштиришда фаол қатнашади, маълум бир пул оқимларини ва тузилмавий ўзгартиришларни ўтказишда банкдан барқарор молиявий ҳолат талаб этилади. Молиявий барқарорлик кўпгина омиллар комбинацияси таъсирида юзага келиб, турли хил бўлиши мумкин, аммо у фақат банк ва саноат капитали интеграцияси учун қулай муҳит яратади. Банкнинг молиявий барқарорлик даражаси унинг молия-саноат гуруҳи иштирокчиси сифатидаги ваколатлари савиясини белгилайди. Туташган технологик занжир тамойили бўйича фаолият юритувчи вертикал молия-саноат гуруҳларида, картель туридаги горизонтал бирлашмаларда ички ҳисоб-китоблар учун алоҳида банк мўлжалланади.

2009 йил бошида мамлакатимиз банк кенгаши томонидан банк-молия тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланди.

Банкларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш ва молия тизимини эркинлаштириш орқали банк тизимига ишонч-ни оширишни ўз ичига олган аниқ масалалар белгиланди. Банкларнинг низом жамғармасини кўпайтириш, уларнинг капиталига аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар, хусусан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорида фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш шулар жумласидандир. Тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини кучайтириш, хусусан, молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш орқали молия ва саноат капитали кўшилиши мўлжалланмоқда.

Саноат тармоқларининг барқарор ўсиши учун тижорат банклари иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлашга, модернизациялашга йўналтирилган кредитлаш ҳажмини автомобиль, нефть-газ, енгил саноат тармоқларига ва иқтисодиётнинг бошқа асосий соҳаларига ажратилаётган кредитлар улушини кенгайтирмоқда.

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизациялаш борасида стратегик муҳим роль ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда бугунги кунда 6 млрд АҚШ долларидан ортиқ низом жамғармасига эга Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. 2010 йили ушбу фонднинг қарийб 330 млн АҚШ доллари миқдоридagi маблағи ўзлаштирилди, бу 2009 йилга нисбатан 25,6 фоизга кўпдир.<sup>42</sup>

Фонднинг асосий вазифаси Ўзбекистон иқтисодиёти-

---

<sup>42</sup> Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент И.А.Каримовнинг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

нинг асосий соҳаларини модернизациялаш бўйича инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобланади. Ажратилган маблағлар телекоммуникация ва транспортни ривожлантиришга, машинасозлик, кимё саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, қимматбаҳо минерал хомашё захираларини ўзлаштириш ва қайта ишлашга, мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга йирик кўламдаги масалаларни ҳал этишга мўлжалланган.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни рўёбга чиқариш бўйича дастур тайёрланмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 млрд АҚШ долларидан зиёд қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида ишланмоқда. Жумладан, бундан янги қурилиш лойиҳалари 18,5 млрд АҚШ долларини, модернизация ва таъмирлаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 млрд АҚШ долларини ташкил қилади. Дастурга киритилиши мўлжалланаётган мазкур лойиҳалар, авваламбор, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишли.

Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бошланаётган иншоотларни қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмоқда: компания ва корхоналарнинг ўз маблағлари – умумий ҳисобда 8,2 млрд АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари – 2,5 млрд АҚШ доллари, хорижий инвестиция ва кредитлар – 13,5 млрд АҚШ доллари.<sup>43</sup>

---

<sup>43</sup> Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент И.А.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2009 йил 14 февраль.



Мамлакат маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурлар ва институтларни ташкил этиш учун «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу молиявий ва корпоратив сектор қўшилиши учун қонунчилик асосларини яратади, натижада иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва банклар капитали интеграциясига эришилади.

Лойиҳа молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда ва фаолиятида банклар етакчи роль ўйнашини кўзда тутади. Мамлакатда устав капиталида ҳиссага (улушга) ўзаро эгаллик қилиш асосида автомобиль саноати корхоналари иштирокида молия-саноат гуруҳини ташкил этишга асослар мавжуд.

Асосий молия ва ишлаб чиқариш қарорларини қабул қилувчи бош корхона сифатида устав капитали 146 млрд сўмга тенг «Ўзавтосаноат» АК чиқади.

Гуруҳ таркибига автомобиллар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари, «Асака» тижорат банки, «Сўғдиёна» суғурта компанияси ва «Ўзавтосаноатлизинг» МЧЖ киради. Саноат корхоналари гуруҳи таркибига 11 та қўшма корхона, 8 та акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамиятлар, «Ўзавтосаноат» АКнинг 4 та шўъба корхонаси киради. Гуруҳ таркибидан корхоналар инвестицион ва саноат фаолиятини олиб боришда «Асака» тижорат банкининг ҳисоб-китоб-касса, кредит, инвестициялаш ва бошқа молиявий хизматларидан фойдаланадилар. Банк гуруҳ иштирокчиларининг молиявий эҳтиёжларини тўлиқ қоплайди.

Банк ташкилотлари билан саноат корхоналари ўртасидаги алоқаларнинг яқинлиги ва саноатни инвестициялашга асосий эътибор қаратилгани бўйича бундай молия-саноат гуруҳлари ўз моҳиятига кўра молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг япон моделига ўхшайди.

Замонавий молия-саноат гуруҳлари ўзида молия-кредит ташкилотлари билан савдо ва моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик корхоналар қўшилиши (бирлаши-

ши) натижасида вужудга келган кўп тармоқли банк-саноат-савдо мажмуаларини ифодалайди.

Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш асосида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, банк капиталининг келажакдаги концентрацияси, банклар ролининг аста-секин ўзгариши туради.

«Савдо ва саноат компаниялари кўпинча банкларга ёки молиявий компанияларга эгалик қиладилар. Масалан, АҚШда «General motors acceptance corporation» тижорат кредитларининг йирик манбаси саналади. «General electric capital» эса қарз маблағлари ҳисобига қўшилиш ва бирикишни (сингиб кетиш) молиялаштиради ҳамда саноат жиҳозлари ва самолётларнинг саноат лизинги билан шуғулланади. «Ford motors» Нью-Йорк, Колорадо ҳамда Калифорниядаги кредит ва жамғарма компанияларига эгалик қилади. Молия ва саноатнинг алоқаси бежиз эмас, албатта. Молиявий операцияларни эгаллаш асосий бизнесни ривожлантиришга ёрдам беради, масалан, харидорларни кредитлаш ёрдамида. Ўзига тегишли молиявий компаниялар туфайли банклар ёрдамига муурожаат этмасдан капитал жалб қилиши мумкин».<sup>44</sup>

Ҳозирги даврда молия-саноат гуруҳларининг асосий тузилмавий таркибий қисми молия-кредит институти ҳисобланади. Ҳаттоки саноат корхоналари гуруҳимас, балки банклар ташаббусидаги молия-саноат гуруҳлари барқарор ва самарали фаолият кўрсатади деган мулоҳаза мавжуд. Бундай корхоналарнинг ўзига тегишли банкни тузишга интилиши унчалик ҳам унумдор ва самарали кечмайди. Шу сабабдан имкон қадар тезроқ банклар ва корхоналар ўртасидаги ишончсизлик ҳамда узоқлашишнинг олдини олиш зарур.

Банкларнинг молия-саноат гуруҳларида қатнашишдан манфаати нафақат молиявий базасини кенгайтириш, бал-

---

<sup>44</sup> Чибриков Г.Г. О финансово-промышленных группах // Российский экономический журнал. 1994. №2. – С.83.

ки ҳисоб-китобларни оптималлаштириш ва маблағлар айланишини тезлаштириш билан ҳам боғлиқ.

Фикримизча, молия-саноат гуруҳига хизмат кўрсатувчи банкнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– молия-саноат гуруҳига аъзо корхоналар эҳтиёжини максимал қондирувчи молиявий инструментларни доимий излаш ва саралаш;

– траст операцияларини юритиш;

– молия-саноат гуруҳи қимматли қоғозларини акцептлаш, тайёрлаш ва эмиссияни ўтказишга ёрдамлашиш;

– кафолатлар бериш (жумладан, хорижий шерикларга ҳам).

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, молия-саноат гуруҳи таркибига кирувчи корхоналар гуруҳи билан банк фаолиятининг барча жиҳатлари расмий рўйхатдан ўтган молия-саноат гуруҳларига қандай тегишли бўлса, норасмийларига ҳам шу каби тегишли.

Молия-саноат гуруҳларининг ҳуқуқий ҳолати молиявий ва ишлаб чиқариш, жумладан, иқтисодий тузилмаларнинг ўзаро таъсиридан етарлича юқори самара олиш учун шарт-шароитлар яратади. Молиявий тузилмалар (банклар, инвестицион-молиявий тузилмалар, траст ва бошқа компаниялар) қуйидаги имкониятларга эга бўладилар:

– мижозлардан кутилаётган тўловлар ва маблағларнинг ҳаракати ҳамда молиявий ҳолатдан яхши хабардорлик;

– паст риск шароитида банкнинг кредит ва инвестиция портфелини шакллантириш;

– молиявий инструментлар ва ҳисоб-китоблар режасидан, банк операцияларининг максимал миқдоридан фаол равишда фойдаланган ҳолда молиявий хизматлар кўламини кенгайтириш;

– замонавий тўлов воситаларини ҳамда банк хизмат кўрсатиш технологияларини киритиш имконига эга бўлиш;

– кредитга қобилиятлилик ҳамда уларни қайтарувчанлик даражасини ошириш;

– инвестицион лойиҳаларда қатнашиш даражасини юксалтириш;

– гуруҳга аъзо барча корхоналарнинг ҳисоб рақамларини очиш ҳисобига молиявий маблағларнинг максимал миқдорини ушлаб туриш, гуруҳга аъзо корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларда корреспондентлик ҳисоби орқали маблағлар жўнатиш заруратининг йўқлиги;

– миждларни кенгайтириш ҳисобига ўз молиявий базасини мустаҳкамлаш.

Банкнинг молия-саноат гуруҳидаги роли гуруҳнинг молиявий маркази ёки хизмат кўрсатувчи банк функциясини бажаришини ўз ичига олади.

Банк фаолиятининг аниқ режалари молия-саноат гуруҳи фаолиятининг ҳақиқий иқтисодий шарт-шароитларидан, молия-саноат гуруҳининг таркибий тузилишидан, унинг ташкилий тузилмасидан, гуруҳга кирувчи корхоналарнинг миқдори ва уларнинг ихтисослашувидан, асосий пул оқимлари концентрацияси, уларнинг мувофиқлиги бўйича зарур ишларнинг кўлаmidан, асосан банклар амалга оширадиган устувор йўналишлардан ва бошқа кўпгина омиллардан келиб чиқиб белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, гуруҳ аъзолари бўлган банклар, энг муҳими, банклигича қолади, унинг бошқа иштирокчилари ҳам асосий функциялари эгалари ҳисобланади.

Банклар молия-саноат гуруҳлари фаолиятида қатнашиб, биринчи навбатда, ўзининг асосий молиявий институтга хос, яъни мамлакатнинг банк фаолияти тўғрисидаги қонунида белгилаб қўйилган функцияларни бажаради. Буларга:

– ҳисоб рақамлар очиш ва уларни бошқариш;

– маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш (алоҳида эътибор гуруҳ аъзолари бўлган корхоналарни кредитлашга қаратилади);

– кафолатлар бериш;

– ҳисоб-китобларни ташкил этиш кабилар киради.

Қолаверса, банк молия-саноат гуруҳи аъзолари учун бошқа, яъни банк учун асосий бўлмаган функцияларни ҳам бажаради. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- ахборот хизматларини кўрсатиш;
- молия-саноат гуруҳи корхоналарининг эмиссион фаолиятини ташкил этишда ва амалга оширишда ёрдамлашиш;
- инвестицион фаолиятни амалга ошириш;
- лизинг ва факторинг операцияларини юритиш;
- инновацион фаолиятни венчур молиялаштиришни амалга ошириш.

Ўзининг гуруҳига аъзо корхоналарга банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар одатдан ташқари ҳисобланмайди. Аксинча, бу одатдаги банк хизматларидир, лекин барчанинг, жумладан, банкнинг ҳам фойдасига боғлиқ ҳолда алоҳида пухталиқ ва эътибор талаб этилади. Мазкур хизматларнинг иқтисодий моҳияти бизга одатдагига нисбатан муҳим ҳисобланиши лозим. Барча фарқ шундаки, бу алоҳида мижозларга хизмат кўрсатиш ҳолидагидек алоқасиз банк фаолияти ва операциялари тўпланмас, балки ягона молиявий концепцияни амалга оширишдир. Шунинг учун банк операцияларининг ишлаб чиқаришга таъсир этиши, яъни улар маблағини таъминлаши билан ўзаро алоқадор ҳисобланиши керак.

Фикримизча, молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида банк фаол қатнашининг асосий шарт-шароитлари қуйидагилар:

1. Молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга қаратилган концепцияларни ишлаб чиқишда ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ҳамда инвестицион дастурлар лойиҳасини ишлаб чиқишда банк мутахассисларининг бевосита ва фаол қатнашиши.

2. Молия-саноат гуруҳини ташкил этишга тайёргарлик босқичида унинг таркибига кирувчи корхоналар раҳбарлари билан тузилаётган компанияга бош ташкилот ва банк вакилларининг фаол муносабати.

3. Муайян ишлаб чиқариш-технологик ва ташкилий-иқтисодий ўзаро алоқага эга корхоналарни инвестициялашда, банк манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд энг қулай ишлаб чиқариш тузилмалари ва кенгайти-

рилган такрор ишлаб чиқаришнинг тўлиқ даврини қамраб олиш.

4. Банкка молия-саноат гуруҳининг молиявий ҳисоб-китоб маркази функциясини бириктириш.

5. Банк негизида гуруҳ таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари акцияларини чиқариш ва жойлаштиришга хизмат кўрсатувчи марказий депозитарийни ташкил қилиш.


6. Молия-саноат гуруҳи бошқарув тизимини лойиҳалаштириш ва жорий этишда банк мутахассисларининг қатнашиши ҳамда компания бошқарув органи (директорлар кенгаши ва кузатувчилар кенгаши аъзолари сифатида) таркибда банк вакилларининг мавжуд бўлиши.

Шундай қилиб, банклар молия-саноат гуруҳларининг зарурий таркибий қисми ҳисобланади ҳамда уларни ташкил этиш ва ривожлантиришда объектив асосларга эга бўлган ҳолда фаол қатнашади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг сезиларли қисми етакчи тижорат банкларидан «ТИФ Миллий банки», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асакабанк», «Агробанк» ҳамда «Қишлоққурилишбанк» ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, 2010 йил ҳолатига тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган жами кредит қўйилмаларда «ТИФ Миллий банки»нинг улуши 35,53%ни, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг улуши 12,92%ни, «Асакабанк»нинг улуши 11%ни, «Агробанк»нинг улуши 9,5%ни, «Қишлоққурилишбанк»нинг улуши 4,4%ни ташкил этган.

9-жадвал ҳамда 12-расм маълумотлари кўрсатишича, республикаимизда «Асакабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «ТИФ Миллий банки» ва «Агробанк»нинг автосаноат, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан биргаликда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш имкониятларини юқори деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу банклар маълум бир соҳадаги саноат корхоналарига молиявий хизматлар кўрсатиб, уларга йирик ҳажмдаги инвес-

12-расм. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларида етакчи банклар улушининг ўзгариши (млрд сўмда)<sup>45</sup>



<sup>45</sup> Тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ва унда етакчи банкларнинг улуши<sup>46</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар									
	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й
Тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалари (млрд сўм)	1866,6	2808,3	3138,4	3197,4	3655,1	4095,0	4757,4	6371,9	8556,8	11551,6
Миллий банк	1213,6	2213,5	2304,9	2411,3	2393,7	2085,9	2036,8	2105,4	2335,4	4104,8
Асакабанк	140,6	143,4	218,4	348,8	437,4	438,3	432,5	825,1	860,8	1278,6
Ўзсаноатқурилиш банк	155,8	165,4	184,5	203,8	307,1	401,9	590,9	949,5	1255,3	1492,7
Агробанк	79,8	87,9	109,3	154,1	216,8	338,4	524,1	730,2	1017,4	1097,2
Қишлоқ қурилиш банк	38,8	45,2	52,9	56,1	58,4	64,4	92,1	141,6	202,0	504,4
Тижорат банкларининг умумий кредит қўйилмалардаги улуши (фоизда)										
Миллий банк	65,02	78,82	73,44	75,41	65,49	50,94	42,81	33,04	27,29	35,53
Асакабанк	7,53	5,11	6,96	10,91	11,97	10,70	9,09	12,95	10,06	11,07
Ўзсаноатқурилиш банк	8,35	5,89	5,88	6,37	8,40	9,81	12,42	14,90	14,67	12,92
Агробанк	4,28	3,13	3,48	4,82	5,93	8,26	11,02	11,46	11,89	9,50
Қишлоқ қурилиш банк	2,08	1,61	1,69	1,75	1,60	1,57	1,94	2,22	2,36	4,37
Жами	87,25	94,56	91,45	99,27	93,39	81,29	77,28	74,57	66,27	73,39

<sup>46</sup> Тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

тицияларни амалга оширмоқда. Саноат корхоналари ҳам тижорат банклари акцияларини сотиб олиб уларнинг корпоратив бошқарувида қатнашмоқда.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида юқоридаги бешта банкнинг улуши 2009 йил ҳолатига 66,27%ни ташкил этган, 2010 йили 73,39%га тенг бўлган ва олдинги йилга нисбатан 7,1 фоизли пунктга ошган.

Мамлакатимиздаги етакчи тижорат банклари ҳисобланган «Ўзсаноатқурилишбанк», «ТИФ Миллий банки» ҳамда «Агробанк» бошчилигида молия-саноат гуруҳлари ташкил этиш имкониятини қуйидаги маълумотлар асосида кўриб ўтишимиз мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки – «Ўзсаноатқурилишбанк» республиканинг етакчи универсал тижорат банкларидан биридир, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хорижий капитал жалб этиладиган йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиради ва кредитлайди, чакана хизматларни кўрсатади. Банк ривожланишининг асосий йўналишлари – иқтисодиётнинг таркибий ислоҳотларида кенг қатнашиш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ишлаб чиқаришни янгилаш, реконструкциялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга оид инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, ресурслар базасини динамик кўпайтиришдир. «Ўзсаноатқурилишбанк»да барча мулк турларидаги 43 мингдан ортиқ корпоратив мижозларга, жумладан, хусусий, қўшма, халқаро корхоналар, жисмоний шахслар, тадбиркорларга хизмат кўрсатилади. Банкда турли тармоқлар ва мулк шаклларидаги хўжалик идораларига хизмат кўрсатилади, улардан энг аҳамиятлилари нефть ва газ саноати, республиканинг кимёвий, машинасозлик, қурилиш ва энергетик мажмуалари корхоналари, йирик транспорт ва савдо корхоналаридир.



Қуйидагилар «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнидаги энг муҳим вазифалари саналади:

– ўз капитали ва жалб этилган капитал билан, энг аввало, республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларида, истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда амалга оширишда фаол қатнашиш;


– нефть-газ, кимё, электроэнергетика, электротехника ва саноатнинг бошқа етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, реконструкциялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурларини лойиҳавий молиялаштиришни таъминлаш;

– инвестиция лойиҳаларини биргалиқда молиялаштириш учун, жумладан, халқаро капитал бозорларидан хорижий инвестиция ва кредитларни рағбатлантириш ҳамда синдикатлаштирилган кредитларни кенг қўллаш йўли билан зарур кредит ресурсларини жалб этиш.

«Ўзсаноатқурилишбанк» 2007 йили МХК «Ўзбекнефтгаз» билан биргалиқда молия-саноат гуруҳини ташкил этиш бўйича иш бошлади, «Қурилишлизинг» акцияларини 661,6 млн сўм маблағ эвазига сотиб олиб ўзининг ушбу компаниядаги иштирокини 34,9%га ёки 874,5 млн сўмга етказди.

Банк мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги муҳим стратегик корхоналар фаолиятини молиялаштиради, хусусан, МХК «Ўзбекнефтгаз», ДАК «Ўзкимё-саноат», «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати», ДАК «Ўзбекэнерго», АК «Ўзтрансгаз», АЖ «Ўзбеккўмир», «Ўзнефтгазинвест» ва ҳ.к. Кейинги йилларда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг капиталлаштириш даражасини кўпайтиришга ҳамда узоқ муддатли ресурслар базасини ўстиришга эришилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 августдаги «Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-944-сонли қарорига мувофиқ 65,4 млрд сўмлик

қўшимча акцияларнинг эмиссия қилиниши муҳим аҳамият касб этган. Ушбу акциялар эмиссиясини жойлаштириш натижасида 2009 йил 1 январга келиб банкнинг устав капитали миқдори 100 млрд сўмга етган ва у бир йил ичида 2,9 баравар ошган. Банкнинг ушбу эмиссияси акциялари Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт фонди ва акциядорлар – саноатнинг асосий тармоқлари корхоналари томонидан сотиб олинган. Банк капиталини барқарор кўпайтириш банк ривожланиш стратегиясининг муҳим таркибий қисми саналади. 2011 йил 1 январь ҳолатига банкнинг жами капитали миқдори 183,3 млрд сўмга етказилган. Устав капиталининг умумий ҳажми 123,8 млрд сўмга етган, шундан 118,8 млрд сўм оддий акциялар улушига ва 4,95 млрд сўм имтиёзли акциялар қисмига тўғри келади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 августдаги «Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-944-сонли қарорининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этган.




**13-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк» жами капитали ўзгариш динамикаси (млрд сўмда)<sup>47</sup>**

<sup>47</sup> «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг амалдаги иқтисодиёт соҳаси корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлашдаги эҳтиёжларини инobatга олиб «Ўзсаноатқурилишбанк» доимо республикамизга илғор технологияларни жалб этиш, корхоналарни замонавий ускуналар асосида янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспорт учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда маҳаллийлаштиришга қаратилган истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, хизмат кўрсатиладиган корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга маблағларни самарали киритиш борасидаги ишларни бажармоқда.

Банкнинг 2011 йил 1 январь ҳолатига кредит қўйилмаларининг ҳажми ҳисобот даврининг бошига нисбатан 168,4 млрд сўмга ёки 13,4%га ўсиб 1422,7 млрд сўмни ташкил этган.



**14-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк» кредит қўйилмалари динамикаси (млрд сўмда)<sup>48</sup>**

<sup>48</sup> «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

Кредит қўйилмалари тўлиқ ҳажмда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган, шу жумладан, саноатга 661,9 млрд сўм, қурилишга 278,0 млрд сўм, транспортга 187,8 млрд сўм, савдо тармоғига 122,5 млрд сўм, қишлоқ хўжалигига 41,1 млрд сўм, аҳолига маиший хизмат кўрсатишга 9,6 млрд сўм, тураржой-коммунал хизматларга 6,6 млрд сўм, моддий-техника таъминотига 2,9 млрд сўм, тайёрлов ташкилотларига 1,6 млрд сўм ва бошқа тармоқлар бўйича 110,7 млрд сўмни ташкил қилган. Иқтисодиётнинг реал секторидagi корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини кучайтириш бўйича инқирозга қарши дастурга мувофиқ, банк томонидан саноатнинг энергетика тармоғидаги сармоялаш дастурлари ва кимё тармоғи бўйича дастур банкка тегишли умумий қиймати 53,3 млрд сўм миқдоридagi мақсадли маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган.

2010 йилда банк кредит қўйилмаларининг асосий салмоғи, яъни 80% ёки 1138,1 млрд сўми узоқ муддатли кредитлардан, жумладан, 26,3 млрд сўми лизингдан иборат бўлиб, қисқа муддатли кредитлар улуши 20%ни ёки 284,6 млрд сўмни, шундан факторинг хизматлари 18,4 млрд сўмни ташкил этган.

2011 йил 1 январь ҳолатига кўрсатилган факторинг хизматлари 18,4 млрд сўмни ташкил қилиб, унинг асосий улуши, яъни 17,8 млрд сўми кимё ва нефт-газ саноати корхоналари ва 0,6 млрд сўми бошқа корхоналар ҳиссасига тўғри келган.

2011 йил 1 январь ҳолатига лизинг операциялари портфели 26,3 млрд сўмдан иборат бўлиб, жумладан, 6,4 млрд сўми 2010 йилда амалга оширилган.


Лизинг операцияларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимооти таҳлил қилинса, унинг 24% саноат, 40% қурилиш, 15% қишлоқ хўжалиги, 8% транспорт ва коммуникация, 5% хизмат кўрсатиш ва 8% бошқа тармоқларга тўғри келган.

10-жадевал  
 «Ўзсаноатқурилишбанк» кредит қўйилмаларининг иқтисодийёт тармоқлари бўйича таркиби (млрд сўм)<sup>49</sup>


№	Иқтисодийёт тармоқлари	2006 й	%	2007 й	%	2008 й	%	2009 й	%	2010 й	%
1	Саноат	251,6	75,7	285,2	48,3	435,4	45,9	562,8	44,8	661,9	46,5
2	Қурилиш	38,3	11,5	107,0	18,1	159,9	16,8	255,9	20,4	278,0	19,5
3	Савдо	-	-	43,2	7,3	102,8	10,8	113,9	9,1	122,5	8,6
4	Транспорт	22,9	6,9	33,4	5,7	92,7	9,8	159,6	12,7	187,8	13,2
5	Қишлоқ хўжалиги	-	-	25,9	4,4	37,1	3,9	39,4	3,1	41,1	2,9
6	Тураржой-коммунал хизматлари	-	-	9,7	1,6	8,2	0,9	7,5	0,6	6,6	0,5
7	Бошқа соҳалар	19,5	5,9	86,5	14,6	113,4	11,9	116,2	9,3	124,8	8,8
	<b>Жами</b>	<b>332,3</b>	<b>100,0</b>	<b>590,9</b>	<b>100,0</b>	<b>949,5</b>	<b>100,0</b>	<b>1255,3</b>	<b>100,0</b>	<b>1422,7</b>	<b>100,0</b>

<sup>49</sup> «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

15-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк» кредит қўйилмалари иқтисодий тармоқлари бўйича тақсимланишининг ўзгариш динамикаси (млрд сўм)<sup>50</sup>




<sup>50</sup> «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.



**16-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк» кредит портфели таркиби (фоизда)<sup>51</sup>**

Бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар салмоғи 77,6%ни ташкил этган. Мазкур банк томонидан иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий валютадаги кредит қўйилмаларини амалга оширишга ҳам устуворлик берилган. 2010 йил якунлари



**17-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг хорижий валютадаги кредит қўйилмалари ўсиши, млн АҚШ доллари**

<sup>51</sup> «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

бўйича хорижий валютада кредит қўйилмалар 428,7 млн АҚШ долларини ташкил этган ва 2009 йилдаги кўрсаткичга нисбатан ўсиш 114,1%ни ташкил этган. Бунда хорижий валютада ажратилган кредитларнинг 92 фоизи ёки 396,5 млн АҚШ долл. миқдоридаги қисми инвестиция мақсадларига йўналтирилган бўлиб, 2009 йилга нисбатан 12%га ўсган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакатимиз фонд бозорининг фаол иштирокчиларидан бири. Консерватив ёндашув ва таваккалларни бошқаришнинг мувозанатланган сиёсати туфайли банк турли молиявий инструментлар билан операциялар бўйича ижобий натижаларга эришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги №ПП-670-сонли «Банкларнинг капиталлашуви ни янада ошириш ва иқтисодийетни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида банкнинг устав капиталини босқичма-босқич оширишга эришилмоқда. Банкнинг активларини ва уларнинг даромадлилигини юксалтириш, инвестицион портфелининг ликвидлигини орттириш ва диверсификациялаш йўналишида қуйидаги тадбирлар кўрилган:

- банкнинг ўз маблағлари истиқболли корхоналарнинг корпоратив қимматли қоғозларига киритилади;
- давлат қимматли қоғозларига қўйилмалар оширилади;
- даврий равишда активларни баҳолаш амалга оширилади ва эҳтимолий йўқотишлар учун тегишли захиралар яратилади.

2011 йил 1 январь ҳолатига кўра банкнинг инвестиция портфели 55,1 млрд сўмни ташкил этган (2010 йил 1 январь ҳолатига эса 20 млрд сўм), улардан:

- 35,8 млрд сўм (2010 йил ҳолатига кўра 8,9 млрд сўм) корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва устав капиталларидаги улушларига қўйилмалар;
- 11,3 млрд сўм (2010 йил ҳолатига кўра 11,1 млрд сўм) давлат қимматли қоғозлари;
- 8,0 млрд сўм узоқ муддатли корпоратив облигацияларни ташкил қилган.



2008 йили ҳам банк МХК «Ўзбекнефтгаз» билан бир-галикда молия-саноат гуруҳини ташкил этиш ишларини давом эттирган. Банк томонидан МЧЖ МСК «Ishonch» суғурта компаниясининг устав капиталига 500,0 млн сўм миқдоридида маблағ киритилган, бу устав капиталидан 25%ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 ноябрдаги ПҚ №236-сонли қарорини бажариш мақсадида ОАЖ «ЎзМед-лизинг» устав капиталига 250,0 млн сўм миқдоридида маблағ киритилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ №726-сонли 2007 йил 7 ноябрдаги қарорига мувофиқ, «Синдикатли кредитлашни ташаббус қилиш маркази» МЧЖ таъсис этилган, унда банкнинг кўйилмалари 6,0 млн сўм ёки жамият устав капиталидан 9,4%ни ташкил этган.

Таъкидлаш лозимки, инвесторлар ўртасида инвестицион институтлар ва йирик суғурта компаниялари мавжуд.

«Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг устувор йўналишларидан бири банкнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳисобланади. Банкнинг капиталлашувини ошириш банк операциялари ҳажмини ва фаолият кўламини кенгайтиришга имкон беради ҳамда молиявий барқарорликни оширишнинг муҳим шартидир.

Банк устав капиталини янада кўпайтириш ҳисобига капиталлашув даражасини ошириш, тадбиркорлик субъектлари ва салоҳиятли инвесторлар ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш ва кўпайтириш, банкнинг инвестицион фаоллигини ва молиявий барқарорлигини ошириш, лизинг, суғурта, траст компаниялари ва инвестиция фондларининг акция пакетларини (20%дан ортиқ) эгаллаш йўли билан молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга ёрдам беради. Айни вақтда, модернизациялаштириш ва техникавий қайта жиҳозлаш давлат дастурига, давлатлараро битимлар ҳамда ҳукуматнинг бошқа қарорларига мувофиқ хорижий банкларнинг кредит ли-

ниялари, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда банк ихтиёридаги ресурслар ҳисобидан нефть-газ, кимё тармоқларидаги, авиация саноати, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва коммунал хўжалик тармоғи бўйича банк томонидан бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича қабул қилинган қарорларига мувофиқ 2010 йил мобайнида банк томонидан «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзкоммунизмат» ва «Ўзқурилишмаҳсулот» агентликларининг инвестициялаш лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни молиялаштириш бўйича ишлар олиб борилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сонли «Тижорат банкларига иқтисодий ночор корхоналарни сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойишини ижро этиш борасида тижорат банклари зиммасига янги вазифалар юклатилди. Бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, «PSB Anteks Group» МЧЖни ташкил қилди, мазкур корхона рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришни бошлади. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан иқтисодий ҳолати ночор корхоналарни қайта тиклаш ва молиявий соғломлаштириш бўйича қўйилган вазифаларни ижро этиш мақсадида бозорга замонавий талабларга жавоб берадиган қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи «Hazorasp bakery» МЧЖ ва «Khorezm-bricks» МЧЖ ташкил қилинди ҳамда мазкур корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини бошлади. Банк томонидан ташкил қилинган корхоналарнинг бошқарувини амалга ошириш мақсадида «PSB Industrial Investment» МЧЖ бошқарув-


чи сармояловчи компания яратилди, унинг устав жам-фармаси 5,0 млрд сўмга тенг. 2011 йил 1 январь ҳолатига банк томонидан иқтисодий ночор корхоналарга сармоя қилинган маблағларнинг умумий қиймати 28 млрд сўмни ташкил этган. Ҳозирги кунда мазкур корхоналар самарали фаолият кўрсатиб миллий иқтисодиёт ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Юқоридаги маълумотлардан хулосалаш мумкинки, «Ўзсаноатқурилишбанк» етакчилигида молия-саноат гуруҳини ташкил қилишга ҳамда унинг самарали фаолият юритишига банкнинг салоҳияти етарли, банк мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги муҳим стратегик корхоналар фаолиятини молиялаштиради. Бу корхоналар жумласига МХК «Ўзбекнефтгаз», ДАК «Ўзкимёсаноат», «Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати», ДАК «Ўзбекэнерго», АК «Ўзтрансгаз», АЖ «Ўзбеккўмир», «Ўзнефтгазинвест»ни киритиш мумкин. «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Ўзбекнефтгаз» МХК биргаликда молия-саноат гуруҳини ташкил этиши мамлакат саноатининг янада ривожланишида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли бу борада бошланган ишни жадал давом эттириш лозим деб ҳисоблаймиз. Банк томонидан «PSB Industrial Investment» МЧЖ инвестиция компаниясининг ташкил этилиши банкнинг саноат тармоқларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини оширмоқда. «Ўзсаноатқурилишбанк» билан мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги бир қатор корхоналар ўртасидаги молиявий муносабатларнинг тобора ривожланиб бораётгани ушбу банк етакчилигида молия-саноат гуруҳини шакллантириш имкониятини оширмоқда.

Энди «ТИФ Миллий банки» бошчилигида молия-саноат гуруҳи ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимиздаги етакчи тижорат банкларидан бири «Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки»дир, у иқтисодиётнинг асосий тармоқларини молиялаштиришда фаол қатнашиб келмоқда. Миллий банк доимий равишда ўзининг банк хизматлари бозоридаги иштирокини

кенгайтирмоқда. Жумладан, хизмат кўрсатилаётган мижозлар умумий миқдори 2374,5 мингдан ортиқ, банкнинг баланси 2010 йил якунларига кўра мутлоқ суммада 9 трлн 314 млрд сўмни, кредит портфели ҳажми 3 трлн 672 млрд сўмни ташкил этган. Унинг 75% инвестицион кредитлардир. Миллий банк сармояси 2010 йил бошидан буён 114,8 млрд сўмга кўпайиб, 785 млрд сўмни ташкил қилган.



**18-расм. «ТИФ Миллий банки» жами капиталининг ўзгариш динамикаси (млрд сўмда)<sup>52</sup>**

Миллий банк мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси, шу муносабат билан инвестиция фаолиятига оид, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир давлат дастурлари, маҳаллий хомашё негизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар бўш пул маблағларининг депозитларга жалб этилишини рағбатлантириш дастурлари қўллаб-қувватланиши унинг фаолиятидаги асосий йўна-

<sup>52</sup> «ТИФ Миллий банки»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

лишдир. Бунинг учун банк инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни, кичик бизнес лойиҳаларини ўзига тегишли, жалб этилган ресурслар ҳисобидан молиялаштириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришда ҳамда улар бундан кейин мамлакат бозорида барқарор фаолият юритишига ёрдам берадиган ресурсларни жалб этиш ишларини амалга оширмоқда. Юқори даражадаги капиталлашув туфайли банк ўз мижозлари базасини кенгайтириш учун катта захирага эга.

Банкнинг ўз капитали етарлилиги кўрсаткичи Миллий банк фаолиятининг сифатини тавсифловчи омиллардан бири. Миллий стандартларга кўра, I даражали капитал етарлилиги кўрсаткичи ва умумий кўрсаткич зарур энг кам кўрсаткичдан ошиб (тегишлича 5% ва 10%), 2005 – 2010 йиллар даврида қуйидагича бўлган:

11-жадвал

**ТИФ Миллий банки капитал етарлилиги кўрсаткичининг ўзгариши (%да)<sup>53</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2005 й.</b>	<b>2006 й.</b>	<b>2007 й.</b>	<b>2008 й.</b>	<b>2009 й.</b>	<b>2010 й.</b>
I-даражали капитал етарлилиги кўрсаткичи (%)	34,2	32,5	29,9	28,8	23,6	23,9
Умумий сармоя етарлилиги кўрсаткичи (%)	29,0	31,2	29,2	27,8	10,8	25,4

Банкнинг энг йирик мижозлари асосан қуйидаги тармоқларга мансуб:

- ёқилғи-энергетика мажмуаси;
- тоғ-кон саноати;
- кимё ва нефть кимёси;
- қурилиш;


<sup>53</sup> ТИФ Миллий банкининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

- транспорт соҳаси;
- тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати ҳамда чакана савдо соҳалари.

Банкнинг ўз ресурс базаси мавжудлиги, кредит портфелининг оқилона диверсификацияланиши, истиқболли даромад манбалари чуқур ўрганилиши ҳамда мижозларнинг энг қатъий талабларига жавоб берадиган кенг доирадаги банк маҳсулотлари банкка молия-кредит хизматлари бозорида пешқадамлик қилиб, республиканинг бутун иқтисодий тармоқларини ривожлантиришда кўмаклашиш имконини бермоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари қарор топишида Ўзбекистон банк сектори иштирокининг таҳлили кўрсатмоқдаки, тижорат банклари мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш учун, айниқса, муҳтож бўлиб турган тармоқларни кредитлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса кўп жиҳатдан иқтисодий ўсишни жадаллаштирувчи омил вазифасини ўтаяпти.

Мамлакат корхоналарини кредитлаш доимо «Миллий



**19-расм. «ТИФ Миллий банки» кредит портфели ҳажмининг ўзгариш динамикаси (млрд сўмда)<sup>54</sup>**

<sup>54</sup> «ТИФ Миллий банки»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

банк» сиёсатининг бош йўналиши бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундайлигича қолмоқда. Банк инвестицияларининг энг катта ҳажми нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, рангли ва қора металлургия, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, алоқа, транспорт ва сайёҳлик инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган.

2011 йил 1 январдаги ҳолатга кўра банк кредит портфелининг ҳажми 3672,2 млрд сўмни ташкил этган. Бунда банк кредит портфелининг асосий улуши узоқ муддатли кредитларга тўғри келган ва уларнинг салмоғи 2010 йилда 80,6%ни ташкил қилган.

12-жадвал маълумотлари кўрсатишича, мазкур банкнинг кредит қўйилмалари таркибида салмоғига кўра юқори ўринни транспорт ва алоқа, ёқилғи-энергетика комплекси ҳамда кимё ва нефть-кимё саноати тармоқларига ажратилган кредитлар эгаллаган. Ушбу тармоқларга ажратилган кредитлар ҳажми йил сайин ортиб борган, мазкур ҳолат банкнинг иқтисодийнинг реал секторидаги корхоналар фаолиятини молиявий таъминлашда фаол қатнашаётганидан ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида маблағларни самарали сармоялаш бўйича доимий иш олиб бораётганидан далолат.

Банкнинг кредит сиёсатига мувофиқ 2010 йили берилган кредитлар иқтисодийнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва юқори самарали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш тадбирларини молиялашга, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга, маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган. Лойиҳаларни молиялаштириш натижасида тармоқларга оид ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишига эришилмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзгеобурнефтьгаз» АЖ, «Ўзбекнефтьгаз» МХК, Фарғона фуранли бирикмалар кимё заводи, «Азот» ФИЧБ, Наво-

**«ТИФ Миллий банки» кредит қўйилмаларининг  
иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби (%да)<sup>55</sup>**


№	Иқтисодиёт тармоқлари	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й
1	Транспорт ва алоқа	22,2	20,9	15,9	19,0	25,0
2	Енгил саноат	19,1	14,7	10,7	3,5	2,1
3	Кимё ва нефт-кимё саноати	9,4	10,0	8,9	8,4	5,1
4	Машинасозлик ва металлга ишлов бериш	8,2	8,9	8,6	7,3	6,9
5	Озиқ-овқат саноати	6,5	6,9	7,0	3,2	2,5
6	Курилиш материаллари	4,8	5,4	6,3	4,3	3,1
7	Металлургия	3,6	4,7	4,2	2,1	7,9
8	Қишлоқ хўжалиги	2,7	3,7	5,5	4,2	3,0
9	Ташқи, ички савдо ва таъминот корхоналари	3,1	2,5	5,0	4,0	3,0
10	Ёқилги-энергетика комплекси	4,3	2,3	9,0	29,1	28,7
11	Целлюлоза-қоғоз саноати	1,2	1,9	2,0	1,1	0,9
12	Бошқа тармоқлар	14,9	18,1	16,9	13,8	11,8
	Жами	100	100,0	100,0	100,0	100,0

ий кон-металлургия комбинати, «Асл ойна» ОАЖ, «Ўзгаромашсервис» уюшмаси, «Ўзтрансгаз» АК каби корхоналар ва ташкилотлар 2010 йил якунлари бўйича энг йирик қарз олувчилар сафида қайд этилган.

<sup>55</sup> «ТИФ Миллий банки»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.



20-расм. «ТИФ Миллий банки» кредит портфели тузилишининг ўзгариши (%да)<sup>56</sup>




<sup>56</sup> «ТИФ Миллий банки»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳозирги кунда тижорат банкларининг хорижий инвесторлар учун жозибадорлиги янада ошмоқда. Бу ҳолат кредит муассаларининг мамлакат доирасидагинамас, балки ундан ташқарида ҳам ишонч қозонганидан далолат.

«Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» мамлакатимиздаги энг катта инвестиция банки ҳисобланади. Унинг ривожланган инфратузилмаси Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни фаол қўллаб-қувватлаётган молия ва саноат секторлари ривожланишига ёрдамлашмоқда. Банк республиканинг стратегик муҳим корхоналари акциядорлари таркибига кириш орқали иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб корхоналарни инвестициялаш, модернизациялаш, технологик ва техник қайта жиҳозлаш жараёнларида ўз капитали билан фаол қатнашяпти. «Миллий банк» қимматли қоғозлар бозорида брокерлик, андеррайтинг, давлат қимматли қоғозлари ва корпоратив қимматли қоғозлар портфелларини шакллантириш каби турли хизматларни тақдим этмоқда, ўз қимматли қоғозларини чиқармоқда.

«Миллий банк» йирик корхоналарга андеррайтинг хизматларини кўрсатиш, траст, брокерлик, РЕПО операцияларини амалга ошириш, инвестицион банк хизматлари мажмуасини тақдим этиш орқали маслаҳат хизматлари кўрсатиш фаолиятини кучайтирган.

2011 йил 1 январь ҳолатига банк корхоналарнинг акциялари ва улушларини сотиб олиш йўли билан уларнинг устав капиталига инвестициялар шаклида йўналтирилган жами қўйилмалари ҳажми 544,07 млрд сўмни ташкил этган. Йил бошида мазкур кўрсаткич 356,5 млрд сўм бўлган. 2010 йили банк инвестиция портфелининг ўсиши 187,57 млрд сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткичга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2008 йил 19



**21-расм. «ТИФ Миллий банки» инвестиция портфели ҳажмининг ўзгариши (млрд сўмда)<sup>57</sup>**

ноябрдаги Р-4010 сонли «Тижорат банкларига иқтисодий ночор корхоналарни сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойишини бажариш доирасида банк томонидан макроиқтисодий мувозанатни ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқлари барқарор фаолият юритишини таъминлаш бўйича Инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижасида эришилган. Юқоридаги таъкидланган ҳужжатларга мувофиқ банк томонидан банкрот корхоналар мулкани банк балансига қабул қилиш, уларнинг негизида банкнинг шўъба корхоналарини вужудга келтириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилган.

Тижорат банклари банкрот корхоналар молиявий соғломлаштирилиши ва тикланишини, улар техник ва технологик жиҳатдан модернизацияланиши ҳамда қайта жиҳозланишини, ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил этилишини таъминлаш бўйича инвестицион мажбуриятлар олгани минтақавий иқтисодиётни янада мустаҳкамлашнинг муҳим амалий омилларидан биридир.

<sup>57</sup> «ТИФ Миллий банки»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

Банк балансига қабул қилинган 59 та корхона бўйича:  
– 15 та корхонанинг жами 417,76 млрд сўмлик мол-  
мулки салоҳиятли инвесторларга сотилди, натижада ту-  
зилган шартномалар шартларига мувофиқ 106,53 млрд  
сўмлик қарз сўндирилди;

– банкнинг 27 та шўъба корхонасида ишлаб чиқариш  
фаолияти бошланди;


– 17 та корхонада уларни янги мулкдорларга сотиш  
ишлари олиб борилмоқда ёки ишлаб чиқариш фаолияти-  
ни тиклаш юзасидан бизнес режалар ишлаб чиқилмоқда.

2011 йил 1 январь ҳолатига банкрот корхоналарда иш-  
лаб чиқаришни тиклаш, модернизациялаш ва уларни зар-  
ур айланма сармоя билан таъминлаш учун 64,1 млрд  
сўм миқдоридagi маблағлар ажратилди.

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий ин-  
вестициялар оқимини давом эттириш мақсадида банк то-  
монидан «NBU Invest Group» инвестиция компанияси  
ташkil этилган. Бу компания устав сармоясининг 100%  
«Миллий банк» ҳисобидан шакллантирилган. Компания  
уставида белгиланган бош вазифалар – хорижий инвес-  
тицияларни жалб этиш, инвестиция фондларини ташkil  
қилиш, консалтинг, андеррайтинг, депозитар хизматлар  
кўрсатиш ҳамда активларни бошқариш хизматларини тақ-  
дим этиш ва ҳ.к.

Банк томонидан банкрот корхоналар негизда тузил-  
ган шўъба корхоналарнинг активларини инвестиция ком-  
паниялари орқали самарали бошқаришнинг таъсирчан  
tizими йўлга қўйилган. Устав капитали 72 млрд сўмдан  
ортиқ «NBU Invest Group» ва «NBU Investment» очиқ ак-  
циядорлик жамиятларига банкнинг банкрот корхоналар  
негизда ташkil этилган 23 та шўъба корхонаси ишонч  
асосида бошқариш учун берилган. Мазкур компаниялар-  
нинг асосий вазифалари корхоналарда ишлаб чиқариш  
фаолиятини қайта тиклаш, уларни техник ва технологик  
жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ҳам ички, ҳам ташқи бозор-  
лар учун мўлжалланган рақобатбардош маҳсулот ишлаб  
чиқарилишини таъминлашдан иборат (4-иловага қаранг).

22-расм. «ТИФ Миллий банки» инвестиция портфелининг тармоқ тузилиши, 2010 йил 1 январь ҳолатига (%да)<sup>58</sup>



<sup>58</sup> «ТИФ Миллий банки»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

Юқоридаги тадбирлар амалга оширилиши натижасида банкнинг банкрот корхоналар мол-мулки негизида ташкил этилган шўъба корхоналари томонидан 2011 йил 1 апрель ҳолатига кўра қарийб 165,3 млрд сўмлик товарлар ишлаб чиқарилган, 52,1 млн АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинган ва 5825 та янги иш ўрни яратилган.

Шўъба корхоналар ҳисобига банк қўйилмалари ўсиши инвестиция портфели тузилишида ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Бу кўрсаткичлар 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра қуйидагича бўлган:

Банк инвестиция портфелининг катта қисми (76,89%) асосан банкрот корхоналар негизида ташкил этилган шўъба корхоналардан иборатдир.

Шунингдек, банк томонидан молия бозори муассасаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, инвестицияларнинг аксарият қисми банк секторига (4,47%), лизинг компанияларига (0,99%), шунингдек, суғурта компанияларига (0,97%) йўналтирилган.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш банкнинг инвестиция фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. «Миллий банк» бир қанча корхоналарнинг акциядори ҳисобланади: Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ (1,4 млрд сўм), «Ўзавиализинг» ОАЖ (1 млн АҚШ доллари ва 750,7 млн сўм) ва «Ўзметкомбинат» АИЧБ (1766,9 млн сўм).

«Rohat NBU» соғломлаштириш маркази банкнинг 1999 йил 24 февралдаги 24-сонли буйруғига асосан шўъба корхона сифатида ташкил этилган. Корхонанинг асосий фаолият тури фуқароларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун шароит яратиш ҳисобланади. Корхона устави 13 067 000 қирғиз соми қийматидаги корхона устав фондининг бошланғич миқдори билан 1999 йил 24 мартда Қирғизистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтган.

«VIP Service NBU» шўъба корхонаси 1999 йил 23 январьдаги 9-сонли буйруқ асосида ташкил топган. Марказ-

нинг асосий фаолият тури дипломатик ваколатхоналарга, хорижий банкларга ва молиявий институтларга офис бинолари ва тураржойларни ижарага бериш ҳисобланади.

«Asia Invest Bank» ОАЖ 1996 йили Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги имзоланган ҳукуматлараро битимга мувофиқ ўзаро маҳсулотлар айланмасини кенгайтириш, ҳар икки мамлакат савдо ҳамкорларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва ташқи савдо операцияларида ҳисоб-китобларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида тузилган.

«Asia Invest Bank» миллий ва халқаро банк операцияларининг амалдаги барча соҳаларини қамраб олган кенг фаолиятни амалга оширади, халқаро стандартлар даражасида банк хизматларини кўрсатишга имкон берувчи замонавий банк технологияларини ривожлантирмоқда.

«Uzinvestproject» ОАЖ республика инжиниринг компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 майдаги 265-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган. Ҳозирги вақтда компания шўъба корхоналари шаклида тузилган 11 та вилоят филиалларидан иборат минтақавий тармоғига эга. Компаниянинг асосий фаолияти инвестициялашдан олдинги лойиҳалаштириш, бизнес режалар тайёрлаш, инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослаш, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ инвестициялашдан олдинги тадқиқотлар ўтказиш учун методик материалларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

«NBU Invest Group» ОАЖ 2008 йил 20 майда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолияти устидан назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича марказ томонидан рўйхатдан ўтган.

Қуйидагилар компаниянинг асосий фаолияти ҳисобланади:

- инвестиция фаолияти (инвестицион, брокерлик ва дилинг операциялари);
- инфратузилмани ривожлантириш (биржадан ташқа-

ри электрон савдо тизимларини кенгайтириш ва ривожлантириш);

- траст ва маслаҳат хизматлари;
- корхоналарнинг молиявий барқарорлигини яхшилаш.

«Xorazm Gilamlari» МЧЖ банк бошқаруви ҳамда актив ва пассивларини бошқариш бўйича қўмитаси қўшма мажлисининг 2008 йил 19 декабрдаги №77/154-сонли баённомасига асосан «Khiva Carpet» ҚК ва «Khiva Gilamlari» АЖнинг мол-мулки асосида ташкил этилган. Компаниянинг асосий фаолияти гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш саналади.

«Asia Pipelast» МЧЖ банк бошқаруви ҳамда актив ва пассивларини бошқариш бўйича қўмитаси қўшма мажлисининг 2008 йил 19 декабрдаги 82/146-сонли баённомасига асосан молиявий ночор «Нобас Таро» ЁАЖ корхонаси негизида ташкил этилган. Компаниянинг асосий фаолияти шисали пластик трубаларни ишлаб чиқариш ҳисобланади.

«Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ банк бошқаруви йиғилишининг 2009 йил 23 январдаги 10-сонли баённомасига асосан молиявий ночор «Kosonsoy tekmen» ҚК негизида ташкил этилган. Компания фаолиятининг асосий йўналиши тўқимачилик саноати ҳисобланади.

«Asaka Mak» МЧЖ банк бошқаруви йиғилишининг 2009 йил 23 январдаги 12-сонли баённомасига асосан молиявий ночор «Fat» ҚК мол-мулки асосида ташкил қилинган. Компаниянинг асосий фаолияти макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш саналади.

«Vodiy Iragi» МЧЖ банк бошқаруви ҳамда актив ва пассивларини бошқариш бўйича қўмитаси қўшма мажлисининг 2008 йил 13 декабрдаги 75/153-сонли баённомасига асосан молиявий ночор «Atlas» АЖ негизида ташкил этилган. Компания фаолиятининг асосий тури тўқимачилик саноати.

«Keramik Modern» МЧЖ банк бошқаруви йиғилишининг 2009 йил 8 июндаги 44-сонли баённомасига асосан молиявий ночор «Agrokeramika» ҚК мол-мулки асосида таш-



кил этилган. Компаниянинг асосий фаолияти керамик плиталар ишлаб чиқариш.

«Kinder Fruits» МЧЖ банк бошқаруви йиғилишининг 2009 йил 23 январдаги 13-сонли баённомасига асосан молиявий ночор «Болалар таомлари холдинг» ОАЖ негизида ташкил қилинган. Унинг асосий фаолияти болалар озиқ-овқатларини ишлаб чиқариш.

«Sogdiana Pipeplast» МЧЖ банк бошқаруви йиғилишининг 2009 йил 23 январдаги 3-сонли баённомасига асосан молиявий ночор «Djizzak LPS Plast» ҚК мол-мулки асосида тузилган. Компания фаолиятининг асосий йўналиши полиэтилен трубалар ишлаб чиқариш.

«Nam Tex» МЧЖ банк бошқаруви йиғилишининг 2009 йил 19 июндаги 47-сонли баённомасига асосан молиявий ночор «Asnam Textile» ҚК мол-мулки негизида ташкил қилинган, асосий фаолияти тўқимачилик саноати.

«NBU Investment» ОАЖ банк кенгаши йиғилишининг 2008 йил 23 октябрдаги 14-сонли баённомасига асосан тузилган.

Компаниянинг асосий фаолияти қуйидагилардан иборат:

- активларни бошқариш (инвестицион, брокерлик ва дилинг операциялари);
- лизинг, маркетинг ва консалтинг хизматлари;
- корхоналарни молиявий соғломлаштириш.

Қимматли қоғозлар ва улушларга инвестицияларни амалга оширишда банк юритаётган инвестиция сиёсати, фаолият миқёсларини кенгайтириш, қўшимча мижозларни жалб этиш билан бир қаторда асосий мезон сифатида фонд портфелининг даромадлилиги таъминланишини кўзда тутди. 2010 йил яқунларига кўра қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича банк олган даромад 4034 млн сўмни ташкил этган. Қолаверса, банкнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чиқарган давлат қимматли қоғозларига қўйилмалари 1,379 млрд сўмни ташкил қилган. Улар бўйича 65,6 млн сўм даромад олинган. Миллий банк траст, брокерлик хизматларини тақдим этиш,

маслаҳат хизматлари кўрсатиш фаолиятини кучайтирган, брокерлик хизматлари бўйича 1,1 млн сўм даромад олинган.

Юқоридаги маълумотлардан хулосалаш мумкинки, «ТИФ Миллий банки» етакчилиги ва ташаббускорлиги асосида саноатнинг ёқилғи-энергетика комплекси, транспорт ва алоқа, кимё ва нефть-кимё саноати тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналар билан молия-саноат гуруҳи ташкил этиш учун қулай имконият мавжуд. Чунки иқтисодийнинг мазкур тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналарга ажратилган молиявий ресурслар салмоғи юқори, бу ҳолат банкнинг молия-саноат гуруҳи ташкил этиш имкониятини ошироқда. Хусусан, бундай корхона ва компаниялар жумласига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, Фарғона фуранли бирикмалар кимё заводи, «Азот» ФИЧБ, Навоий кон-металлургия комбинати, «Асл ойна» ОАЖ, Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ, «Ўзавиализинг» ОАЖ ва «Ўзметкомбинат» АИЧБларни киритиш мумкин. «ТИФ Миллий банки» томонидан инвестиция компанияларини ташкил этилгани ва мазкур инвестиция компаниялари бир қатор шўъба корхоналарни самарали бошқараётгани банкнинг молия-саноат гуруҳини ташкил этиш имкониятини оширади. Ушбу тижорат банки иштирокида молия-саноат гуруҳининг тузилиши иқтисодий тармоқларининг ҳамда мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Энди «Агробанк» ОАТБ мисолида молия-саноат гуруҳи ташкил этиш имкониятини кўриб чиқамиз.

«Агробанк» мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз муассасасига эга, 185 та туман (шаҳар) филиали, 468 та минибанки, 189 та махсус касса, 274 та валюта айирбошлаш шахобчаси, қарийб 270 мингдан ортиқ юридик ва 1 млн дан ортиқ жисмоний шахсга банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда «Агробанк» тизими орқали 45 мингдан ортиқ фермер хўжалигига, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси таркибидаги 127 та, «Ўздонмахсулот» ДАК тар-

кибидаги 45 та, «Ўзагроташсервис» уюшмаси таркибидаги 193 та корхонага, 800 дан зиёд муқобил машина-трактор паркига, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» тизимидаги 172 та корхонага, 710 та қурилиш ва 392 та транспорт корхонасига, 74 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларига кенг қамровли банк хизматлари кўрсатилмоқда.<sup>59</sup> Зеро, «Ўздонмаҳсулот»нинг «Агробанк»ка ўтиши мазкур банкнинг молия-саноат гуруҳини ташкил этиш имконини оширди.

«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки капиталлашув даражасини янада юксалтиришга, банкнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги кенг иштироки билан банк-молия тизимида фаолиятини кенгайтириб, қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.


Банк фаолияти кўламнинг кенгайиши капиталлашув даражаси ошишига боғлиқ, 2010 йил 1 январь ҳолатига нисбатан банкнинг жамлама капитали 48 млрд сўмга ёки 28%га ўсди, 2011 йил 1 январга келиб 221 млрд сўмни ташкил этди.

«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини янада кенгайтириб, унинг йирик ва етакчи қатнашчиларидан бирига айланиш йўлида изчил саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. «Агробанк» қимматли қоғозлар инвестиция портфели таркибига банклар, лизинг компаниялари, пахтани қайта ишлаш корхоналари, қимматли қоғозлар инфратузилмаси, суғурта ташкилотлари, қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш ҳамда таъминлаш кимё-саноат корхоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 октябрдаги «Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбир-

---

<sup>59</sup> «Агробанк»нинг 2009 йил ҳисобот маълумотлари.



**23-расм. «Агробанк» жами капиталининг ўзгариш динамикаси (млрд сўмда)<sup>60</sup>**

лари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг эълон қилинган акциялари доирасида 50 млрд сўмлик қўшимча акцияларининг 14-эмиссияси муомалага чиқарилган. Ҳозирги пайтда «Агробанк» акциядорлари 82,7 мингга етди, улардан 18 500 таси юридик, 64 100 нафари жисмоний шахслар ва хусусий тадбиркорлардир.

«Агробанк» акциялари «Тошкент» республика фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингига киритилган. Бу банкнинг энг ишончли ва барқарор акциядорлик жамияти эканидан далолат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини жадаллаштириш ва уларнинг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини янада кучли қўллаб-қувватлашини таъминлашга қаратилган фармон ҳамда қарорлари молия муассасаларига ўз имкониятлари ва салоҳиятларини кенгроқ намоиш этиш учун шароит яратди. Буни «Агробанк»нинг инвестиция фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. 2009 йили

<sup>60</sup> «Агробанк»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.


банкнинг қимматли қоғозлар портфели 15 млрд 46 млн сўмни ташкил этиб, йил давомида инвестиция ҳажми 7 млрд 809 млн сўмга ёки 208 фоизга ошган.

«Агробанк» томонидан «Agro depo invest» компанияси ташкил этилган, унинг устав капитали 260 млн сўм миқдоридида белгиланган ҳамда банк компания устав фондида қўшимча равишда 151 млн сўм инвестиция киритган. «Agro depo invest» компаниясининг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси ҳамда инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси сифатида иш юритиши учун махсус лицензияга эга. Қимматли қоғозлар бозори бўйича қонунчиликни такомиллаштириш борасида киритилган янгиликлар компаниянинг мижозлар базасини ҳамда фаолият доирасини кенгайтириш имконини бермоқда.

«Агробанк» иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишида йирик молиявий институт сифатида ўз кредитлари билан фаол қатнашиб келмоқда.

2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, Агробанк кредит қўйилмалари ҳажми 1 триллион 43 миллиард сўмни ташкил этган ҳамда мазкур кўрсаткич йил бошига нисбатан 412,6 млрд сўмга ёки қарийб 40,5%га ортган. Бу ҳолат, иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк ўзининг молиявий ресурслари билан фаол қатнашаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли Фармони ҳамда 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сонли фармойишини бажариш доирасида банк томонидан Агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда. Хусусан, оқартирилган ва бўялган трикотаждан мато ишлаб чиқаришга мўлжалланган банкрот «Ас-шах» қўшма корхонаси банк балансига олинган ҳамда мазкур қўшма корхона негизидида янги «INVESTTEKS-IB» МЧЖ ташкил этилган. Мазкур корхона-



**24-расм. «Агробанк» кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши (млрд сўмда)<sup>61</sup>**

да ишлаб чиқариш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда янги ишчи ўринларини яратиш мақсадида йирик инвестор – «Ўзбекенгилсаноат» ДАК га қарашли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Alfi Tekstil» корхонасига сотилди, натижада «INVESTTEKS-IB» МЧЖда 96 та янги ишчи ўрни ташкил қилиниб, янги инвесторлар томонидан қўшимча 1,4 млрд сўм миқдоридан инвестициялар киритилди ва 412 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилинди.

Мамлакатимиздаги мавжуд яна 9 та иқтисодий ночор-банкрот корхоналар банк балансига олинган. Жумладан, «Бағдодпарранда», «Хоразммахсустузатиш» акциядорлик жамиятлари, «Аграр технологиялари» қўшма корхонаси ҳамда «Боғот туман ДАЖ» машина-трактор парки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сонли фармойиши билан тасдиқланган тартибга асосан банк балансига олинган. «Хўжайлисут», «Қўқон сут маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамиятлари ва «Кўнчи» очиқ акциядорлик жамияти ҳам

<sup>61</sup> «Агробанк»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

шулар жумласидан. Банк балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар негизда янги корхоналар ташкил этилган.

Банк балансига олинган корхоналарни самарали бошқариш ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклашни ташкиллаштириш мақсадида банк томонидан «Agroinvest improvement» инвестицион компанияси ташкил қилиниб, мазкур корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида соғломлаштириш бизнес режаси ишлаб чиқилган.

«Ўздонмаҳсулот» уюшмаси тизимидаги корхоналарни модернизация ва реконструкциялаш мақсадида 565 млн сўм, нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган 32 та ихчам корхоналарни модернизациялашга Германиянинг «Wachtel GmbH&Co» фирмаси ишлаб чиқарган ускуналарни сотиб олиш учун 6 537 млн сўм кредит ажратилган.

Қолаверса, банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан банкнинг юридик шахсларга мўлжалланган узоқ муддатли 5 млрд сўм миқдоридagi облигациялари чиқарилиб давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган.

Юқоридаги маълумотлар асосида таъкидлашимиз мумкинки, «Агробанк»нинг инвестицион фаолияти йил сайин ривожланиб бормоқда, банкнинг асосий мижозлари бўлган бир қатор етакчи акциядорлик жамиятлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро молиявий муносабатлари тобора кенгаймоқда. Бу мазкур банк етакчилигида молия-саноат гуруҳи ташкил этиш имкониятини оширмоқда.

Аслини олганда, замонавий бозор иқтисодиётида молия-саноат гуруҳлари иқтисодиётга давлат таъсирини бошқарувчи муҳим хўжалик юритиш тузилмаси ҳисобланади. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни макроиқтисодий

тартибга солиш даражаси ошади ҳамда халқаро иқтисодий ҳамкорлик барқарорлиги таъминланади. Молия-саноат гуруҳлари иқтисодиётни модернизациялашнинг жадаллаштирилган стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлатнинг энг яқин шериги ҳисобланади.

Монографиянинг иккинчи бобида амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланиб куйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Молия-саноат гуруҳининг ташкил топиши ҳаммавақт ҳам молия ва саноат корхоналари ўзаро алоқалари расмийлаштирилишининг ташкилий-ҳуқуқий жараёнимас, балки кўпинча қатнашиш, шахсий бирлашма, узоқ муддатли кредит мажбуриятлари, саноат, савдо, молия фирмалари ва ташкилотларининг бошқа кўринишдаги боғлиқлиги орқали узоқ муддат давомида вужудга келган алоқалардир. Молия-саноат гуруҳлари шаклланишини ҳаракатлантирувчи куч, бир томондан, молия-кредит ва моддий техника ресурсларидан кафолатланган фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишга интилиш, иккинчи томондан, капитални ишончли ва фойдалироқ жойлаштиришдир.

2. Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил этишда куйидаги икки моделдан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- 1) Япон модели.
- 2) Германия (немис) модели.

3. Молия-саноат гуруҳлари фаолият юритишининг жаҳон тажрибасини ўрганиш куйидагича хулосалашга имкон берди: молия-саноат гуруҳлари тўловлар инқироzi ва турғунликнинг олдини олиш, саноатни модернизациялаш ҳамда янги иш ўринларини яратишнинг таъсирчан инструменти бўлиб хизмат қилиш қобилиятига эга.

4. Мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторидаги тижорат банклари капиталлашув даражасининг оширилиши саноат маҳсулотлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2001 – 2010 йиллари тижорат банкларининг умумий капитали ҳамда саноат маҳсулотлари



ҳажми ўртасида Чеддок шкаласи бўйича етарлича кучли боғлиқлик ( $r=0,96$ ) кузатилган.

5. Мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда асосан йирик банклар атрофида муҳим саноат корхоналарини бирлаштириш мақсадга мувофиқ. Агар республикамиз банкларининг иқтисодийётнинг муҳим тармоқларига кредит қўйилмалари салмоғини кўрсак, бунда банклар томонидан саноатга ажратилган кредитлар салмоғи 2010 йил ҳолатига жами кредит қўйилмалар таркибида юқори улушни, яъни 45,8 фоизни ташкил этган.

6. Ўзбекистонда саноат ва молия капиталининг интеграциялашувини кенгайтириш шакли сифатида банк молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Банк молия-саноат гуруҳлари таркибига қуйидаги корхона ва ташкилотларни жалб этиш зарур:

– банк акциядори ҳисобланган корхона ва ташкилотлар;

– акциялар пакетининг асосий қисми банк ихтиёрида бўлган корхона ва ташкилотлар;

– ўз молиявий ҳолатини барқарорлаштириш учун инвестиция қўйилмаларига муҳтож корхона ва ташкилотлар.

7. Мамлакатимизда иқтисодийётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг сезиларли қисми етакчи тижорат банкларидан «ТИФ Миллий банки», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асакабанк», «Агробанк» ҳамда «Қишлоққурилишбанк» ҳиссасига тўғри келади. Республикаимизда «Асакабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «ТИФ Миллий банки» ва «Агробанк»нинг автосаноат, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан биргаликда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш имкониятларини юқори ҳисоблаш мумкин. Ушбу банклар маълум бир соҳадаги саноат корхоналарига молиявий хизматлар кўрсатиб, уларга йирик ҳажмдаги инвестицияларни амалга оширмақда. Мазкур саноат корхоналари тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларнинг корпоратив бошқарувида қатнашмоқда.

### III БОБ.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

### 3.1. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги муаммоларнинг моҳияти

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларининг иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан йирик компанияларнинг имконияти даражаси билан белгиланади. Ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда ушбу жиҳатлар кичик корхоналар билан алоқаларни чамбарчас қўллаб-қувватловчи йирик ва ўрта корпоратив тузилмаларни шакллантириш имконияти билан ажаралиб туради. Бундай тузилмалардан бири молия-саноат гуруҳлари бўлиб, Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги шароитида мазкур тузилмаларни ташкил этиш долзарб масалалардан бири. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларининг шакллантирилиши иқтисодиётда интеграцион алоқаларнинг янада ривожланишига ҳамда мамлакатнинг инновацион тараққиётига хизмат қилувчи муҳим омиллардан.

Дунё мамлакатларида тижорат банклари етакчилигида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш амалиёти ривожланган, республикамизда ҳам тижорат банкларининг ташаббускорлиги ва фаол иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Иқтисодийetni модернизациялашнинг ҳозирги босқичида республикамизда тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини янада ошириш, улар томонидан иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган капитал қўйилмалари салмоғини кўпайтиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан эришилаётган ижобий кўрсаткичлар молия ва саноат капитали интеграцияси учун қулай шароит яратади. Республикамизда молия-саноат гуруҳларининг шакллантирилиши тижорат банкларининг инвестицион фаолияти янада яхшиланишига ҳамда саноат корхоналарини барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса банкларнинг йирик инвестиция институтларига айланиши учун муҳим омил вазифасини ўтайди.

Ҳозирги кунда дунёда 70 мингга яқин трансмиллий корпорациялар фаолият кўрсатади, хорижий давлатларда уларнинг 850 мингдан ортиқ филиаллари ишлаб турибди.<sup>62</sup> Миллий иқтисодий ривожланишида молия-саноат гуруҳларининг таъсирини уларнинг бажарадиган функцияларида кўришимиз мумкин. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

– молия-саноат гуруҳлари иқтисодийнинг турли хўжалик субъектларини бирлаштириб, ҳамкорлик шакллари кенгайтиради, корхоналарнинг ўзаро интеграциясини чуқурлаштиради ҳамда самарали ишлаб чиқариш-технологик ҳалқасини барпо этади;

– моддий-номоддий активларни бирлаштиради, молия саноат гуруҳининг марказлашган жамғармаси вужудга келтирилади, инвестицияларнинг гуруҳ қатнашчилари ўртасида оптимал тақсимланишини таъминлайди;

---

<sup>62</sup> Абдурахмонов Ф. Молия-саноат гуруҳларининг миллий иқтисодий ривожланишига таъсири // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане. Материалы международной научно-практической конференции. – М., 2008.

– маҳсулотнинг сифатини ва унинг рақобатбардошлигини оширади, даромадларнинг ўсишини таъминлайди, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширади;

– капитални шакллантириш имкониятларини кенгайтиради, иқтисодий фаолиятнинг диверсификацияланишини таъминлайди, гуруҳга кирувчи муваққат норентабел ишлаётган бирликларни қўллаб-қувватлайди;

– юқори технологияли, илмий сиғимли талаб ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришига кўмак беради, илмий тадқиқот ишларини кенг миқёсда олиб боришини таъминлайди, халқаро ишлаб чиқариш-молия мажмуаси ва унга мос равишда замонавий менежмент тизимини юзага келтиради.

Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатади. Жумладан, буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ишлаб чиқаришнинг барқарорлашиши. Молия-саноат гуруҳи технологик ва кооперацион алоқадор корхоналар бирлашиши учун қулай шарт-шароитлар яратади.

2. Инвестицион муҳитнинг яхшиланиши. Молия-саноат гуруҳлари банк ва саноат капитали интеграциясини кучайтиради, натижада инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш имкони ортади. Молия-кредит ташкилотлари ва саноат корхоналари ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши инвестицион инқирозни бартараф этишга имкон беради. Молия-саноат гуруҳлари мамлакатдаги ва хорижий инвесторлар учун бирмунча ишончли шерик ҳисобланади. Бу миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқимини кучайтиради.

3. Корхоналарнинг молиявий барқарорлашуви. Молия-саноат гуруҳи банкида биргаликда ҳаракатланувчи гуруҳ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китоблари тўпланиши улар ўртасидаги тўловларни барқарорлаштиради.

4. Молия-саноат гуруҳи ресурсларни тармоқлараро ва тармоқлар ичида қайта тақсимлаш механизминини ривож-

лантиришга ёрдам беради. Натижада иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига инвестицион ресурсларни сафарбар этиш кучаяди.

5. Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви. Молия-саноат гуруҳи гуруҳ иштирокчиларини ривожлантиришнинг аниқ стратегик йўналишига имкон яратади. Илмий-ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш-технологик мажмуалар доирасида алоқаларни мустаҳкамлаш ўзаро боғланган ишлаб чиқаришда ягона инвестицион ва техник сиёсат ўтказишга ёрдам беради. Бунда янги техникани тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ риск камаяди ҳамда узоқ муддатли ишлаб чиқариш ва тадқиқот даврини молиялаштириш такомиллашади. Хорижий фирмалар билан стратегик ҳамкорлик ривожланади.

Мазкур тузилмаларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш борасидаги ўтказилган таҳлил асосида молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг мамлакат иқтисодий учун қуйидаги ижобий томонлари аниқланди:

– гуруҳ таркибига кирувчи корхоналар риск муаммосини баравар ҳал этади;

– иштирокчи корхоналар юридик жиҳатдан мустақил қолишади, лекин молия-саноат гуруҳининг марказий органи томонидан улар олдига қўйилган тижорат вазифаларини бажариш мажбуриятини олишади. Бу гуруҳлар доирасидан ташқарида фаолият юритиш имконини беради. Бир қатор хорижий мамлакатларнинг қонунчилик даражасида бир молия-саноат гуруҳида қатнашувчи корхонанинг бошқа молия-саноат гуруҳида қатнашиши тақиқланади;

– ишлаб чиқаришни ўз вақтида ҳамда узлуксиз имтиёзли молиялаштиришни гуруҳларнинг банклари ва бошқа молиявий ташкилотлари таъминлайди. Гуруҳ ичидаги инвестициялар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имкон туғдиради давлат инвестицияларига бўлган эҳтиёжни камайтиради. Молия-саноат гуруҳлари қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ёрдамида маблағларни жалб этиш имконига эга;

– молия-саноат гуруҳлари иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларини молиялаштириб миллий иқтисодиётнинг саноатлашишига ва самарали ўсишига ёрдамлашади;

– агарда корхона мустақкам савдо муносабатларига эга бўлса, бу гуруҳ фаолиятининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, Япония амалиётида кэйрэцуни ташкил этиш корхоналар ўртасида акцияларга «қарама-қарши эгаллик қилиш» мавжудлигида гуруҳлар ичидаги узоқ муддатли алоқаларни мустақкамлайди. Қарама-қарши эгаллик қилиш гуруҳ иштирокчиларига бир-бирининг акция пакетларини бошқаришга имкон беради, бу гуруҳ аъзолари фаолиятини ўзаро назорат қилиш тизимини вужудга келтиради. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси қолган барча иштирокчиларга боғлиқ бўлади ҳамда мазкур гуруҳ ичида ягона сиёсат ўтказишга ва четдан назорат қилиш эҳтимолигига йўл қўймасликка имкон яралади;

– гуруҳларга аъзо корхоналар ўртасида тармоқлар ичидаги ва тармоқлараро кооперацион алоқалар яхшиланади;

– гуруҳ ичидаги ҳар бир корхона доимий буюртмалар билан таъминланади, бу эса ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиш муаммосини бартараф этади;

– мавжуд университет ёки илмий-тадқиқот марказлари ишлаб чиқариш ва фан ўртасидаги алоқаларни кучайтиради, натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар такомиллашиши ҳамда рақобатбардошлиги ошишига имкон туғилади;

– молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот харажатлари пасайишига олиб келади, бу унинг рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур омил миллий маҳсулотларни жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашига ёрдамлашади. Ташқи иқтисодий фаоллик эса мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайди.

Молия-саноат гуруҳлари қуйидаги салбий томонларга ҳам эга:

– назария ва амалиётнинг кўрсатишича, кўпгина ҳолатларда молия-саноат гуруҳлари бутун иқтисодиёт тармоқларини монополлаштиради. Бу мазкур соҳаларда рақобатнинг ривожланишини тўхтатади ва монополизмнинг салбий томонларини намоён қилади;

– агар ташкил этилаётган гуруҳга аъзо корхоналар вақтинчалик савдо муносабатларига эга бўлса, ташкил этилаётган гуруҳ самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади;

– хорижий ёки рақобатчи корхоналарни молия-саноат гуруҳига аъзо корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш имконияти гуруҳнинг самарали фаолият юритишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, молия-саноат гуруҳларининг бир қатор салбий томонлари мавжудлигига қарамай, уларни ташкил этиш Ўзбекистон иқтисодиёти учун сезиларли ижобий натижаларга эришишга олиб келади. Молия-саноат гуруҳларининг монополлашуви каби асосий муаммонинг олдини олиш учун уларни ташқи бозорга йўналтириш лозим деб ҳисоблаймиз. Муаммони бу тарзда ҳал қилиш миллий компаниялар, мамлакатнинг халқаро миқёсда обрўси ошишига ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон шароитида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш пухта ва аниқ ўйланган бўлиши керак. Юқорида кўриб ўтилган таҳлил натижалари кўрсатмоқдаки, молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш лозим:

Биринчидан, Ўзбекистонда бозор ислоҳотларининг дастлабки босқичларида ихтисослашган банклар универсал банкларга ўзгартирилди. Республикада бозор ислоҳотлари шароитида банкларнинг молия-саноат гуруҳлари таркибига кириши, энг муҳими, тармоқлар лойиҳаларида ишлаши рискларни юзага келтириши мумкин.

Иккинчидан, мамлакатда корпоратив тузилмаларни шакллантириш ва ривожлантириш борасида юқори амалий тажрибанинг мавжуд эмаслиги. Амалиётнинг кўрсатишича, баъзи давлат корхоналарининг акциядорлик жами-

ятларига ўзгартирилиши ҳамда меҳнатга бўлган қарашларнинг ўзгариши бераётган натижалар кутилганидек эмас.

Иқтисодийetni модернизациялашнинг ҳозирги шароитида мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

– молия-саноат гуруҳлари фаолиятини тартибга солувчи ягона ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги;

– мамлакатимиздаги тижорат банклари ресурс базасининг чегараланганлиги. Бу тижорат банкларининг шакллантириладиган гуруҳ корхоналарига инвестиция қилиш имкониятини сезиларли даражада камайтиради;

– молия-саноат гуруҳини ташкил этиш учун тижорат банклари капиталлашув даражасининг нисбатан пастлиги. Бу тижорат банкларининг гуруҳ ташкил этиши учун инвестицион фаолиятини чеклайди;

– молиявий рискларни суғурталаш механизмларидан кенг фойдаланмаслик. Мазкур ҳолат молия-саноат гуруҳлари фаолиятида инвестицион муносабатлар ривожланишида маълум тўсиқлар юзага келишига олиб келади;

– фонд бозорининг сустривожлангани ҳамда кўпгина саноат корхоналари акциялари ликвидлилигининг пастлиги;

– йирик тижорат банклари ўз атрофида саноат корхоналарини бирлаштириши, банклар ўртасида монополлашув даражаси ортишига олиб келиши мумкин;

– тижорат банкларининг йирик саноат гуруҳларидаги акциялари улушининг юқори эмаслиги. Бу эса банкларнинг йирик саноат гуруҳларини назорат қилиш имконини чегаралаб қўяди;

– тижорат банклари томонидан йирик ҳажмдаги инвестицияларни бирданига молиялаштириш имкониятининг юқори эмаслиги. Мамлакатимизда фаолият юритаётган кўпчилик корхоналарда асосий воситаларнинг эскириш даражаси баланд, бу уларни янгилашга йирик ҳажмдаги инвестицияларни талаб этади.

Кўриб ўтилган муаммоларни ижобий ҳал этиш учун қу-



йидаги бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва улар фаолиятини тартибга солиш учун «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш лозим;

– мамлакатимизда тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари ташкил этилишини инобатга олган ҳолда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молия-саноат гуруҳи иштирокчиси бўлган банкларга инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун мажбурий захиралар меъёрини пасайтиришни ҳамда уларнинг инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида бошқа меъёрларни ўзгартиришни назарда тутувчи имтиёзлар бериши керак;

– мамлакатимиздаги фаолият юритаётган тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш лозим. Натижада уларнинг инвестицион фаолияти янада яхшиланади. Аммо тижорат банклари билан саноат корхоналарининг ўзаро инвестиция қилиб, капиталлашув даражаларини сунъий оширишларига йўл қўймаслик даркор;

– молия-саноат гуруҳига кирувчи барча корхоналар учун ягона стратегия ишлаб чиқиш лозим. Бу уларнинг инвестицион фаолиятида молиявий рискларнинг олдини олишга имкон яратади;

– саноатнинг устувор тармоқларида ташкил этилаётган молия-саноат гуруҳлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш. Молия-саноат гуруҳи иштирокчилари бўлган молия ва кредит ташкилотларининг саноатни инвестициялашга йўналтирилган маблағларини солиққа тортишнинг имтиёзли тартибини ҳамда гуруҳларни жамланган солиқ тўловчи деб эътироф қилиниш имкониятини жорий этиш керак.

Молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ривожлантиришда, авваламбор, қуйидагиларга эътибор қаратиш ўринли:

– қонунчилик ҳужжатларида молия-саноат гуруҳлари

фаолият юритишининг молиявий жиҳатларига аниқлик киритиш;

– ҳисобот ва ҳисоб-китобни ташкил этиш ҳамда юри-тиш бўйича методик, методологик материалларни ишлаб чиқиш;

– замонавий ахборот тизимларини ташкил этиш;

– гуруҳларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказиш тадбирларининг бирхиллаштирилган (унификациялаш) тартибини жорий этиш.

Молия-саноат гуруҳи доирасида молиявий ва бошқа активларни бирлаштириш зарурати молия-саноат гуруҳлари олдига молиявий ҳисобот соҳасида бир неча масалаларни қўяди.

Иштирокчилар активларининг юқори даражада бирлашиши оқибати уларнинг бир-бирига қўшилиб кетишига олиб келади, яъни йиғма баланс барча иштирокчиларнинг баланси йиғиндисидан иборат бўлиб қолади. Тижорат банкининг баланси тузилиши молия-саноат гуруҳида қатнашиш ҳуқуқига эга молия бозорининг бошқа иштирокчилари баланси тузилишидан тамоман фарқланади. Масалан, пенсия жамғармаси, савдо ва саноат корхоналари баланслари шулар қаторига киради. Демак, молия-саноат гуруҳининг ҳар бир иштирокчиси молия-саноат гуруҳидан ташқарида фойдаланиладиган ресурслари бўйича алоҳида баланс юритишлари керак. Йиғма балансни юритиш қоидаларини белгилаш молия-саноат гуруҳи фаолиятини молиявий ташкил қилиш учун муҳим аҳамиятга эга, сабаби йиғма баланссиз молия-саноат гуруҳи иштирокчиларини ягона солиқ тўловчилар деб ҳисоблаш мумкинмас. Бу эса молия-саноат гуруҳлари қатнашчиларига ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва шахсий ресурсларини эркин бошқариш имконини бермайди.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш таннархини оширувчи асосий омиллар, биринчидан, харидорлар ва талабгорларнинг харид учун вақтида тўловни амалга оширолмаслиги, иккинчидан, солиққа ажратмаларнинг миқдори

юқори эканидир. Ҳар бир омилни алоҳида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, молия-саноат гуруҳлари қатнашчилари активларини бирлаштириш ва жамланган (консолидациялашган) баланс юритилиши молия-саноат гуруҳлари ичида ҳам, ташқи контрагентлар билан ҳам ўз вақтида тўловни амалга оширолмаслик муаммоларини ечишда кўмаклашади.

Жамланма баланс чиқимларнинг бир турдаги гуруҳлари марказлашган ҳисобини олиб боришга ва молиявий ресурслардан фойдаланишда молиявий назоратни кучайтиришга имкон беради. Бу эса тўловларнинг ўзаро ҳисоб-китоби билан биргаликда уларнинг самарасиз ишлатилишининг олдини олишга имкон туғдиради.

Иккинчидан, молия-саноат гуруҳларининг жамланган (консолидациялашган) солиқ тўловчи сифатидаги ҳақ-ҳуқуқлари молияни таъсирчан бошқариш қуроли бўлиши мумкин. Ундан фойдаланиш ишлаб чиқариш таннархини режалаштириш имконини яратади. Жамланган (консолидациялашган) солиқ тўловчи мақоми молия-саноат гуруҳининг марказий компаниясига шахсий ва жалб қилинган ресурсларни гуруҳ ичида эркин тақсимлаш ҳуқуқини беради. Ресурсларнинг шу тарзда эркин ҳаракатланиши, гуруҳ доирасида маблағларнинг тақсимланиши турли юридик шахслар ўртасида юз беришида намоён бўлади.

Маблағларнинг мазкур ҳаракати бюджетга солиқ олинмасдан амалга оширилади. Молия-саноат гуруҳларидан ташқарида бир юридик шахсдан иккинчи юридик шахсга маблағларнинг ўтказилишида солиққа тортилмайди (агарда банк ссудаси бўлмаса). У аванс тўлови ёки вақтинчалик молиявий ёрдам сифатида расмийлаштирилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам бюджетга ҚҚС ва фойда солиғи тўланади.

Биргаликда ҳаракатланиш тўғрисида шартнома тузилган ҳоллардаги маблағлар ҳаракатланиши бундан мустасно, амалиётда ундан кам фойдаланилади.

Шундай қилиб, марказий компаниянинг жамланган

баланс юритиш ҳуқуқи унга солиқ қонунчилиги нуқтаи назаридан молия-саноат гуруҳлари қатнашчилари орасида молиявий ресурсларни эркин тақсимлашга имкон туғдиради. Бу марказий компанияга молия-саноат гуруҳлари ичида молиявий ресурсларни шакллантирувчи ва тақсимловчи институт ва инвестицион институт сифатида қарашга йўл очади. Йиғма баланс гуруҳга солиқ режалаштиришни амалга оширишда амортизация муддатларини белгилаш билан чегараланмай, балки ушбу солиқ имтиёзларидан фойдаланишга ҳам имкон яратади.

Аммо молия-саноат гуруҳларига солиқларни минималлаштириш усули сифатида қарамаслик лозим. Йиғма баланс ва солиққа тортиладиган база фақатгина ўзаро алоқадор молия-хўжалик тузилмаларини мустақил хўжалик субъектларига ажратиш жараёнини бирмунча енгиллаштиради.

Мустақил хўжалик субъектлари солиқ тўлаш мақсадида мулкни белгиси бўйича солиққа тортадилар, бу гуруҳ ичидаги солиққа тортиладиган базанинг кўпайишига олиб келади. Ишлаб чиқариш занжиридан ташқаридаги маҳсулотнинг ишлаб чиқариш босқичлари кўпинча мустақил аҳамиятга ва қийматга эга бўлмаслиги мумкин, лекин солиққа тортиш нуқтаи назаридан улар расман мустақил юридик шахсларга тегишли. Бу маҳсулотнинг охириги сотиш баҳосининг кўп маротаба ошишига олиб келади, кўп қисми бюджетга ўтказилади, кейинчалик ишлаб чиқаришга давлат дотациялари ҳамда бошқа имтиёзлар сифатида қайтарилади.

Молия-саноат гуруҳлари фаолият юритишининг муҳим жиҳати иштирокчилар назоратидаги молиявий ва моддий ресурслар концентрацияси билан алоқадор кафолат остида йирик инвестицион дастурлар ишончилигини ошириш бўлмоқда. Молия-саноат гуруҳининг бирмунча юқори молиявий, техник, ташкилий барқарорлиги асосида инвестиция рисклари алоҳида корхоналар билан солиштириш бўйича сезиларли даражада пасаяди. Банклар учун аҳамиятлиси саноат, савдо, суғурта тузилмалари билан ўзаро фойдали фаолият юритиш жараёнида рақобатбардошликни ошириш саналади. Қолаверса, молия-саноат гуруҳининг турли соҳа-

лардаги иштирокчилари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда банк фаолияти диверсификациялашади ҳамда иқтисодий вазиятларни олдиндан ўрганиш даражаси кучаяди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, республикамизда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш мамлакатда ишлаб чиқариш суръатлари ўсишига, банк-молия тизимининг янада ривожланишига, натижада аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

### **3.2. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олиб айтишимиз мумкинки, хўжалик юритишнинг янги шакллари жорий этиш иқтисодий барқарорликка эришишда муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида банкларнинг капиталлашув даражаси ошириб борилмоқда, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури кўпаймоқда, бу иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришда корхоналарнинг асосий воситаларини янгилаш ва модернизациялашда, уларнинг экспорт фаолиятини молиялаштиришда, хўжалик субъектлари ўртасидаги тўловларни ўз вақтида самарали амалга оширишда банклар асосий роль ўйнайди.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш шароитларида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаган ҳолда фаолият юритишга интилишини намоён этувчи бозор муносабатлари ривожланишининг юқорироқ босқичини тавсифловчи тенденциялар юзага келди. Бу иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги капиталларни ўзаро бирлаштириш ва бир-бирига қўшиш асосида йирик ташкилий-хўжалик тузилмаларини яратишни билдиради.

Молия-саноат гуруҳлари молия, савдо ва саноат капитали бирлашишининг истиқболли шакли ҳисобланади. Бунда гуруҳ иштирокчиларидан ҳар бирининг юридик мустақиллиги сақланган ҳолда ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий тузилмалар салоҳиятининг бирлашиши узвий равишда амалга оширилади.

Молия бозорларининг глобаллашуви кучайиб бораётган шароитда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш нафақат замонавий ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли тизимини ривожлантиришга қўйил-

ган қонуний қадам, балки Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторидаги саноат тузилмаларини қайта ташкил этишнинг зарурий босқичидир.

Молия-саноат гуруҳида қатнашишнинг тижорат банклари учун аҳамиятли томони шундаки, саноат, савдо ва суғурта тузилмалари билан ўзаро фойдали фаолият юртиш жараёнида рақобатбардошлик ортади. Қолаверса, молия-саноат гуруҳининг турли соҳалардаги иштирокчилари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда банк фаолияти диверсификациялашади.

Ўзбекистонда истиқболда ташкил этиладиган молия-саноат гуруҳлари ўзида миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги йирик саноат корхоналарини, етакчи тижорат банкларини, суғурта ва инвестиция компанияларини, пенсия фондларини қамраган универсал кўп тармоқли мажмуаларни намоён этиши лозим. Буларнинг барчаси иштирокчиларига йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг ихтиёридаги маблағларни энг ишончли ва фойдали соҳаларга жойлаштириш учун молиявий ҳамда моддий-техник ресурсларга бўлган кафолатли фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаши керак.<sup>63</sup>

Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнида гуруҳ иштирокчиларидан ҳар бирининг юридик мустақиллиги сақланган ҳолда ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий тузилмалар салоҳиятини бирлаштириш учун қулай имкониятлар очилади. Уларнинг ўзига хос хусусияти ресурсларнинг барча турларини моҳирона оптималлаштиришдан олинган, экспортга йўналтирилган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини ривожлантиришга

---

<sup>63</sup> Вахабов А.В. Модели развития финансово-промышленных групп в мировой экономике и возможности его использования в Узбекистане // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане. Материалы международной научно-практической конференции. – М., 2008.

қаратилган барқарор ва самарали бирлашмани юзага келтирувчи ҳамда бозор муносабатлари шароитида ўз-ўзидан ривожланишга қобилиятли юқори натижада намоён бўлади.

Ўзбекистонда холдинглар, молия-саноат гуруҳлари ёки концернлар шаклидаги юқори интеграллашган хўжалик юритиш мажмуаларининг кенг тармоғини ташкил этишга қаратилган давлатнинг умумий йўли пухта ўйланган саноат сиёсатини амалга ошириш, молия ва саноат капитали интеграцияси даражасини кўтаришга ёрдам берувчи давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал ва функционал чора-тадбирлари мажмуи билан мустаҳкамланган бўлиши керак.

Монографиянинг олдинги бобида таъкидланганидек, мамлакатимиздаги етакчи тижорат банкларидан «ТИФ Миллий банки», «Асакабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳамда «Агробанк»нинг иқтисодийнинг саноат тармоғига кредит қўйилмалари улуши юқори, бу мазкур банклар ташаббускорлиги ва фаол иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга қулай шароит мавжудлигидан далолат. Банклар иқтисодийнинг реал секторидаги саноат корхоналарига йирик ҳажмдаги инвестицияларни амалга оширмоқда, саноат корхоналари ҳам тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб уларнинг корпоратив бошқарувида қатнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан молия-саноат гуруҳларини ташкил этишга, фаолиятида тижорат банкларининг кенг ва фаол иштироки учун ҳуқуқий шароитларни яратишга йўналтирилган бир қатор устувор лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини («2007 – 2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк ти-



зимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури», қарорнинг 1-банди, 1-илова) ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан саналади. Лекин молия-саноат гуруҳларини ташкил этишни ташкилий, ҳуқуқий, конъюнктуравий ва концептуал тусдаги бир қатор шароитлар мураккаблаштиряпти. Бундай сабаблардан бири сифатида амалий тажрибанинг мавжудмаслиги ҳамда турли муассасаларнинг давлат ва шахсий манфаатлар мослигини таъминлашга қаратилган ҳаракатининг номувофиқлигини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида банкларнинг капиталлашув даражаси ортыпти, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури кўпаймоқда, бу миллий иқтисодиёт ривожига ижобий таъсир кўрсатяпти. Иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришда корхоналарнинг асосий воситаларини янгилаш ва модернизациялашда, уларнинг экспорт фаолиятини молиялаштиришда, хўжалик субъектлари ўртасидаги тўловларни ўз вақтида амалга оширишда банклар асосий роль ўйнайди.

Таъкидлаш лозимки, бошқа МДҲ давлатлари тижорат банклари сингари республикаимиз банкларининг инвестицион жараёнларда иштироки нисбатан паст. Бу эса уларнинг ресурс базасини, авваламбор, капиталлашув даражасини янада оширишни талаб этади. Шунинг учун Президентимизнинг 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори қабул қилиниши айни муддао бўлди. Чунки қарорда банкларнинг устав капиталини ошириш ва уларнинг инвестицион жараёнларини молиялаштириш учун ресурс базасини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Банк капиталлашуви даражасини ошириш мақсадида уларнинг қўшимча акцияларини эмиссия қилиш ва фонд бозорларида жойлаштириш, ушбу жараёнга корхоналар

ва аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш, айниқса, хорижий инвесторлар иштирокига имконият яратиш лозим. Президентимизнинг юқоридаги қарорида тижорат банклари янги чиқарилаётган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдори фонд биржасида сотувга қўйилиши, уларнинг акциялари мажбурий тарзда фонд биржаси листингига киритилиши таъкидланган, бу тадбирлар мамлакатимизнинг кўпчилик корхоналари ва аҳолисига банк акцияларини сотиб олишлари учун қулайликлар яратди. Бу банкларнинг молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг ташаббускори ва фаол иштирокчиси бўлишига қулай имконият туғдирмоқда.

Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг муҳим вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– инвестиция ресурсларини иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларида жамлаш;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчилар экспорт салоҳияти ва маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш;

– саноатда истиқболли таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

– бозор иқтисодиёти шароитларида оқилона технологик ва кооперацион алоқаларни шакллантириш, эркин рақобат муҳитини ривожлантириш.

Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантириш қуйидаги масалаларни ҳал этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши мумкин:

1. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, акциядорлик жамияти шаклидаги корхоналар кўпинча инфляция шароитида ўзининг ишлаб чиқариш фондлари сезиларли эскиришини, маҳсулотларни сотиш, хомашё ва материалларни сотиб олиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни яқка ҳолда ҳал этиш имкониятига эга бўлмайди. Молия-саноат гуруҳларининг фаолият юритиш механизми молиявий ресурсларни жалб этишда юзага келувчи муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади. Жумладан, молия-

саноат гуруҳи доирасида (ҳар бир корхона ўзи муаммоларни алоҳида ҳал этмайди) фақат вақтинчалик бўш пул маблағларини тўплаш эҳтиёжларни навбатма-навбат молиялаштириш имконини беради. Шундай қилиб, молия-саноат гуруҳи иштирокчиларининг иқтисодий, ташкилий, технологик ва интеллектуал салоҳиятини бирлаштириш натижасида юқори самара берувчи ишлаб чиқариш учун инвестицион ресурсларни ошириш ҳамда ўз-ўзини молиялаштиришнинг ҳақиқий механизмлари таъминланади. Капитал интеграцияси натижасида фаолиятнинг турли соҳаларидан жамланган салоҳиятнинг кучайиши кўзга ташланади.

2. Хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш каби асосий мақсадни кўзлаган ҳолда молия-саноат гуруҳи ҳар бир таркибий қисмининг фойдалилик кўрсаткичи ортиши бозорларнинг бирданига ўзгарувчан конъюнктураси шароитида гуруҳ доирасида умумий даромадлиликни барқарорлаштиришга имкон яратади. Хорижий иқтисодчилар молия-саноат гуруҳларининг муҳим хусусиятини аниқлашган ва бунини математик жиҳатдан асослашга эришишган. Унга кўра, марказий компаниянинг кутаётган соф фойдаси алоҳида бўлимлар бўйича кутилаётган фойдалар йиғиндисидан иборат, бунда бутун гуруҳнинг rischi алоҳида компаниялар riskлари йиғиндисидан кам бўлади.

3. Гуруҳ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг ўзаро қарздорлиги муаммосини осон ҳал этиш имконияти юзга келади. Бу иқтисодийётда ўзаро ҳисоб-китоблар ҳамда тўловлар билан боғлиқ муаммоларни сезиларли даражада камайтиришга ёрдамлашади.

4. Молия-саноат гуруҳи иштирокчилари бўлган корхоналарга ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш сезиларли даражада яхшиланади. Чунки молия-саноат гуруҳига кирадиган банк гуруҳ бўйича мижозлар тўловларини ушлаб туришдан манфаатдормас. Кредитлаштирилган корхоналарнинг доимий гуруҳи корхоналарнинг ўзига хос хусусияти, молияси ҳамда инвестицион лойиҳалари ҳолатини мукамал ўрганишни кўзда тутаяди. Натижада корхона-

лар банк хизматлари бўйича қуйидаги имтиёзларга эга бўлиши мумкин:

- қарз маблағларини олишнинг тезлиги (соддалаштирилган тартиб бўйича);
- кредит фоиз ставкаларининг нисбатан пастлиги;
- кредитни қайтариш муддатини узайтириш имконияти мавжудлиги;
- лойиҳаларни молиялаштиришда банкнинг қатнашиши.

5. Молия-саноат гуруҳлари мамлакат иқтисодиёти учун долзарб масалаларни ҳал этишга, замонавий бозор талабларига жавоб берувчи ишончли ва барқарор таъминот тизимини вужудга келтиришга ёрдам беради. Маркетингга хос ушбу жиҳат улар истиқболнинг энг муҳим томонларидан биридир.

6. Молия-саноат гуруҳлари хорижий инвесторлар анча мамнуният билан ҳамкорлик қиладиган тузилмалардан. Мазкур бирлашмалар асосий қарорларни қабул қилишда ва амалга оширишда етарлича мустақилликка эга бўладилар ҳамда халқаро кооперацион алоқаларни мустақил равишда ташкил этадилар. Бундан келиб чиқадики, хорижий ҳамкорлар учун молия-саноат гуруҳи қўйилган маблағлар сақланишида маъқул кафолатчи ҳисобланади. Қолаверса, бундай тузилмаларнинг шакллантирилиши мамлакат инвесторларининг хорижга капитал чиқаришини муайян даражада рағбатлантиради.

7. Молия-саноат гуруҳлари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ривожлантиришнинг миллий иқтисодиётга алоқадор муаммоларини ҳал этиб, ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

8. Молия-саноат гуруҳлари импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарган ҳолда миллий иқтисодиётда йирик хорижий компанияларнинг рақобатига қарши таъсир кўрсатади. Халқаро бозорларда савдода қатнашиш орқали улар мавжуд ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва янгиларини ташкил этиш учун валюта маблағлари кириб келишини таъминлайди.

Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш мамлакат саноати тараққий этишининг муҳим омилидир. Корхоналарнинг молиявий ва тижорат тузилмалари билан бирлашиши мамлакат иқтисодиёти реал сектори янада ривожланишига хизмат қилади.

Молия-саноат гуруҳи таркибида фаолият юритиш тижорат банкларига қатор қулайликларни яратади. Жумладан:

1. Тижорат банкларининг молия-саноат гуруҳи таркибида қатнашиши натижасида фаолият кўламини кенгайтириш, саноат билан мустаҳкам муносабатларни ўрнатиш ҳамда инвестицион фаолият юритишининг янада яхшиланишига қулай имкониятлар туғдирилади. Масалан, молия-саноат гуруҳининг марказий компанияси мулкчилик ҳуқуқини амалга ошириши банкка бутун тузилмани бошқариш ва назорат қилишга имкон беради. Молия-саноат гуруҳи акцияларини банк эгаллаши хусусийлаштиришда қатнашишдаги мавжуд тўсиқларни енгиллаштириш, бир вақтнинг ўзида мижозлар фаолиятини назорат қилган ҳолда уларни қўллаб-қувватлашга ёрдамлашади.

2. Йирик молиявий айланма билан гуруҳ иштирокчиларини мижозлар сифатида жалб қилиш имконияти банклар учун, шубҳасиз, жозибали. Қолаверса, келажақдаги банклар бозоридаги жиддий бўлинишлар шароитида йирик мижозлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш имконияти муҳим аҳамият касб этади.

3. Саноат, савдо ва суғурта тузилмалари билан биргалликдаги фаолият ўзаро фойдали натижага эришишга мўлжалланган. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: иқтисодий вазиятларни прогнозлашни яхшилаш ҳисобига банк рақобатбардошлигини ошириш; мижозларнинг илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг истиқболли йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштиришни чуқурлаштириш; инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқиш даражасини ошириш ва ҳ.к.

Мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларининг шакллантирилиши тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини янада кенгайтиришга, экспорт қилувчи корхона-

ларни ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни давом эттиришга, иқтисодийнинг реал сектор корхоналари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларининг ушбу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан фаол қатнашишини таъминлашга, натижада уларни йирик инвестиция институтларига айлан-тиришга шароит туғилади.

Молия-саноат гуруҳида қатнашишнинг банклар учун жозибадорлиги ишлаб чиқариш фаолиятида бевосита қатнашиш ва бу жараён банк фаолиятини диверсификациялаш ҳамда кенгайтириш, янги даромад манбаларига эга бўлиш имкониятини ҳам ўз ичига олади. Ҳозирги кунда кўпгина банклар қимматли қоғозлар бозоридан даромад олишга интилмоқда. Лекин бир қатор йирик банклар келажақдаги барқарорлигини фақат йирик инвестицион лойиҳаларда, ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиш орқали таъминла-са бўлади деган хулосага келишмоқда. Бу ерда жиддий муаммо маблағларнинг қайтишидадир. Ҳозирги кунда кредитларнинг қайтмаслик муаммосини ҳал қилиш тижорат банклари олдидаги энг долзарб масалалардан бири. Мо-лия-саноат гуруҳларида кредитларнинг қайтмаслиги рис-ки қуйидагилар ҳисобига камайиши мумкин:

– корхоналар акцияларига эгалик қилиш туфайли мо-лиявий бошқарув сифатининг ошиши;

– банк корхоналар акциялари назорат пакетига эга бўлиши мумкин, бу маблағларни тақсимлаш ва сарфлашга имкон беради;

– гуруҳ иштирокчилари ҳисобланган корхоналарнинг бошқарувчилар кенгаши банк вакиллари орқали кредит-лардан фойдаланишни назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Замонавий молия-саноат гуруҳлари фаолиятининг ху-сусияти бўйича универсал ва кўламига кўра трансмиллий ҳисобланиб, ўз таркибига банк ва бошқа молия институт-ларини, саноат корхоналарини, савдо ва қурилиш компа-нияларини, иқтисодийнинг бошқа тармоқларига тегиш-

ли компанияларни олади. Ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг биргалиқда фаолият юритиши ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, натижада мамлакат саноати тараққий этишига қулай замин ҳозирланади.

Иқтисодийни модернизациялашнинг ҳозирги босқичида молия-саноат гуруҳида қатнашиш реал сектор корхоналарига қуйидаги афзалликларни беради:

– истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун капиталларни бирлаштириш;

– янги технологияларни ишлаб чиқиш, илмий-қидирув ишларини ўтказишга илмий-тадқиқот бўлимларини тузиш учун ресурсларни тўплаш;

– паст рентабелли тармоқлардан юқори рентабелли тармоқларга капитал ўтказиш имконияти;

– муддати ўтган тўловлар юзага келишининг олдини олишга имкон яратади ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказишни яхшилашга хизмат қилади;

– инвестицияларни амалга ошириш учун кредит ресурслари билан таъминлаш;

– маҳсулот ва хизматлар реализациясини яхшилашда бозорни тадқиқ қилиш учун ягона маркетинг хизматини ташкил этиш;

– гуруҳнинг барча корхоналарида улгуржи сотиб олиш орқали материалларни эгаллашда харажатларни бирмунча камайтириш имконияти ва ягона таъминот хизматини ташкил этиш.

Замонавий шароитларда мамлакат қайта ишловчи саноатини нафақат жаҳон, балки ички бозорларда хорижий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан рақобатлашув даражасининг унчалик юқоримаслиги долзарб муаммолардан биридир. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга молиявий маблағларни инвестиция қилиш масаласини, харажатларни пасайтиришни, ишлаб чиқариш, молиявий ҳамда савдо операцияларига, ахборот, юридик, таъминот ва мол сотиш бўлинмаларига боғлиқ муаммоларни ҳал этишни осонлаш-

тиради. Албатта, бунда давлат янги тармоқлар монополияси вудужга келишидан манфаатдормас. Шунинг учун бозорлар ёки маълум товарларни монополлаштирмайдиган, горизонтал интеграллашган молия-саноат гуруҳларини шакллантиришни рағбатлантириш лозим. Молия-саноат гуруҳи иштирокчилари манфаатлари давлатнинг асосий манфаатларига мос келади. Гуруҳ аъзолари молия-саноат гуруҳининг бошқа иштирокчилари билан мустақкам алоқаларни ўрнатиш асосида фаолият барқарорлигини ошириш орқали умумий инфратузилмаларни (ахборот-телекоммуникацион, суғурта, аудиторлик, сотув-таъминот, транспорт, кадрларга оид ва ҳ.к.) ташкил этишга эришиш, муомала ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ҳисобига ўз фаолияти самарадорлигини оширишдан манфаатдорлар.

Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш мамлакат иқтисодиётида интеграцион алоқаларни ўрнатиш йўлларида бири. Жаҳон амалиётида молия-саноат капитали интеграциясининг куйидаги учта асосий шаклини кўриш мумкин: холдинглар, молия-саноат конгломератлари ва «шартномавий гуруҳлар».

Хорижий тажрибанинг кўрсатишича, молия-саноат гуруҳларини интеграцион жараёнларнинг бошқа механизмлари билан таққослаганда ўзига хос хусусияти сифатида давлатнинг қўллаб-қувватлаши кўзга ташланади.

Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда қўшимча рағбатлантирувчи омил сифатида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турли чора-тадбирлари хизмат қилади:

– молия-саноат гуруҳининг марказий компаниясига ушбу молия-саноат гуруҳи иштирокчиларининг давлатга вақтинчалик бириктириб қўйилган акция пакетларини ишончли бошқарувга ўтказиш;

